

45(077)  
9-47

БАХРИДИН УМАРОВ  
УМАРАЛИ ҚОДИРОВ

+



# ХУҚУҚШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ ПСИХОЛОГИЯСИ



15 (077)  
У-47

БАҲРИДИН УМАРОВ  
УМАРАЛИ ҚОДИРОВ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК  
ФАОЛИЯТИ  
ПСИХОЛОГИЯСИ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»-2005

Мазкур услубий қўлланмада ҳуқуқшунослик фаолиятининг айрим психологик жиҳатлари юзасидан фикрлар баён этилади. Хусусан, ҳуқуқшунослик фаолиятининг ижтимоий-психологик тавсифномаси, ҳуқуқшунослик касбининг профессиограммаси, тергов фаолиятининг психологик масалалари, суд-психологик экспертизаси, уни тайинлаш, ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда суд фаолияти психологияси каби масалалар ёритилади. Шунингдек, қўлланмада ҳуқуқшунослик фаолиятида психологик билимларни қўллаш борасидаги муаммолар, ютуқ ва камчиликлар хусусида ҳам мулоҳазалар юритилади.


Қўлланма амалиётчи ҳуқуқшунос ва психологлар ҳамда шу соҳага қизиқувчиларга мулжалланган.

Тақризчилар:  
юридик фанлари доктори, профессор  
Ж.Х.Холмўминов

психология фанлари номзоди, доцент  
Н.А.Софииев

Ушбу қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2004 йил 25 ноябрь 4-сонли баённома).

ISBN 5-633-00240-4  
© Баҳридин Умаров, Умарали Қодиров.  
Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси  
«Янги аср авлоди»-2005



## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимиз психология фани олдида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қанча муҳим вазифа ва муаммолар вужудга келди. Жумладан, жамият, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат дахлсизлиги ва яхлитлигини сақлаш, фуқаролар ҳақ-хуқуқлари ва осойишталигини ҳимоя қилиш, хуллас инсонпарвар, ривожланган ҳуқуқий-демократик давлат қуришда фаол иштирок этувчи шахслар онгини шакллантириш, мутахассислар тайёрлашда соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб илмий адабиётлар, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратиш ана шундай долзарб вазифаларданdir. Чунки, советлар foяси, коммунистик мафкура етакчи бўлган даврларда психология фани, унинг имкониятларига паст назар билан қаралди ва ҳанузгача миллий, маҳаллий хусусиятлар инобатга олинган, мукаммал, жаҳон психологиясида эришилган кўплаб ютуқлар ўз аксини топган ўзбек тилидаги руҳият илмига оид адабиётларга эҳтиёж катта.

Бутун дунё миқёсида, шу жумладан республикамизда фан ва техника соҳасида эришилаётган улкан ютуқлар барча фанлар қатори психология соҳасининг ҳам ривожига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгач, фан ва таълим соҳасида туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши психология фани соҳасида тараққиётни, ижобий маънодаги кескин бурилишларни юзага келтирди. Эндилиқда мамлакатимиз психологлари зиммасига ҳалқимизнинг миллий ўзига хос психологик хусусиятларини тадқиқ этиш, миллий мафкура ва миллий тафаккурни шакллантиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий истиқдол руҳида тарбиялашнинг руҳий ва маънавий омилларини асослаш ҳамда тарғиб этиш каби улкан вазифалар юклатилди. Бу вазифаларни бажаришда мамлакатимиз психолог олимларининг олиб бораётган ишлари муҳим аҳамиятга молиқдир. Ўзбек оиласининг этнопсихологик

хусусиятлари, бадиий ижодиёт психологияси, психология тарихи, ўзбек халқининг миллий психологик қиёфаси, характер ва хислатлари, ақл-заковати, истеъдод ва қобилиятлари, таълим ва тарбия психологиясининг замонавий муаммоларини, экспериментал психологиянинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини асослаш ва тадқиқ этиш борасидаги олиб борилаётган илмий изланишлар шулар жумласидандир.

Бироқ бу фан гарчанд инсон ва унинг ҳаёти, бутун фаолияти, шахси ҳақидаги таълимот бўлишига қарамасдан, фан ютуқларининг айрим соҳаларга татбиқ этилиши бироз қийинчилик билан амалга ошмоқда. Шундай йўналишлардан бири ҳуқуқшунослик амалиёти соҳасидир.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги дастуруламал маърузасида таъкидлаганидек: «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз»<sup>1</sup>.

Назаримизда турмушимизнинг кўпгина жабҳаларида, айниқса ҳуқуқшунослик амалиёти соҳасида психологик билимларни қўллашда тажрибасизлигимиз, билим ва малакаларимиз этишмаслиги сезилиб қолмоқда. Шунинг учун муаллифлар ушбу услубий қўлланмани яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб олишди. Қўлланмада ҳуқуқшунослик фаолиятида психологик билимлардан фойдаланиш муаммолари ва шу соҳада эришилган ютуқлар, камчиликлар, суд-психологик экспертизаси, унинг суд ва тергов фаолиятларидағи аҳамияти, уни тайинлаш ва ўтказиш хусусида тұхталиб ўтишга

<sup>1</sup> «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир». Республика Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январь.

ҳаракат қилинди.

Құлланмада ҳуқуқшунослик фаолиятининг ижтимоий-психологик тавсифномаси, ҳуқуқшунослик касбининг профессиограммаси, суриштирув, тергов ва суд фаолиятининг психологик асоси каби ҳуқуқшунослик фаолиятида зарур бұладиган бир қатор психологик түшүнчә ва тамойиллар тұғрисида ҳам фикр юритилади.

Кузатышларға қараганда, ҳуқуқшунослик амалиётида психологик билимлардан фойдаланишнинг мақсадға мувофиқ йүлга қўйилмаётганлиги айрим ҳуқуқшуносларнинг бу борадаги назарий ва амалий билимлари етарли даражада эмаслигига боғлиқ бўлмоқда. Шунингдек, республикамиизда ҳуқуқшунослик психологиясига, суд-психологик экспертиза соҳасига тааллуқли қўлланма ва манбаларнинг етарли эмаслиги ҳам ҳуқуқшунослик фаолиятида психологик билимлардан фойдаланишнинг лозим даражада йўлга қўйилишига салбий таъсир курсатмоқда.

Ҳуқуқшунослик психологияси республикамиизда эндиғина ривожланиб келаётган соҳалардан бири бўлишига қарамасдан, бу борада муайян натижалар кўлга киритилмоқда. Бироқ шу ўринда таъкидлаш жоизки, айни давргача бу йўналишда яратилган рисолалар, услубий тавсияномалар асосан Европа ва Россия олимлари томонидан ишлаб чиқилган эди.

Республикамиизда бу соҳадаги ишлар мустақилликдан кейин жонланиб кетди. Ушбу қўлланма ҳам шу йўналишда яратилган ишлардан бири сифатида майдонга келди. Қўлланма ҳуқуқшунослик психологияси соҳасида ўзбек тилидаги дастлабки адабиётлардан бири бўлганлиги сабабли айрим камчилик, хатоликлардан холи эмас. Шу боисдан ҳам ушбу китобча ҳақида ўз мулоҳазаларингизни билдирасиз, деган умиддамиз. Муаллифлар Сизнинг билдирган фикр-мулоҳазаларингизни инобатта олган ҳолда бу йўналишдаги изланишларни яна давом эттириш ниятидалар.

## СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИННИГ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУНИ

Ривожланган фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида юридик психологиянинг жиноятни тергов қилиш ва очиш, судлов ишларини юритишида суд-психологик экспертизасини амалга ошириш, суд муҳокамасининг психологик жиҳатларини илмий-назарий ва амалий таҳдил қилиш масалаларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Суд-психологик экспертизасидан ривожланган давлатлар ҳуқуқий амалиётида кенг фойдаланилаётгани ҳолда Ўзбекистонда бу борада олиб борилаёттан ишлар ҳали талаб даражасида эмас, жамоатчиликда суд-психологик экспертизининг тергов ва суд жараёнидаги ваколатлари, вазифалари хусусида ҳозирча тўла тасаввур шаклланмаган.

Маълумки, суд экспертизаси маҳсус процессуал ҳаракат ҳисобланиб, эксперт хулосасини олишга йўналтирилган ва қонун билан қатъий тартибга солинган жараёндир. Алоҳида ҳолатларда, тергов ва судда ишларни кўриб чиқиши вақтида келиб чиқадиган айрим масалаларни, муаммоларни ҳал қилиш учун маҳсус психологик билим, кўникма ва малакалар талаб қилинади. Бу асосан терговчilar, жабрланувчilar, гумонланувчilar алоҳида руҳий фаoliyatiни, уларнинг ҳиссий-эмоционал реакциялари, психик хусусиятлари, ҳолатини тадқиқ этишга тааллуқлидир. Юқорида кўрсатилган ҳолатларда суд-психологик экспертизаси тайинланади.

Юридик психология, суд-психологик экспертизаси соҳасида россиялик олимлардан В.Л.Васильев, Н.Г.Ведерников, Ф.В.Глазирин, А.В.Дулов, Г.Досполов, М.И.Еникеев, А.А.Закатов, Ю.И.Ильченко, В.Е.Коновалова, М.М.Коченов, И.Ф.Пантелеев, И.Кертес, А.Р.Ратинов, В.В.Романов, О.Д.Ситковская, Ю.В.Чуфаровский, Г.П.Шиханцев, Ўзбекистонда Й. Каракетов, А.А.Расулов, И.Собиров, И.Юсупов,

А.Ёқубов, М.Сатторова, Г.П.Саркисянц, М.Қосимова; ўзбек психололаридан Ф.Шоумаров, Э.Фозиев, Б.Қодиров, Э.Усмонов, Х.Каримов, Г.Тұлаганова, Э.Қулжонов Х.Рухиева, А.Мухторов, М.Аҳмедова ва бошқаларнинг бу соҳадаги изланишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Юридик психологиянинг ижтимоий ҳаётда тутган аҳамиятини оширишда, инсон тақдирини ҳал қилишга холисона, ҳаққоний ёндашишда суд-психологик экспертизасининг илмийлиги, ишончлилиги муҳим ўрин тутади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими органлари ходимларининг психологик маданияти, бу соҳадаги юксак касбий малакаси жиной ишларни текшириш, очиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида катта аҳамият касб этади. Бироқ нафақат амалиёт балки бу соҳага оид йўналишларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари кўлами ҳам ҳали талабга жавоб бермайди.

Суд-психологик экспертиза бугунги кунда ҳуқуқшунослик амалиётига чуқур кириб бормоқда. Суд-психологик экспертизасининг моҳиятини тұлароқ, англаш өткізу үшін, амалиётта кеңг татбиқ этиш учун эса унинг шаклланиш йулини, тарихини билиш талаб этилади.

Ҳуқуқбузарлик жараёнидаги иштирокчиларнинг (айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчи) психик хусусиятларини тадқиқ қилиш ва үрганишга қизиқиши қадим-қадимдан мавжуд бўлган.

Илгариги пайтларда айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг психологик хусусиятлари оддий ва ўзига хос, содда психологик текширувлар орқали («гуруч билан», африкаликларда эса «там-там» усулида) синааб кўрилган.

Қадимги хитойликларнинг гуруч билан синааш усулида айбланувчига айлов эълон қилинаётган пайтда унинг оғзига қуруқ гуруч солиб қўйишган. Оғиздаги гуруч агарда ҳўл бўлмасдан қуруқ ҳолда бўлса, у айбор деб эълон қилинган. Хитойлик ўша давр ҳуқуқшуносларининг фикрича, «одам агар айбор бўлса оғиз ҳўлланмайди» (Бу жараён муайян психофизиологик

асосга эга, чунки киши айби ошкор бўлишидан, умуман бирор нарсадан қўрқса, оғиз қуриб, сўлак безлари маълум муддат фаолиятини тұхтатади).

Африкаликларнинг «там-там» деб номланган психологик синов усулида эса айбланувчи ёки гумон қилинувчидан айлов эълон қилинаётган пайтда барабан (нофора) чалиш сўралган. Бунда кузатувчилар нофора оҳангиги (ритми, маромини) кузатишган. Агарда барабан оҳангиги ўзгарса, демак уни чалаётган одам айборд деб топилган.

Кишилик жамиятининг тараққий этиб бориши, бир ижтимоий тузумнинг иккинчи бир ижтимоий тузумга ўрнини бушатиб бериши жамиятда бир қатор янгиликларни, ўзгаришларни келтириб чиқарган. Шу тариқа жамият ривожи барча соҳалар сингари психология илмининг ҳам ривожланишига турткى бўлди. Натижада ҳуқуқшунослик амалиётида психологик синовларнинг аҳамияти янада ортиб, уни ўтказиш усуллари такомиллашиб борди. Бу ўз навбатида тергов ва судлов жараёнларининг ошкоралик асосида, одилона олиб борилишини таъминлади. Бироқ, тергов ва судлов жараёнларининг ошкора ва одилона олиб борилиши кўп ҳолларда фақат судья ёки терговчининг тажрибасига, илмига, малакасига ва виждонига боғлиқлигича қолаверди. Бундай ҳолат табиий равишда судлов ва тергов жараёнига бошқа соҳаларнинг ҳам аралashiши заруриятини келтириб чиқарди. Дастлаб судлов жараёнида психологлар вояга етмаганларнинг психик ривожланиши хусусиятларини, хотира, тафаккур жараёнларини тадқиқ қилиш билан шуғулана бошладилар.

Ҳуқуқшунослик амалиёти тарихидан маълум бўлишича, илк марта 1810 йилда Наполеон «жиноят кодекси»га ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш ёки бошқара олмаслик (вменяемость, невменяемость) лаёқатини аниқлаш тушунчасини киритади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бир қатор мамлакатларнинг жиноят процессыал кодексларига

айбланувчининг ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера олиш ёки жавоб бера олмаслигини аниқлашга доир тиббий тушунчалар ҳам киритила бошланди.

Россияда 1864 йилда жиноят ишлари бўйича судлов низомига психиатрик экспертиза ўтказиш зарурлиги тұғрисидаги кодекс қўшилган эди. Ушбу психиатрик экспертиза таркибида психологик экспертиза ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Шу вақтдан эътиборан Россияда психологик экспертиза ўтказила бошланди.

Суд-психологик экспертиза жараёнини назарий асослаш юзасидаги илмий изланишлар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида немис олимлари Штерн, Марбе, Гросс, италиялик Ферри, Горрофало сингари тадқиқотчилар томонидан олиб борилди. Уларнинг илмий изланишлари суд-психологик экспертизасининг такомиллашувига ва унинг судлов жараёнига янада чуқурроқ кириб боришига сабаб бўлди.

Асримизнинг ўрталарида келиб, эксперименталл психология соҳаси бўйича эришилган ютуқлардан суд амалиётида ҳам фойдаланила бошланди. Ушбу йўналиш бўйича, лабораториялар ташкил этилиб, уларда жиноятчи шахс хулқи ўзгаришлари, физиологик аффект ҳолати ва шу кабилар ўрганила бошланди.

1922 йилда Россия Федерациясида биринчи марта жиноят процессуал кодекси қабул қилинди ва унга «экспертлар судда кўрилаётган ёки ўрганилаётган жиноий иш жараёнида фан, санъат ёки бошқа соҳа бўйича қўшимча маълумотлар олиниш зарур бўлган ҳолларда чақирилади» - деган модда киритилди.

1923 йилнинг 15 февраляда собиқ иттифоқ таркибидағи Россия Федерациясининг янги жиноят процессуал кодекси тасдиқланди ва унда суд-психиатрик, суд-психологик экспертизалари бўйича илгари қабул қилинган моддалар тұлалигича қолдирилиб, уларни янада мукаммаллаштириш мақсадида қўшимча банд киритилди.

Асримизнинг бошларида собиқ Иттифоқнинг Москва, Саратов, Боку, Харьков, Киев ва бошқа бир

қатор шаҳарларида жиноятчи шахсини ўрганиш бўйича марказлар очилиб, уларда суд-психологик ишлари олиб борила бошланди. Кейинчалик бу марказлар ўрнига илмий суд-экспертиза институтлари очилди. Бу институтларда криминалистик, биологик, психологик, физик, кимёвий ва бошқа соҳалар бўйича экспертиза ишлари олиб борилди.

Суд-психологик экспертизасининг илмий-назарий ва амалий асосларини ўрганиш ҳамда судзор за терговда унинг аҳамияти түғрисида машҳур рус ҳуқуқшуносларидан В.Д.Любинский бир қатор фикрларни баён этган, психологлардан А.Р.Лурия, А.Е.Брусловский кабилар айбланувчини жиноий жавобгарликка тортиш жараёнида психологик билимлардан фойдаланишнинг зарурийлигини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдилар.

Собиқ иттифоқда А.Е.Брусловскийнинг 1929 йилда кашр эттирилган «Суд-психологик экспертизасининг предмети, методи, унинг меъёри» номли асари бу йўнзлишда яратилган биринчи манба бўлиб ҳисобланади. Ушбу асарнинг юзага келиши билан суд-психологик экспертизасига эътибор бироз кучайди. Жиноий жавобгарлик ва фуқаролик судлов ишларида суд-психологик экспертиза хизматидан кенг миқёсда фойдаланила бошланди. Бироқ, асримизнинг 30-йилларидан бошлаб, 60-йилларгача экспериментал психология ва шу жумладан психологик экспертизага ҳам эътибор сусайди. Бунга ўша даврда бир гурӯҳ тадқиқотчиларнинг экспериментал психология фани олиб бораётган тадқиқотлар илмий асосга эга эмасdir, деган даъволари сабаб бўлди.

Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб, психологик экспертиза хизмати яна ривожлана бошлади. Аммо бу фақат жиноий жавобгарлик ишларида психологик экспертиза хизматидан фойдаланиш бироз яхши йўлга кўйилганини англатарди, фуқаролик судлов ишларида психологик экспертизадан фойдаланиш ҳуқуқшунослар эътиборидан четда қолаверди.

Психологик экспертиза фаолияти ривожланишини кузатар эканмиз, қатор йиллар мобайнида экспертиза ўтказиш усули, жиноятчи шахсни ўрганиш методлари, уларнинг илмий асосга эга эканлиги, экспертизанинг самарадорлиги каби муаммоларга асосий эътибор қаратилганинг гувоҳи бўламиз. Бу масалаларга нисбатан турлича қарашлар бугунги кунда ҳам ахён-ахёнда учраб турмоқда. Айрим мутахассисларнинг психологик экспертиза хулосаларига нисбатан ишончизилиги бугунги кунда ҳам давом этиб келаётган бўлса-да, аммо психологик экспертиза соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар бу хилдаги қарашларнинг асоссизлигини исботламоқда.

Дарҳақиқат суд-психологик экспертиза хулосасининг илмий асосланганлиги кўрилаётган ишнинг одилона баҳоланишига замин яратади. Шунинг учун психологик экспертиза хулосаларнинг илмий асослилиги ва ишончлилигини таъминлаш масаласи психолог олимлар дикқат-эътиборида турган асосий вазифалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Манбалардан маълум бўлишича, асримизнинг 60-йилларигача психологик экспертиза хулосаларига шубҳа билан қараб келинган. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги биринчидан, замонавий психология фанининг имкониятлари борасида ва умумпсихологик билимлардан айрим ҳуқуқшуносларнинг етарлича маълумотларга эга бўлмаганликлари билан тавсифланса, иккинчидан маҳсус психологик билимларга эга бўлган психолог мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда айрим ҳуқуқшунос мутахассисларнинг бу соҳага беписандлик билан қарашлари билан изоҳланган.

Асримизнинг 60-йилларигача бўлган даврда жиноятчи шахсини ўрганиш бўйича етарлича, илмий асосланган психологик методларнинг яратилмаганлиги учун психологик экспертиза хулосалари илмийлик жиҳатдан айрим камчиликлардан холи эмас эди. Шу боисдан ҳам мутахассисларда экспертиза хулосаларига

нисбатан ишончсизликнинг пайдо бўлишини табий ҳол деб ҳисоблаш мумкин. Экспериментал психология фанининг ривожланиб бориши натижасида асосли янги-янги методларнинг яратилиши билан бундай шубҳалар, фикрлар аста-секин барҳам топа бошлади.

ХХ асрнинг 60-йиллари гача бўлган даврдаги психологик экспертиза муаммоларидан яна бири психологик экспертиза вазифасининг аниқ ва равшан ойдинлаштирилмаганидир. Бунинг натижасида психологик экспертизанинг ўз вазифасидан ташқарида бўлган масалаларни ҳам қамраб олишига тўғри келган. Масалан, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, жиноятчи шахсининг психологик хусусиятларини тадқик қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш чоратадбирларини ишлаб чиқиши психолог эксперт ўз вазифаси деб билган. Бу кишиларда психолог экспертерговчи ёки судья ишларига аралашяпти, деган мазмундаги фикрларнинг юзга келишига сабаб бўлган. Табийки, бу сингари қарашлар психологик экспертиза предметининг чигаллашиб боришига сабаб бўлиб, бу йўналишга нисбатан арим мутахассислар ва одамларда ишончнинг йўқолишига олиб келган.

Психологик экспертиза соҳасининг ривожланиб бориши натижасида аста-секин унинг вазифаси, тергов ва суд жараёнига аралашув чегараси аниқлашиб борди. Бутунги кунга келиб психологик экспертизанинг вазифаси, ўрганувчи соҳаси хусусидаги англашилмовчилик, тушунмовчиликлар барҳам топди. Бунга кўра жиноятчи шахси хусусиятларини, хулқ ўзгаришларини, ақлий ривожланганлик даражасининг ёшига мос ёки мос эмаслигини, унинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатини англаб ета олиш лаёқатини, жиноятчидағи физиологик аффект ҳолатини ва бераётган кўрсатмасининг тўғри ёки нотўғрилигини илмий жиҳатдан асослаш ва шу каби қатор психолог мазмундаги масалаларни тадқик қилиш психолог эксперт вазифасига кириши белгиланди. Фақат зарур бўлган ҳолатлардагина психолог эксперт терговчи ёки

судья таклифига биноан жиноятчининг ижтимоий-психологик тавсифномасини бериши мумкин. Қолган пайтларда эса психолог эксперт фақат ўз олдига қўйилган саволларга жавоб бериш ҳуқуқига эга эканлиги маълум бўлди.

Суд-психологик экспертизасининг Ўзбекистондаги ҳолати тўғрисида мулоҳаза юритадиган бўлсак, собиқ иттифоқ даврида уша пайтдаги қонунлар даражаси ва доирасида Ўзбекистонда психологик экспертиза ишлари олиб борилди ҳамда шу асосда ривожланди. Бироқ қайд этиш керакки, Ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар, психологлар республикамиизда психологик экспертиза соҳасини ривожлантиришда, ҳудудий хусусиятларни тадқиқ этишда самарали изланишлар олиб бордилар.

Ўзбекистонда XX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб, психология, ҳуқуқшунослик психологияси, криминал психология фанлари муайян даражада ривожланиш босқичига қадам қўйди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу соҳадағи ўзгаришлар янада яққол сезила бошлади. Қонунчилигимиз асоси ривожланган дунё мамлакатлари тажрибасидан фойдаланилган ҳолда ҳалқаро талаблар асосида қайта кўриб чиқилиб, янгиланди ва такомиллаштирилди. Суд экспертизалари ва шу жумладан суд-психологик экспертизасига нисбатан янгича ёндашувлар юзага келди. Судлов жараёнининг самарадорлигини, одилона олиб борилишини таъминлаш мақсадида республикамиизда экспертизалардан фойдаланишга кенг йўл очиб берила бошланди. Бироқ, республикамиизда суд-психологик экспертиза хизматини ташкиллаштиришга доир тавсияномаларни етарли дея олмаймиз. Бу соҳада ҳали жуда кўплаб изланишлар олиб борилиши ва суд-психологик амалиётига кенг миқёсда татбиқ этилиши зарур.

## ХУҚУҚШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАВСИФНОМАСИ.

Бугунги кунда «психология» атамасига тез-тез дуч келмоқдамиз. Психология фани жамиятимиз ривожланиб борган сари ўз аҳамиятига эга бўлиб, инсоният ҳаётида зарур бўлган мухим илм соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Бугун психология илми кириб бормаган фан ва ишлаб чиқариш соҳасини деярли учратиб бўлмайди.

Маълумки, суриштирув, тергов ва суд жараёнлари ўз фаолиятида эътиборга олиниши лозим бўлган ҳуқуқий мезонлар билан бир қаторда, ижтимой-психологик, тиббий, маънавий ва шу каби бир қатор омиллар мавжудки, уларни ҳисобга олмаслик кўрилаётган ишнинг муваффақиятли якунланишига, одилона ҳукм чиқарилишига салбий таъсир кўрсатади. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, ҳуқуқшунослик амалиётида психологик билимлардан етарлича фойдаланилаяпти, дея олмаймиз. Айниқса, тергов ва судлов жараёнларида суд-психологик экспертиза хизматидан фойдаланиш кўпчилик ҳолларда, ҳатто тажрибали, малакали ва билимдон терговчи ёки судьяларнинг ҳам эътиборидан четда қолмоқда.

Ҳуқуқшунослик фаолиятларини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ҳуқуқшунослик амалиётида психологик билимларни қўллаш, улардан фойдаланиш тергов ва суд жараёнларининг самарадорлигини, объективлигини таъминлаш билан бирга, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва фуқароларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишни, кишиларнинг ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишончини, ҳурматини юзага келтиради. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, адолатли ҳукм чиқариш ва қонун устуворлигини таъминлаш эса ҳуқуқий-демократик давлат қонунчилигининг бош негизини ташкил қиласи.

Ҳуқуқшунос меҳнати ранг-баранг ва мураккаб,

бошқа касблардан фарқли ўлароқ бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Хукуқшунослик касби меҳнат жараёни ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда бу фаолият давомида салбий ҳис-туйфулар вужудга келиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Салбий ҳис-туйфуларни жиловлаш, ҳиссий бекарорликнинг олдини олиш, дам олиш пайтларини ортга суриш кабилар хукуқшунослик фаолияти учун характерли зарур жиҳатларидан биридир.

Профессионал хукуқшунос иши ўта масъулиятли фаолиятдир. Давлат хукуқ-тартибот идоралари зиммасига мамлакатда жиноятчиликка қарши курашиш, уни бартараф этиш вазифаси юклатилади. Шу билан бирга ҳукуқшунослик касби фаолияти натижасида фуқароларнинг турли хукуқ ва бурчлари, ваколат ва мажбуриятларининг амалга ошиши кафолатланади, қонун устуворлиги таъминланади. Бу эса айни чоғда ҳукуқшуносларда ўз хулқ-атворлари учун юксак профессионал нуқтаи назарни шакллантирмоғи лозим.

Ҳукуқшунослик фаолияти мاشаққатли, мураккаб ва масъулиятли меҳнат бўлиб, соҳа ходимлари олдига катта талаблар қўяди.

Ҳукуқшунослик касбининг ўзига хос жиҳатларидан бири улар ишида ташкилий фаолиятнинг катта ўрин тутиши бўлиб, у иккита асосий хусусиятга эга:

1) Иш куни, иш ҳафтаси мобайнида ишни режалаштиришдан ташқари вақти-соати белгиланмаган иш куни шароитларида хукуқбузарликка ёки жиноий иша оид суриштирув ва тергов ишларини ташкил қилиш эҳтимолининг мавжудлиги;

2) Бошқа мансабдаги ҳамкаслар ва ўзга йўналишдаги хукуқ-тартибот идоралари, бошқа ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда ишни ташкил этиш зарурияти.

Жиноий ишни очиш, суд қилиш мобайнида адолатли ҳукм чиқариш ижодий жараён бўлиб, терговчи, прокурор, судья, адвокатлардан сезгириллик,

диққат-эътибор, инсонпарварлик, инсон ички дунёсига йўл топа билишни талаб этади.

Гарчи, ҳукуқшунослик касби фаолияти ўз соҳасида мустақил ҳисобланса-да, бошқа йўналишдаги мутахассислар билан тергов ва судловни амалга ошириш чоғида ўзаро ҳамжихатлик асосида, узвий боғлиқ ҳолда иш кўришни тақозо этади. Ҳукуқшунослик фаолиятини тизимлаштирган ҳолда ўрганиш мобайнида икки гурухга: асосий ва ёрдамчи гуруҳларга ажратиб олиш мумкин. Фаолиятнинг асосий тури (ваколатли, конструктив ҳамда ахлоқ тузатиш) тергов ва судлов идораларининг бевосита мақсадга эришишини кўзлади.

Ёрдамчи турлар эса (алоқа, ташкилий) кўрилаётган ишнинг асосий мақсади тўла-тўқис рўёбга чиқишига ёрдам беради.

Ҳукуқшунос ўз фаолиятида доимо одамлар, уларнинг хатти-ҳаракатига баҳо бериб туради. Бунда у баҳолашнинг ҳам расмий ҳам норасмий усул ва методларини қўллади.

Расмий ёки формал (шаклий) методлар сирасига одатда бирор-бир мақсадни кўзлаб кузатиш, сухбат, ҳужжатларни таҳдил қилиш, таржимаи ҳолни ўрганиш ва турли хилдаги тестлардан фойдаланиш киритилади.

Норасмий методларга жамиятнинг тарихий ривожланиши мобайнида таркиб топган турли интуитив таҳдил усусларини киритиш мумкин.

Маълумки, темперамент, характер ва қобилияtlар шахс психологик сиймосининг асосини ташкил қиласи. Шу туфайли шахсни ўрганишнинг барча схемаларида бу таркибий қисмлар асос бўлиб хизмат қиласи.

Қўйида биз ҳукуқшунослик фаолиятида шахсни ўрганишнинг кўп қўлланиладиган тизимини келтириб ўтамиш. Бу тизимни барча ҳукуқшунослар яхши билишлари шарт ва зарур:

1. Умумий маълумотлар: туғилган вақти ва жойи, миллати, маълумоти, мутахассислиги, иш жойи, лавозими, оилавий аҳволи, яшаш жойи, сиёсий партияларга мансублиги.

## 2. Ташқи белгилари:

- юзи (имкониятга қараб юз тузилишининг ўзига хос жиҳатлари, қисқача қиёфа тасвири);
- бўйи (паст, ўрта, баланд бўйли, бўйидаги нуқсон-аномалиялар);
- вазни ва танасининг тузилиши (жудаям ориқ, озғин, қомати тик, тұладан келган, семиз);
- кийиниши (ораста, палапартиш, кийинища эътиборли, эътиборсиз);
- овози (ёқимли, ёқимсиз, йўғон, ингичка).

## 3. Ҳаёт йўли:

- ота-онаси (уларнинг туғилган ва жойи, миллати, яшаш жойи, ижтимоий мавқеи, қизиқишилари, доимий машғулотлари ва ҳоказо);
- болалиги (оиласдаги турмуш, нечанчи фарзанд, оиласдан ташқарида яшаш тарзи, ақа-укалари, опасингиллари, уларнинг ўзаро муносабатлари, ҳаётидаги асосий воқеалар ва ҳ.к.);
- мактаб даври (ўқиган мактаби, севган фанлари, тенгдошлари билан ўзаро муносабати, мактабдаги интизоми, ютуқлари, билим даражаси);
- меҳнат фаолияти ва ҳарбий хизмат даври (меҳнатта ва ҳарбий хизматта муносабати, одамлар орасидаги мавқеи, ўзидан қониқиши);
- оиласвий ҳаёти, фарзандлари, айни чоғда ким билан яшashi.

## 4. Турмуш соҳалари:

- оиласвий муносабатлари (эр-хотин муносабати, биринчи никоҳи ёки бир неча никоҳда бўлганлиги, болаларга ва ота-онасига бўлган муносабати);
- касби ва мутахассислиги (касб ва иш танлаш мотивлари, ўз ишидан қониқиши ёки қониқмаслиги, ишда лавозим поғоналаридан кўтарилиши, ишдаги мавқеи ва ҳоказо);
- соғлиғи (соғлиғига муносабати, умумий ҳолати, қайси касалликлар билан оғриганлиги).

## 5. Хулқ-автори:

- устувор кайфияти (барқарор, кўтаринки).

РИПК УРХТБ

386239

- қийинчилекларга таъсироти (ўзини йўқотиб қўяди, одатда куч-ғайрат билан ишлайди, бефарқ);

- ҳиссиётлари ва ҳис-туйгулари, эҳтирослар туғилишининг ўзига хос хусусиятлари (осон, тез ҳаяжонланади, жаҳдан тез тушади, зўрга ўзини босади, муваффақиятсизликни билинтирмайди, уни узоқ муддат унугта олмайди, тезда унугтади, майда-чўйда нарсаларга асаби бузилади);

- иродасининг намоён бўлиши (ўзига ишонади, ишонмайди, интизомли, интизомсиз, қобилиялти, қобилиятсиз, жасур, қўрқоқ ва ҳоказо);

- мураккаб вазиятда ўзини тутиши (хотиржамлигини сақлаб қолади, ўзини йўқотиб қўяди, нутқи ва хатти-ҳаракатларида мантиқийлик ва мулоҳазалилик бўлади ёки довдираб қолади);

- мастлик чоғидаги хулқ-автори (хотиржам, хатти ҳаракатларини назорат қила олади, тажовузкор, ўзини идора қила олмайди, камп бўлиб қолади, кўп гапирадиган бўлиб қолади, танҳоликни истайди, ўртача ичади, кўп ичади, кўп ичади-ю, маст бўлмайди, тез маст бўлиб қолади);

## 6. Темпераменти ва характеристи.

### a) Темпераменти:

- киришувчанлиги (киришувчан, «ичимдагини топ» дейдиган, уятчан, эҳтиёткор, қатъий, етакчиликка мойиллигини намойиш этади ёки этмайди);

- ҳиссиётлилиги (хотиржам-баджаҳл, бетаъсир-таъсирчан, оғир-вазмин- лов этиб ёнади, тушкунликка мойил-оптимист).

### б) Характери:

- характерининг одамлар билан муносабатдаги кўринишлари (хайриҳоҳ, мурувватли, ҳамдард, талабчан, манман ва ҳоказо);

- меҳнатга муносабати (ялқов, дангаса, ишчан, меҳнатсевар);

- ўз-ўзига бўлган муносабати (шуҳратпараст, шахсиятпараст, мағрур, бирорларни менсимайди ва х.к.);

Хуқуқшунос ўз фаолияти давомида одамлар билан

мулоқотда бұлади, тажриба алмашади, касбдошларига турли ахборотлар беради ва қабул қиласы, ҳамкорликда иш олиб боради, мақсад ва фаолиятларни бирлаштиришга мұваффақ бўлади. Ҳуқуқшуноснинг мулоқот чорида ҳамсұхбатини, воқеа-ҳодисаларни шахсий баҳолаши одатда, асосан онгсиз равищда идрок қилинадиган тасаввурлар негизида амалга ошади.

Шахсни баҳолаш жараёни дастлабки таассуротдан бошланади. Дастлабки таассурот асосан обьектнинг яхлит идрок қилиниши демакдир. Табиийки, дастлабки таассурот баъзан алдамчи бўлади. Буни ҳуқуқшунос ўз фаолиятида тўғри тушуниб иш тутиши лозим.

Ҳуқуқшунос фаолиятида ўрганилаётган шахсни баҳолаш заруриятига дуч келади. Шахсни баҳолашда кузатув баҳолашнинг бош ва асосий босқичи ҳисобланади. Кузатиш фаолияти ўрганилаётган кишининг хулқ-автори, хатти-ҳаракатларини мунтазам равищда назорат қилиб боришни талаб қиласы.

Кузатиш деганда одамлар, предметлар, воқеа-ҳодисаларни бирон-бир мақсадни кўзлаб идрок этиш тушунилади. Кузатишида нигоҳ билан ёки эшлиш орқали қузатилаётган ҳодисанинг у ёки бу тарзда ўзгаришларини фарқлай билиш, уларни бошқа ҳодисалар билан узвий борглаш ҳамда мантиқий жалоса чиқариш асосий жараён бўлиб ҳисобланади. Юридик фаолиятда ҳуқуқшуносга кузатувчанлик борасида катта талаблар қўйилади.

Кузатувчанлик муайян фаолият жараёнида ривожланади. Махсус амалга ошириладиган ва абстракт обьектлар воситасида қилинадиган машқлар бунга ёрдам беради.

Амалиётчи ҳуқуқшунос кузатилаётган обьект ва ҳодисанинг барча асосий белгиларини фарқлаб олишга, бошқача қилиб айтганда, унинг моҳиятини идрок этишга интилмоғи зарурдир. Ҳуқуқшуноснинг кузатилаётган ҳодиса туб, асосий мазмунини англашга интилиши, иш материалига оид барча дикқатга сазовор белгиларни эътиборга олиши муҳимдир. Фақат мақсадга

мувофиқ кузатишина психологоик имкониятларни жамлаш ва зарур кўникмаларни эгаллашни таъминлайди.

Муайян мақсадни кўзлаб кузатиш билан бирга умумий, ҳар томонлама кузатувчанлик қобилиятини ривожлантириш лозим.

Ҳуқуқшунос ўз фаолиятида хилма-хил, айниқса экстремал, кутилмаган шароитларда муайян руҳий зўриқишини талаб қиласиган вазифаларни бажаришга тўғри келади. Кўзланган мақсадга эришиш учун эса қатъият ва бардош талаб қилинади. Таъкидлаш жойизки, ҳар қандай пайтда ҳам ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хулқ-атвори ўз моҳияти ва намоён бўлишига кўра тасодифий ёки палапартиш эмас, балки онгли ҳамда мақсадга йўналтирилган бўлмоғи керак.

Ҳуқуқшунослик ишида нутқ ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқшунос ўз фаолиятида нутқнинг оғзаки ва ёзма турларидан кўпроқ фойдаланади. Кишилар билан суҳбатлашиша, сўроқ ұтказиша оғзаки нутқдан фойдаланилса-да, ҳужжатлар түлдиришда, маълумотнома, ҳисобот, иш юритиш ва баённомалар тузиша ёзма нутқдан фойдаланилади. Ҳуқуқшуноснинг иш қофозларида акс этадиган ёзма нутқи мазмундор, лўнда, жумлалари аниқ, тушунчалар ва тегишли, зарур атамалар билан ифодаланмоғи лозим. Ҳуқуқшунос тилнинг турли услубларини пухта эгаллаган бўлмоғи керак.

Ҳуқуқшунос ички нутқка ҳам суюниб иш тутиши зарур. У ички нутқини бошқара билиши, ўзига ўзи установка (йўл-йўриқ) бера олиши даркор. Ҳуқуқшунос бундан ташқари тайёрланган нутқдан, яъни саволларга аввалдан жавоб тайёрлаб қўйиш, суд жараёнидаги савол-жавоблар, суҳбатлар стенограммаси, айблов холосаси ва бошқалардан фойдаланишига ҳам тўғри келиши мумкин. Бўлажак нутқий мулоқотга киришишда аввалдан тайёрланган матнга суюниб қолиш ҳуқуқшуноснинг ижодий тафаккурини чеклаб қўяди. Шунинг учун ҳуқуқшунос айтмоқчи бўлган гапларни

чуқур ўйлаб олиши билан бирга ҳозиржавобликни ҳам эгалламоги лозим.

Хуқуқшунослик фаолиятида тафаккурнинг ҳам ўрни каттадир. Тафаккурнинг кўргазмали-образли кўриниши, яъни илгари идрок этилган образлар орқали фикрлаш хуқуқшунослик амалиётида, айниқса қўл келади. Масалан, тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида мўлжалланган жойга етиб бориш йўналиши ташки образлар ёрдамида тасаввур этилиши мумкин. Мутахассис ҳар бир вазиятни таҳдил қиласди, фикран масофани, муайян соатларда транспорт ва йўловчилар ҳаракатининг гавжумлигини ҳисобга олиб, муаммоли ҳолатни ҳал этади. Жиноят содир этилган шаҳар, кўча, уй ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар қанчалик тўлиқ ва мукаммал бўлса, терговчи шунчалик тўғри қарор қабул қиласди.

Образли тафаккур жиноят иши бўйича гумон қилинаётган шахсларнинг бундан кейинги хулқатворларини чамалашга ёрдам беради, аналитик, таҳдилий хужжатларни, шарҳларни, илмий маърузаларни тайёрлашни енгиллаштиради. Ривожланган образли тафаккур амалиётчи хуқуқшуноснинг коммуникатив, бошқарув ва билиш фаолияти такомиллашишига кўмаклашади.

Тафаккур хусусиятларидан яна бири бўлган тезкорлик хуқуқшунос фаолиятида жуда зарурдир.

Тафаккурнинг тезкорлиги далилий ашёлар ва турли юридик фактларни тадқиқ этишда қўл келадиган фикрий жараён мароми ҳолатини билдиради. Тафаккурнинг тезкорлиги терговчининг изланиш жараёнида кузатиш, тасаввур қилиш ва интуицияни мақсадга мувофиқ тарзда мувофиқлаштириш имконини беради. Шу билан бирга муаммоли ҳолатларда, ностандарт масалаларни ечишда топқирлик -«эвристик ҳал этиш»нинг ҳам (лотинча *эврика-топдим*) аҳамияти каттадир.

Тафаккурнинг кўрсатиб ўтилган хусусиятлари мавжуд бўлиши кўплаб муаммоларни ҳал этишга

ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу фазилатлар хўжалик жиноятларини тергов қилаётган судья ва терговчиларга қўл келади. Бундай ишларда ҳар томонлама билимдонлик, кўнирма ва тажриба асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Тергов қилинаётган иш буйича тахминларни илгари суриш ва ишлаб чиқиш, далиллаш, асослаш айниқса дастлабки тергов чоғида, мантиқий тафаккургача бўлган жараёнда тўғри йўлни танлашга ёрдам беради. Бу фазилатларга эга бўлган терговчи турли версиялар ичida ҳақиқатга яқинроқ фаразни тезроқ тузиб олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқшунос фаолияти мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Ана шу ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўрилаётган ишга ёндашиш унинг самарадорлигини белгилайди.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Психология XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб алоҳида фан сифатида шакллана бошлаган бўлишига қарамасдан, бугунги кунда унинг тараққиёт босқичи шунчалик илгарилаб кетдики, психология илми, унинг қонуниятлари кириб бормаган фан ва ишлаб чиқариш соҳасини камдан-кам учратиш мумкин.

Психология термини юононча «псюхе» - рух, «логос» - жон, инсон рухи ҳақидаги фан ёки таълимот деган маъноларни англатади. Психология инсоннинг психик (руҳий) олами, яъни идрок, хотира, тафаккур, онг, характер, ҳиссиёт ва бошқа шу каби хусусиятлари ҳақидаги фандир.

Хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ санъат, хоҳ қишлоқ хўжалиги бўлсин, ҳеч бир соҳа йўқки, у ерда инсонлар иштирок этмаган бўлса. Жамият тараққиётида инсонларнинг ўзаро муносабати турли-туман ўзгаришларни, яаш тарзини ва шу тариқа ҳаёт деб аталмиш улур тушунчанинг давомийлигини

таъминлайди. Ана шундай куч-қудратта, сиро синоатларга бой бўлган мўъжизакор хилқат, яъни одамлар психология фанининг ўрганувчи объекти ҳисобланади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, психология фани кишилардаги психик ҳодисаларни, яъни психик жараёнлар, хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятларни ўрганади.

Психология фани инсонлардаги ушбу хусусиятларни ўрганишни энг аввало детерминизм ва фаолиятга тизимли ёндашув тамоиллари асосида амалга оширади.

Детерминизм тамоили инсон психикасининг турмуш тарзи билан белгиланиши ва турмуш тарзининг ўзгаришига қараб, психиканинг ўзгариб бориш йўлини ўрганадиган тартибdir. Бошқача қилиб айтганда психик хусусиятлар, жараёнлар, ҳолатлар ва қонуниятларнинг шаклланиши ва таркиб топишини, сабабий боғланишлар асосида амалга ошадиган йўлини ўрганиш детерминизмга асосланади.

Амалий, аниқ вазият, ҳолатга қаратилган, муайян шахсларға йўналтирилган, кундалик турмушга оид психологик билимлар генетик келиб чиқиши нуқтаи назаридан илмий психологик билимларга нисбатан бирламчи эканлигини хисоб олиш зарур. Бинобарин, турмушга, воқеликка оид психологик тушунчаларга асосланмасдан туриб, илмий психологик назарияларни яратиш мумкин эмас экан, бу борада бадий ижодиёт намуналаридан психологик, ижтимоий-психологик муаммолар ечимини топиш манбаи тарзида фойдаланиш ҳам мумкин. Детерминистик қарашларга бадий адабиётдан мисол келтирадиган бўлсак, улуф ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларида талқин қилинишича, қаҳрамонларни шахс сифатида тарбияловчи, ҳистийгуларни, характерларини шакллантирувчи, ривожлантирувчи муҳит уларнинг оиласидир. Мисол учун, Юсуфбек ҳожи илғор қарашларга эга,

адолатпарвар, ҳақиқатгүй, қашшоқларнинг, оддий халқнинг ҳимоячиси ва уларга хайриҳоҳ киши. Ундаги бу хислатлар ўғли Отабекда ҳам худди шу сингари хислатларнинг пайдо бўлишида ўзига хос замин ролини ўйнайди. Ёки Жаннат сингари маънавий жиҳатдан бузук аёл Содикдек тубан, кассоб, қотил фарзандни вояга етказади. Шу жиҳатдан олганда, Абдулла Қодирий ўзининг детерминизмга асосланган қарашларини, яъни инсон онги, характеристи, хатти-харакати, кўникма ва малакалари муайян объектив сабаблар, шароитлар ҳамда қонуниятлар натижасида, ташқи мухит таъсирида шакланади, деган фикрларини илгари суради.

Отабекнинг Марғилонда разил ва тубан шахс Ҳомид яшаётган мухитга тушиб, ундаги кишилар билан мулоқотда бўлиши унинг характеристида илгари кўрилмаган янгидан-янги хислатларни, хусусиятларни юзаёт келтиради. Масалан, Ҳомид бошлиқ қора ниятли кишилар қуршови кишиларга ёмонлик истамайдиган, раҳмдил Отабекни қотиллик қилишга, одам ўлдиришга мажбур бўлган шахслар қаторига киритиб қўяди. Бундан ташқари, ёзувчи шахс шаклланиши жараёнида ташқи мухитнинг таъсири ва унга нисбатан субъектдаги ички регуляциянинг ўзгариши натижасида ҳар хил эмоционал ҳолатлар юз бериши мумкинлигини баъзи қаҳрамонлар тимсолида ифодаланганди. Мисол учун, ташқи таъсиrlар остида Кумуш сингари оғир-босиқ табиатли аёл характеристида жizzакилик аломатлари пайдо бўлади, Зайнаб Кумушнинг қотилига айланади. Юсуфбек ҳожидек оқ-қорани яхши танийдиган донишманд ота кўра-била туриб Отабек ҳоҳишига зид равишда уни иккинчи бор уйланишга қистайди, чала-думбул табиатли хотини Ўзбек ойим тарафини олади.

Шу ўринда Зайнаб каби камгап, оғир, индамас, бўшбаёв бир қизнинг асабий, бесаранжом аёлга, Кумушга заҳар бериб, унинг қотилига айланишини психологик жиҳатдан таҳдил қилиб кўрайлиқ. Бир қараганда бу ишончсиздек, амалга ошиши мумкин бўлмаган ходисадек кўринади. Лекин Зайнабни бу хатти-

ҳаракатни рўёбга чиқаришга ундан сабаб рашк бўлиб, у турмуш ўртоини ёки севгилисини йўқотиб қўйишдан чўчиш, уни қарама-қарши жинс вакилларидан қизғаниш каби ҳисларнинг намоён бўлиши билан изоҳланади. Шунингдек, шахснинг бирор нарсага эгалик хоҳиши ҳамда йўқотиб қўйиш мотивининг устунлик қилиши руҳий зўриқиши ва аффектив ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, баъзан рашк қилаётган шахс хатти-ҳаракати тажовузкор кўринишида ҳам ифодаланади. Агресив рашк қилаётган шахснинг рашки севгилисига ёки рашк сабабчиси ҳисобланган учинчи шахсга йўналтирилиш эҳтимоли мавжуд. «Ўткан кунлар» романида Зайнаб ўз рашкини учинчи шахс, яъни Кумушга қаратади ва бу фожиа билан тугайди. Тадқиқотларда келтирилган статистик маълумотларга қараганда ҳам, оиласвий низолар туфайли келиб чиқадиган қотиллик ҳаракатларининг ярмидан кўпроғи айнан рашк ҳисси туфайли содир қилинар экан. Абдулла Қодирий бундай мисоллар орқали ижтимоий муҳитнинг инсонга таъсири муэммосини ҳаққоний исботлаб беради.

Ёки шу билан бирга Ҳомиднинг Кумушга "ошиқ"лиги Отабек айтганидек, уни аллақанча мashaққатларга солади, ҳисобсиз тиллалар тўқдиради, Отабекни қорачопончи деб дор остигача олиб боради, Мусулмонқул қўлига топширади, бу ишлар фойдасиз чиққач, Отабек номидан талоқнома ёзиб уни икки йиллаб рафиқасидан айиради, бу орада гуноҳсиз бир йигитни ҳам ўлдиради. Шунинг учун ёзувчи "дарҳақиқат инсонни разолатга солувчи унинг манфаати тақозоси, қолаверса ўлимдир. Бу иккисидан воз кечгучига эса на подшоҳнинг қаҳри ва на жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир" деб ёзади "Мехробдан чаён" романида ҳамда бу билан ўзининг мотивация хусусидаги фикрларини баён этади.

Хуқуқшунос амалиётида детерминизм тамоилининг ўрни хусусида гапириладиган бўлса, жиноятчиликнинг келиб чиқишида омиллар шахснинг

турмуш тарзи, шарт-шароити ва ижтимоий мұхиттің үрни, таъсиридан келиб чиқиб, сабабий бояланишлар, яъни сабаб ва оқибат қонунияти асосида тадқиқ қилинади.

Тизимли ёндашув тамойили инсон психикаси, тараққиётини бир бутунлик асосида яъни, бир психик жараённинг иккинчи психик жараёнга таъсир этиши натижасида психика ва психик фаолиятларнинг тараққий этиш йўлини яхлит умумий ҳолда ўрганиш демақдир. Бироқ, бу мазкур тамойил инсон психикасининг айрим хусусиятлари, ҳолатлари ва уларнинг қонуниятларини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилишни инкор этади деган маъно бермайди. Чунки айрим пайтларда инсон руҳиятига, психик фаолиятига тааллуқли бўлган шундай вазиятлар, психик ҳолатлар мавжуд бўладики, бунда шахснинг барча фаолиятини бир бутун, яхлит ҳолдә олиб, алоҳида-алоҳида ўрганишга тўғри келади.

Масалан, суд

жараёнида мол-мulkни васият қилиб қолдираётган киши васиятнома бераётганда, афф ҳт (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатида бўлганми? деган муаммоли саволга жавоб топиш зарурияти юзага келди, дейлик. Бу саволга жавоб бериш маҳсус психологик, психолингвистик, графологик тадқиқот ўтказиш, ёзув кўринишини ўрганиш, ёзув мазмунини психологик таҳлил қилиш, матннаги мантикий узвийликни ўрганиш, сўзлар танлаш ва ўз ўрнига қўйиш ҳолатларини тадқиқ қилиш орқали амалга оширилади. Ушбу жараёндан кўриниб турибдики, инсоннинг психик фаолияти дастлаб бир бутун ҳолда, яъни васиятнома ёзib қолдириш фаолиятини тадқиқ қилиш мақсадида олинади. Сўнгра юқорида таъқидланган турли хил фаолиятлар алоҳида-алоҳида, тизимли ёндашув тамойили асосида ўрганилади.

Тизимли ёндашув тамойилининг тергов жараёнида қўлланилишига айбланувчининг жиноятни содир этиш пайтидаги психологик ҳолатини аниқлаш мисолини келтириш мумкин. Ушбу муаммони ҳал этиш учун

махсус психологоқ тадқиқот үтказиш зарур бўлади.

Тадқиқот үтказишида тизимли ёндашув тамойилига кўра айбланувчининг жиноятни содир этиш фаолияти яхлит ҳолда олиб ўрганилади. Сўнгра жиноятнинг содир этилишига даҳлдор бўлган вазиятлар, фактлар алоҳида-алоҳида ҳолда таҳдил этилади. Бунда айбланувчининг шахс хусусиятлари, ҳаяжонланиш, қўрқув, қўзғалувчанлик ҳолатлари, аффектнинг аномаллик хусусиятига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги, айбланувчининг онги, идроки, хотираси махсус тадқиқот методлари орқали тадқиқ этилади.

Келтирилган мисолда бир бутунлик асосида ёндашув тамойилига кўра дастлаб муаммо ечимлари алоҳида-алоҳида аниқлаштирилиб, фаолият, жиҳатлар, хусусиятлар таҳдилидан кейин умумий, бир бутун хulosага келинганлигини кўрамиз.

Бир бутунлик асосида ёндашув тамойилига кўра шахс ва унинг тараққиётни ўрганиш бир неча йўналиш бўйича олиб борилади.

Биринчи йўналишда – ижтимоий муносабатлар тизимида инсон шахсининг шаклланиши, тараққиёти ўрганилади.

Иккинчи йўналиш – шахс тузилишини таҳдил қилиш. Бунда шахс эҳтиёжи, мотиви, қобилияти, хулқи, характеристики алоҳида-алоҳида ҳолда тадқиқ этилади ва умумий хуласалар чиқарилади.

Учинчи йўналиш шахснинг психик хусусиятлари, яъни фикрлаш қобилияти, ақлий ривожланиш даражаси ва эмоционал ҳолатини ажратиб олиб ўрганишдир. Бирор, унутмаслик керакки, шахснинг у ёки бу хусусияти ҳақидаги маълумотни кишининг биргина эмас балки, барча хусусиятларини батафсил ўрганиш орқали олишга эришиш мумкин.

Суд-психологик экспертизасида психология фанининг юқорида қайд этиб ўтилган барча қонуниятлари, қоидалари асосида иш олиб борилади. Шунинг учун айнан у ёки бу қоида ва қонуниятни

психологик экспертиза учун энг катта аҳамиятга эга деб айта олмаймиз. Қолаверса, қайсиdir психик фаолиятни мустақил ўрганиб, алоҳида хulosса чиқариш психологиянинг бир бутунлик асосида ёндашув тамойилига зид келган бўлур эди.

Кузатишларга қараганда, амалий психологик тадқиқотлар нафақат назарий билиmlар, балки илмий-амалий тажрибалар ва уларнинг хulosалари асосида ҳам амалга оширилади. Илмий-амалий психологик тажрибалардан фойдаланишга, айниқса бугунги кунда эътибор янада кучайди. Чунки, амалий тажрибалар орқали олинган хulosалар, илмий натижалар халқ хўжалигининг ривожланиши учун илмий асос, пойдевор ролини ўйнамоқда.

Илмий-амалий тадқиқотлар орқали ишлаб чиқариш жамоаларида шахслараро муносабатларни, кишилардаги хулқ оғиш хусусиятларини тадқиқ қилиш, лаёкат ва қобилиятларни ўрганиш, руҳий танглик ҳолатларининг олдини олиш сингари жиҳатлар аниқланмоқда. Бу экспериментал психологиянинг ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Замонавий психология илмининг такомиллашиб бориши бир қатор янги-янги илм соҳаларининг юзага келишига имконият яратмоқда. Мехнат психологияси, муҳандислик психологияси, криминал психология, савдо психологияси, менежмент ва бизнес психологияси, бошқариш психологияси, транспорт психологияси ва шу каби йўналишлар умумий психология фанининг кейинги йилларда юзага келган тармоқлари бўлиб ҳисобланади. Мазкур тармоқларнинг барчаси ўз предмети, вазифаси ва тадқиқот методларига эгадир. Масалан, меҳнат психологияси кишиларнинг меҳнат фаолиятидаги психологик ҳолатларини, меҳнат қуролларига мослашишини, меҳнат фаолиятига нисбатан кўникма ва малакаларнинг шаклланишини ўрганса, криминал ва ҳуқуқшунослик психологияси жиноятичи шахси, хулқ оғиши кўринишлари, жиноятичиликнинг ижтимоий-психологик сабаблари,

унинг өлдини олиш йўллари ҳамда жиноятчи шахсининг эмоционал ҳолатларини, яъни аффектив, депрессив, агрессив, импульсив ҳолатларини тадқиқ этади.

Хуллас, психология инсонлар ва уларнинг психологик хусусиятлари, руҳий олами ҳақидағи фан бўлиб, уни ўрганиш, ҳаётта татбиқ этиш кишиларнинг турмуш гўзаллигини, ўзлигини англашини, ҳар бир соҳада самарадорликнинг юзага келишини таъминлайди.

## ҲУҚУҚШУНОСЛИК КАСБИННИГ ПРОФЕССИОГРАММАСИ.

Юрист, ҳуқуқшунос мөхнатининг юксак самарадорлигига шахс сифатидаги фазилатларнинг ушбу касб талабларига жавоб бериши муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқшунослик фаолиятининг асосий жиҳатларини, шунингдек, унда кўзга ташланадиган инсоний сифатларни комплекс, мажмуавий тарзда акс эттирувчи ҳуқуқшунослик профессиограммаларини яратиш ушбу фаолият психологик таҳлилиниг асосий талабларидан биридир.

Профессиограмма қўйидаги жиҳатларни қамраб олиши лозим:

1. Ижтимоий фаолият.
2. Суриштирув фаолияти.
3. Реконструктив фаолият.
4. Коммуникатив (алоқага киришиш) фаолияти.
5. Ташкилий фаолият.
6. Даиллаш фаолияти.

Ўзларига топширилган ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг ташкилотчилари бўлган терговчи, тезкор ходим, ахлоқ тузатиш муассасаси тарбиячиси, профилактика нозири ва прокурор фаолияти ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади, амалга оширилади. Бу фаолият жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ишлаб чиқиши, ҳуқуқий тарғибот олиб бориш, жиноятчи хулқ-атворини ижтимоий меъёrlар талабига

бўйсундириш, жазони ўтаб қайтганларни ижтимоий мослаштириш (реадаптациялаштириш), ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор шахсларни аниклаб, уларни қайта тарбиялаш мақсадида шахсга ижобий таъсир кўрсатадиган психологик чоралар тизимини яратиш сингари вазифаларни ўз ичига олади.

Суриштирув фаолияти касб-корга оид масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган илк маълумотларни йиғиши билдиради. Терговчи, тезкор ходим, судья профессиограммалирида бу фаолиятнинг қиёсий вазни айниқса юқоридир.

Реконструктив фаолият - жиноий иш бўйича жами тўпланган маълумотлар жорий ва якуний таҳлили бўлиб, унинг синтези ва маҳсус билимларга таянган ҳолда фаразларни илгари суриш. Ишни режалаштириш ҳам реконструктив фаолиятнинг натижаси ҳисобланади.

Коммуникатив (алоқага кириш) фаолияти муомала жараёнида зарур маълумотни олишни англатади. Бу фаолият айниқса, тергов мобайнида, адвокатлар, тезкор ходимлар, меҳнат-ахлоқ тузатиш муассасалари ходимлари ишида катта аҳамият касб гади.

Ташкилий фаолият ишли версия (тахмин) ва режаларни амалга ошириш чоғидаги иродавий хатти-ҳаракатлардан иборатdir. У муайян профессионал масалани ҳал этиш учун ўзини ва одамларни сафарбар этиш сингари иккита омиғга бўлинди.

Далиллаш фаолияти иш бўйича олинган барча маълумотларни қонунда кўзда тутилган тарзда, маҳсус шаклда баён (қарор, протокол, ҳукм ва ҳоказо тарзда) этишни билдиради.

Ҳуқуқшучос касбининг профессиограммасини таҳлил қилишни терговчи касбидан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, чунки терговчи профессиограммаси умуман ҳуқуқшунослик фаолияти учун муштарак бўлган психик қонуниятларни тўлароқ акс эттириш имконини беради.

Терговчи тергов хатти-ҳаракатларининг ташкилотчиси бўлиб, масъулиятли қарорларни қабул

қилади, улар бажарилишига эришади, шу тариқа күплаб кишилар фаолиятининг мувофиқлаштирувчиси вазифасини ўтайди.

Амалий иш ундан ҳамиша дикқат-эътиборлилик, аниқлик ва саришталикни талаб этади. Терговчи фаолиятининг реконструктив жиҳати маълумотларни қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилишда кўзга ташланади. Терговчи айни чоғда жуда кўп нарсаларни: жиноят процессуал кодекси, жиноят кодекси, криминалистика ва психология, бухгалтерия ҳисоби, баллистика ва бошқа билимларни чуқур эгаллаган бўлиши зарур. У ҳар томонлама билимдон бўлиши билан бирга, маънавий-ахлоқий қиёфа, маданият борасида ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Терговчи ўзида аниқ, ихтиёрий дикқатни тарбиялаши керак. Бу ўз ишига қизиқишининг мезонларидан биридир. Бундай қизиқиши бўлмаган тақдирида, дикқатни тарбиялашга қаратилган барча уринишлар зое кетаверади.

Криминалистик кузатувчанлик (воқеа юз берган шароитни кўздан кечиришда) шароитни режали, мақсадли, ўйланган тарзда идрок этиш демакдир. Психологияда бундай идрок юқорида таъкидланганидек, кузатиш деб юритилади. У барча ҳиссиёт органларининг актив фаолиятини тақозо этади. Кузатиш имкон қадар самарали бўлиши учун воқеа ҳақида умумий таассурот ҳосил қилиш, воқеа жойини кўздан кечириш муҳим аҳамиятга эга. Дастребки маълумот асосида кўпинча зиддиятли характерга эга, кейинчалик тасдиқланмаслиги ҳам мумкин бўлган тахминлар тузилиши эҳтимоли мавжуд, бироқ шундай бўлса-да, бу терговчига ҳаракат режасини тузиб олишга, воқеанинг хаёлий моделини тиклашга имкон беради.

Зарур ахборот келиб тушишини ташкил қилиш, уни тўғри тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, кераклиларини ажратиб олиш малакаси терговчига хос бўлиши зарур.

Кузатувчанлик ҳар қандай тергов ҳаракатида, у хоҳ воқеа юз берган жойни кўздан кечириш ёки гувоҳни

тергов қилиш бўлсин, зарур ҳолатларни илғаб олишда, қўл келади.

Жиноятни фош этиш ва ҳақиқатни билишда фактларни шунчаки қайд этишнинг ўзи камлик қилади. Фактлардан далил сифатида фойдаланиш учун эса уларни тўғри изоҳлаш, вужудга келиш сабабларини аниқлаш, тергов қилинаётган воқеага алоқадорлигини исботлаш керак. Тўғри далиллаш воқеалараро боғлиқликни аниқ белгилаш демакдир, нотуғри далиллаш эса ҳақиқатдан йироқ алоқадорликни ишга тиркашни келтириб чиқаради. Далиллашга ноқобиллик одатда фактларнинг ўзаро мос келишини сезмаслик ва кўра олмаслиқда намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, терговчининг кузатувчанлиги хукуқшунослик фаолиятининг асосий мезонларидан биридир.

Бундай кузатувчанликни ўткир мушоҳада ҳосиласи деб аташ мўмкин, зеро мазкур фазилат терговчига иш давомида жуда ҳам асқоади. Психологик кузатиш инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракётларини одинданд кўра билишт ҳам назарда тутиб, терговчи зарур пайтларда кузатилаётган кишини бошқариш имконига эга бўлади. Кузатувчанлик табиий қобилият бўлмай, турмуш тажрибасида шакланади, профессионал фаолият мобайнида такомиллашади ҳамда кундалик машқ қилиб туришини тақозо этади.

Терговчи фаолиятида коммуникатив соҳа (муомалага киришувчанлик) ҳам асосийларидан бўлиб ҳисобланади, чунки терговчи ўта мушкул вазиятларда мулоқот олиб бориши туфайли аввало, сұхбатдош қобилиятига эга бўлмоғи даркор. Сўроқ жараёнига икки кишининг сұхбати ва бир-бирига таъсир ўтказиши тарзида ёндашилганда, улар фаолиятини хукуқий мувофиқлаштириш шартидан келиб чиқиб, ҳар бир сұхбатдошнинг ролларига хос хусусиятларни аниқлаб олиш лозим. Терговчи ва сўроқ қилинаётган шахснинг бир-бирларини тушуниши, англаши улар ўртасидаги психологик муносабат қай даражада эканлигига боғлиқ.

Тергов ҳаракатларида ҳимоячининг иштироки терговчи учун муайян қийинчилик туғдириш билан бирга терговчи ва сўроқ қилинаётган шахс ўртасидаги психологик контакт (алоқа) ўрнатилишига халақит бериши мумкин. Шунга ўхшашиб ҳолатлар мутахассиснинг профессионал, психологик жиҳатдан мукаммал тайёргарлиқдан ўтган бўлишини талаб этади.

Далиллаш фаолиятининг моҳияти терговчи учун излаб топилган маълумотларни янги, ёзма шаклда баён этишдан иборатдир. Терговчи дастлабки маълумотларни тинтув, сўроқ, юзлаштириш, шунингдек ҳужжатларни таҳдил қилиш жараёнида тўплайди. Жами ҳумотлар таҳдил қилиниб, саралаб олингандан кейин терговчи қонунда кўзда тутилган тартибда қарор, протоколлар ва ҳоказо шаклларда маҳсус ёзма матн тузади. Умуман олганда, терговчи гувоҳ, жабрланувчи ёки гумонланувчининг кўрсатмаларини компьютер (машинка) ёзуви, аудио ва видео ёзув, баъзан стенография усулида қайд этади. Бу усуllар терговчи фаолияти самарадорлигини ошириб, айни чоғда ундан сўроқ, воқеа жойини кўздан кечиришдаги ноқулай обҳаво ҳамда бошқа шароитларда (ёмғир, шамол, қаттиқ совуқ ва ҳ.к.) маҳсус техник воситаларни қўллаш кўникумаларини ҳам талаб этади.

Терговчи иши самарадорлиги, маданияти кўрсаткичи иш кунининг ўзига ва бирор соати беҳуда ўтказилмаганилиги билан ўлчанади. Терговчи ишининг хусусиятлари ҳорғинлик, руҳий зўриқиши, чарчоқни бартараф этишда дам олишнинг ўзига хос маромини талаб этади. Терговчининг фаол дам олиши, яъни очиқ ҳавода сайр қилиши, томорқада ишлаши, саёҳатга, балиқ овига чиқиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят процессуал кодексининг шартларига кўра, терговда биргаликда иштирок этаётган шахслар ўртасида терговчи етакчи бўлиб ҳисобланади. У суриштирув органлари ваколатига кирадиган топшириқлар бериш ҳуқуқига эга. У жиноий ишни

тергов қилишда ўзаро ҳамкорликни, мақсад ва йуналишларни белгилаб беради. Терговчи воқеа жойини күздан кечиришда қатнашаётганларни бошқариши, уларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириши, шарт-шароитни баҳолаши, хуллас ўзининг қарор қабул қилиш малакалари, қобилиятини намоён этиши зарур. Тергов иши мутахассисда қуйидаги сифатлар бўлиши мақсадга мувофик:

1. Жиноий ишни лозим, керакли тартибда, мақсадга мувофик тарзда тергов қилиш, тизимли тарзда олиб бориш учун фаолиятни уюштира билиш, тинимсиз изланиш, қатъиятлилик зарур.

2. Жиноий иш тергови жараёнида унга раҳбарлик қилиш учун масъулият, талабчанлик, топқирлик, сирсақлай билиш талаб этилади.

3. Ҳамкаслар ва раҳбарият билан муносабатда ўзини тута билиш, ўзига танқидий нуқтаи назарда қараш, интизомлилик ҳамда қадрини билиш муҳимдир.

Тасаввур каби фикрлаш ҳам терговнинг бошидан охиригача давом этадиган жараёндир. Ҳар қандай фикрлаш икки зарур шартни: билиш ва билимни фаолиятда қўллашни тақозо этади. Қонунни яхши билиш, бироқ уни амалиётда қўллай олмаслик, криминалистикадан боҳабар бўлиш, бироқ жиноятчини тергов қила олмаслик эҳтимоли ҳам мавжуд. Турли фаолиятларнинг ўйғунлашуви ва фикрлаш, мулоҳаза юритиш орқали жиноят, қонунбузарликнинг сабабларини топиш ҳамда исботлаш мумкин. Криминалистик таҳминни тергов иши мобайнида текшириш психологик жиҳатдан анча қийин. Бундай текширишда «ўзини тасдиқлаш механизми» ишга тушиб кетиши мумкин. Бунинг натижасида субъект факат ўзи илгари сурган версияни тасдиқловчи маълумотларни ҳаққоний деб ҳисоблайди, бу таҳминга зид маълумотлар эса сохта деб қабул қилинади.

Иш бўйича фаразни танлаш ва баҳолашга «ўзини тасдиқлаш механизми» билан бирга психологик

инверсия ҳам таъсир ўтказади, бу таъсир оқибатида терговчи версиялардан бирини мақсадга мувофиқ деб топади. Психологик инверсия масалани ечиш жараёнида муайян бир метод ёки образга мойиллик демақдир.

Терговчи шахси мураккаб ва серқиррадир. Терговчининг муайян ижтимоий ролни эгаллаганлиги, ишида кўпинча эмоционал тазиикларга учраши, баъзан унга турли-туман салбий ҳиссиётлар-ҳайиқиши, ачиниш, кўркув, нафрат, fazab таъсир этиб туриши ундан муайян жисмоний ва психологик, иродавий зўр берипни талаб қиласди. Ўз хизмат бурчи тақозосига кўра у бундай ҳиссиётларни жиловлаши, енгиши лозим. Юқоридаги эмоциялар таъсирида вужудга келадиган асабийлашишни бартараф этиш учун ижобий таассуротлар зарур. Ўз меҳнатидан қониқиши, жамият ва одамларга фойдаси тегаётганлигини англаш ҳисси шу жумладандир.

Қарийб ҳар бир иш юзасидан терговчи бир пайтнинг ўзида содир этилган жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқловчи криминолог ва социолог функцияларини бажаради. Шу билан бирга у жиноят содир этган шахста тарбиявий таъсир ўтказувчи педагог сифатида иш кўради.

Судьянинг фаолияти эса ниҳоятда мураккаб, турфа хил бўлиб, ушбу касб соҳибларидан маҳсус фазилатлар ва малакани талаб қиласди. Унинг касбга оид фаолияти қонун билан аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Судья фармон бериш ваколатларига эга, уларни давлат номидан қўллади, бу эса ўз хатти-ҳаракатлари учун юксак профессионал масъулият ҳиссини талаб қиласди. Суд ишлари ҳажми ва моҳиятига кўра ранг-барангдир. Судья ишининг кенг қамровлилиги юқори даражадаги умумий ва хуқуқий топқирлик, билимдонликни, хилманиши вазиятларда тўғри қарор чиқара билишни тақозо этади.

Судьянинг асосий вазифаси далилларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда тегишли қонунчилик меъёрлари доирасида муайян иш бўйича адолатли суд

хукми ёки қарорини чиқаришдан иборатдир.

Судьялар жамоатчилик фикрига қуйидагича таъсир ўтказадилар:

1. Фуқароларда ҳуқуқий онгни шакллантирадилар.
2. Жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнида жазонинг муқаррарлигига оид ижтимоий- психолого- тушунчани ривожлантирадилар.
3. Суд жараёнининг юқори савияда ўтиши жиноятчи ва унинг шерикларига нисбатан ахлоқий, маънавий қоралаш муҳитини яратади.
4. Суд жараёни жамоатчилиқда жиноятни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни билиш хоҳишини вужудга келтиради.

Судьянинг хулқ-атвори, суд залида йифилгандарда ҳурмат-эҳтиром уйғотиши, унинг мураккаб вазифаси, одамлар тақдирини ҳал этиш борасидаги ҳуқуқи, қобилияти, малакасига заррача шубҳа туғдирмаслиги зарур.

Судья шахсининг мулоқотга киришиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришга оид касбий хусусиятлари ана шу фазилатларни намоён эга билишида кўзга ташланади.

Судья шахси, ўз қиёфаси билан ушбу ишнинг барча томонларини миридан-сиригача ўрганиш истагини намоён эта билиши лозим. Бу эса айнан мана шу судьяга ва умуман адолатли судьга нисбатан эҳтиром уйғотади, жараёнинг барча қатнашчиларида фактлар, ўз нуқтай назарлари, у ёки бу тафсилотларни қандай идрок этишларини тұла-тұқис ва муфассал баён этишга рағбат яратади. Судьянинг мулоқотта киришиш қобилиятига құл ва бармоқнинг ортиқча ҳаракатлари, имо-ишоралар, қизиққонлик, күпоплик, истекзоз, насиҳатгүйлик каби хусусиятлар соя солмаслиги керак. Судья мулоҳазакорлик, очиқ күнгиллик каби фазилатларга сұzsиз эга бўлиши, хулқ-атворида, ҳис- туйғуларида, нутқ оҳангода босиқлик, вазминлик кўриниб туриши даркор. Судья суд тергови жараёнида ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари, суд

иштирокчиларидан биронтасига муносабати орқали кўриб чиқилаётган иш бўйича аллақачон муайян бир хулоса чиқарганини сездириб қўймаслиги зарур.

Конструктив, коллегиал фаолият фақат маслаҳатлашув хонасида тўғри ҳукм чиқаришни таъминлабгина қолмай, идрок этиш фаолиятини тўғри изга солиш имкониятини туғдиради. Судья фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, у бошқа судьяларга ва жараённинг бошқа маслаҳатчиларига, иштирокчиларига ўз фикрини ўтказа олмайди, бундай қилишга ҳақи йўқ.

Судья фаолиятининг реконструктив соҳаси-амалдаги қонунларга мувофиқ адолатли ҳукм ёки қарор чиқариш мақсадида иш бўйича йифилган барча маълумотлар жорий ва тугал таҳлилидан иборат. Бу жараёнда судьянинг салоҳияти, зеҳни ва ижтимоий ақл-идроқи, хотираси, тасаввури, фикрлаши, интуицияси кўзга ташланади. Айрим кишиларда мавжуд бўлган судьянинг вазифаси берилаётган саволларга жавоб ва изоҳларни дикқат билан тинглашдангина иборат, деган фикр нотўғридир. Судья ёлғон қўрсатма бераётган судланувчи, гувоҳларга қатъий таъсир қўрсата олиш малакасига эга бўлиши лозим. Судьядан суддаги у ёки бу шахснинг ноўрин хулқ-авторини жиловлаш, хатти-ҳаракатлари ва сўзларининг мантиқий асоссизлигини ўз ўрнида қўрсата билиш қобилияти талаб этилади.

Далиллаш фаолияти судья профессиограммасининг якуний босқичи бўлиб, суд жараёни мобайнида йифилган жами маълумотларни қонунда белгиланган маҳсус шаклга келтириш, ҳукм, баённома, ажрим ва ҳоказоларни тузишдан иборатdir. Бу фаолиятда судьянинг филологик, умумий ва ёзма нутқ маданияти, унинг ёзма ҳужжатлар тайёрлаш бўйича касб-кор малакаси кўзга ташланади. Психологик билимларни пухта эгаллаган судья маълумотларни айтиётган кишининг мансабига тўғри муносабатда бўлади, ҳуқуқий далиллар бузиб талқин қилинишининг сабабларини аниқлай олади, судланувчи шахсининг

психик хусусиятларини, хатти-ҳаракатлари мотивини тушунади ва унинг шахсига таъсир ўтказа билади.

Прокуратура ходимларининг фаолияти ҳам серқирра ва масъулиятидир. Прокурор назоратининг қўйидаги тармоқлари мавжуд:

1. Давлат бошқаруви, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат.
2. Суриширув ва дастлабки тергов идоралари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат.
3. Судларда иш кўрилаётганида қонунлар ижроси устидан назорат.
4. Ҳибсхоналар, дастлабки қамоқقا олиш жойларида, жазони ўташ ва бошқа мажбурий турдаги чораларни ўташ жойларида қонунлар ижроси устидан назорат.

Юқоридагилардан ташқари, прокуратура бошқа соҳаларда қонунлар ижросини назорат қилиш билан бирга фир жиноятларни тергов қилиш, давлат манфаатлари ва фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Ўз кундалик фаолийтида прокурор ва унинг ёрдамчилари қонунларни тўла-тўкис ва чукур билиш билан бирга уларни амалиётда тўғри қўллай олишлари лозим. Бу эса прокуратура ходимларидан юксак ақл-идрок, чукур салоҳиятни талаб этади.

Муайян бир воқеликнинг сабабларини аниқловчи фикрлаш сабабий оқибат деб юритилади. Фикрлашнинг бу хусусияти ақл-идрокнинг қўйидаги сифатларини тақозо этади:

- чукурлилик- юзадаги кўзга кўриниб турган фактларнинг моҳиятини, юз бёраётган ҳодисаларнинг асл мазмунини идрок этиш. Воқеа-ҳодисалар ва хатти-ҳаракат, хулқ-атворнинг яқин уртада ва кейинчалик кутилаётган бевосита ва билvosита натижаларини кўра билиш;

- кенг қамровлилик-илм ва тажрибанинг турли соҳалардаги билимларини қўллаб, кенг доираядаги

саволлар ва фактларни қамраб олиш;

-сафарбарлик-фикрлашнинг сермаҳсулиги, мураккаб шароитларда, хавфли вазиятларда билимларини сафарбар этиш ва қўллай билиш;

-тезкорлик- шароитни дарҳол баҳолаб, зарур чораларни кўриб, масалани ўша заҳоти ҳал қилиш;

- мустақиллик- мақсад ва вазифаларни белгилаш, уларни ҳал этиш йўлларини топиш, бегоналарнинг ёрдамисиз мақсадга эришиш;

- событқадамлик- муайян вазифанинг ечими учун иродани сафарбар этиш, бу вазифани узоқ муддат мобайнида идрок этиб, режалаштириб, ҳал этиш йўлида изланиш;

- танқидий муносабат- воқеаликка турли нуқтаи назардан ёндашиш қобилияти, кўнишиб қолинган тартибга қарама-қарши бўлган ҳолатдаги ўзаро мантикий боғлиқлик, алоқадорликни тан олиш, янги фаолиятни қайта қуриш, қарорларни ўзgartариши.

Прокурор кучли ирода фазилатига эга бўлиши лозим. Унинг касбига оид фаолияти шахсий ташаббусни, қатъиятни, событқадамлиликни, мақсад сари интилишини, ташқилотчилик қобилиятларини талаб қиласи. Судда давлат қораловчиси сифатида майдонга чиқаётган прокурор давлат номидан айловни қувватлар экан, жамият фуқаролари чининг, жамиятдаги кўпчиликнинг манфаатларини ёқлади. Бу эса жиноий ишни чуқур ва атрофлича таҳлил қила олиш, адолатли ҳукм талабларини ўзига ваколат берган ҳалқа тушунарли тарзда баён эта билишни тақозо қиласи.

Судда жиноий иш кўриб чиқилаётганда прокурор фикрининг шаклланиши мураккаб жараёндир. Бу жараёнга қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий ҳаракатдаги маълумотлардан ташқари бошқа қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Прокурор жиноий иш қўзғатилганидан бошлаб, ҳукм чиқарилгунга қадар ушбу жараёнда иштирок этади. Шунинг учун унинг фикр-мулоҳазаси ҳукм қабул қилишда етакчи роль уйнайди, у биринчи бўлиб айлов фикрини баён қиласи. Прокурор

фикрларининг аниқ ва равшан бўлиши, далилий ифодаланиши муҳим аҳамиятга эга.

Адвокатнинг фаолияти кўп жиҳатдан унинг ижтимоий-психологик ролига хос хусусиятлар билан асосланади. Адвокатлар фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга даъват этиладилар. Бу уларнинг профессионал бурчидир. Қонун бўйича адвокатга судланувчининг барча ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилади.

Адвокатнинг самарали фаолияти одамлар билан психологик муомала ўрнатиш, ўз ҳимоясидаги кишига шахс сифатида тўғри ёндаша билиш, суд, терговчилар ва прокурор билан тегишли тарзда ҳамкорлик қила олишига боғлиқ. Бунинг учун аввало адвокат ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши лозим. Суд жараёнида қатнашиш учун тайёргарлик режасини тузиш, амалиётта мос келадиган, профессионал тажрибада орттирилган методлар ва усулларни қўллаш шу жумладандир. Тўғри ва юқори малакали ҳимоя айбсиз одам беҳуда судга берилиши ва ҳукм қилинишининг олдини оладиган кафолат бўлиб ҳисобланади.

Адвокатнинг ишда ютиб чиқиши кўп жиҳатдан турли-туман далил-исботлар орасидан ҳимоясидаги шахсни оқладиган ёки айбини енгиллаштирадиган ҳолатларни топа билиши ҳамда ўз ўрнида қўллай олишига боғлиқ. Бунинг учун изланиш, ижодий тафаккур, турли хил иш шарт-шароитларида тўғри йўлни топиш қобилияти зарур.

Принципиаллик, ҳалоллик, ўз ҳимоясидаги шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига муросасизлик адвокат хулқ-атворининг бош хусусиятлариdir. У ўз шахсий фикрига эга бўлиши, таассуротларга берилмаслиги, эътиқоди ва нуқтаи назаридан чекинмаслиги лозим.

Одатда, адвокат жиноий ишдаги барча материалларни ўз ҳимоясидаги шахс манфаати нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Ҳимоячи орқали жамият гўё

айбланувчига ёрдам қўлини чўзади. Жиноят содир этган шахснинг ижобий фазилатларини кўра олиш, унинг тақдири, келажаги ҳақида қайгуриш адвокат фаолиятининг ижтимоий қиррасини белгилаб беради.

Судда ҳимоячининг реконструктив фаолияти етакчи ўринни эгаллайди. Бу эса ўткир хотирани, чуқур таҳдилий ва синтетик тафаккурни, кенг тасаввурни тақозо этади. Адвокатнинг муомала фаолиятида икки омил муҳимдир:

А) ўз ҳимоясидаги шахс билан психологик контакт ўрнатиш;

Б) суд ҳайъати аъзолари ва суд жараёнининг бошқа қатнашчилари билан психологик алоқа (контакт) ўрнатиш.

Бу ўринда адвокатнинг суд нотифи сифатидаги қобилияти алоҳида аҳамият касб этади. Ҳимояда судланувчи ва жамият манфаатлари муштараклигини кўрсатиш, моҳият-эътиборига кўра хусусий манфаатни ҳимоя қилиш давомида ҳимоянинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлаш адвокат касб-кор маданиятининг муҳим кўринишлариданdir.

Фаолияти мобайнида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни адвокат ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши муносабати билан яшириш, бекор этишга ҳақи йўқ. Адвокатлар аҳоли ўртасида ҳуқуқий қонунчиликнинг уёки бу қоидаларини тушунтира бориб, фуқароларнинг ҳуқуқий онги шаклланишига катта ҳиссаларини қўшадилар, жиноятларнинг олдини олишга ёрдам берадилар.

Жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасида бўлган жиноят қидирув бўлими тезкор ходимининг фаолияти қотиллик, ўғирлик, босқинчилик, талончилик каби жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш, тергов қилишдан иборатdir. Унинг фаолияти фавқулодда вазиятларда, асабий ҳолатларда кечиши билан ажralиб туради. Шунинг учун жиноят қидирув бўлинмасидаги ходимнинг иш фаолияти кучли хотирани, сир бой бермаслик, ўзини тута билиш, тез ва

совуққонлик билан қарор чиқариш, ўта хүшёрлик ва қатыяятни талаб этади.

Жиноят қидирув бўлинмаси ходимларининг турли-туман фаолиятлари икки йўналишда амалга ошади.

Биринчидан, терговчи билан бирга жиноят қидирув бўлинмасининг ходими воқеа юз берган жойга чиқади, кўздан кечириш, тинтуб қилиш ва бошқа тергов жараёнларида қатнашади.

Иккинчидан, жиноят қидирув бўлинмаси ходими касб-корига оид метод ва усулларни қўллаб, рақибларнинг фаразли ниятларини билиб олиш ва уларни рўёбга чиқармасликни таъминлаш чора-тадбирларини кўради. Бундай ҳолларда жиноят қидирув бўлинмаси ходими маҳсус усуллар ёрдамида хавфли жиноятчилар, уларнинг турар жойлари, алоқалари, мақсадлари ҳақида зарур ахборотларни олишга тұғри келади. Кўпчилик ҳолларда бундай фаолиятнинг натижаси сифатида жиноятчилар далилий ашёлар билан тұсатдан қўлга туширилади.

Жиноят қидирув бўлинмаси ходимида кузатиш психологияк жараён ва фаолиятнинг шаклларидан бири тәрзида интеллектуал тафаккурнинг шартларидан бўлган кузатувчанликни, бошқача қилиб айтганда, фаҳм-фаросатни ривожлантиради.

Психологик кузатувчанликнинг мұхим қирраларидан бири -ўзини кузата олиш, хатти-харакатлари ва хулқ-атворини таҳдил қилиш, ўз хатоларини эътиборга олиш ва уларни вактида тузатищдан иборат. Жиноят қидирув бўлинмаси ходими фаолиятининг ташкилий томони алоҳида аҳамиятга эга. Ходим интизомли, ўзига талабчан бўлиши, вақтни тұғри режалаштириши, кўнгилли ёрдамчилар ва жамоатчилик меҳнатини ташкил эта олиши, уларнинг ёрдамидан самарали фойдаланиши даркор. Ходим фаолиятининг реконструктив томонидан шундан иборатки, у тахминни яратища мұхим роль үйнайды, жиноят кўриниши лавҳасини тиклайди, иш буйича асосий фаразларни ишлаб чиқади ва қидирув ишларини режалаштиради.

Жиноят қидирув бўлими ходими ақл-идроки, меҳнат фаолияти мобайнида амалий тафаккури тезкорлиги билан ажралиб туради ва тезкор ходим деб номланади.

Унинг тафаккурида таҳдил (анализ) ва умумлаштириш (синтез) бирдай аҳамият қасб этиб, ўзаро уйғуныликни тақозо этади.

Ходим фаолиятининг аҳамияти шундаки, у жиноявларнинг олдини олишга интилиши, ўз худудида ҳисобда турадиган шахслар томонидан жиноий мақсадларни амалга оширишда ғов бўладиган вазиятни вужудга келтириши лозим. Бунинг учун у одамлар билан тез тил топишиши, лозим пайтда актёрлик қобилиягини намоён этиши, ўзгарувчан шарт-шароитни эътиборга ола билиши, топқирлиги ва иродасига таяниши, қонунлар доирасида ишонтириш ва мажбурлашни кўллай олиши даркор.

Иқтисодий жиноявларга қарши кураш ходимларининг фаолияти юзаки қараганда икирчикирлардан иборат иш бўлса-да, оғир ва дарҳол кўзга ташланмайдиган меҳнатdir. Бироқ, бу бўлинма ходимларининг ҳалқقا гараз мақсадларда, ўз манфаатларини кўзлаб ўзлаштирилган катта миқдордаги моддий бойликларни қайтаришда тутган ўринлари бекиёсdir. Бошқа турдаги жиноявларда одатда жиноят содир этилгандан сўнг унинг изига тушилса, иқтисодий жиноявларга кураш соҳасида кўз илғамас белгиларни қидириб топиш орқали жиноят иши қўзғатилади.

Иқтисодий жиноявлар бўлинмаларининг ходимлари жиноячиларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун умумий маданият, интеллектуал ва профессионал қобилият соҳасида қонунбузарлардан устун туришлари керак. Мураккаб, исботлаш қийин бўлган давлат ва жамоа мулкини ўзлаштиришдай жиноявларни фош этиш улардан бухгалтерия ҳисобини, товаршуносликни, маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини, қайта ишлашнинг ўзига хос томонларини, маҳсулотни элтиш ва сақлаш қоидалари

ва ҳоказоларни миридан-сиригача билишларини талаб этади.

Ушбу бўлинма ходими учун энг муҳими, одамларнинг феъл-авторини билиш, уларнинг дилига йўл топиш, ҳалол одамни нонок кимсадан ажрата олиш, ўғрилар гуруҳининг мураккаб поғоналарида тўғри йўлни топиш, бу поғоналардаги ожиз бўғинни илғаб, унинг ёрдамида мураккаб жиноятни фош этишидир. Бундай жиноятларни очища, тергов қилиш жараёнида саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда жиноят содир этилишига туртки бўлган мотивлар ва шароитларни қидириб топиш муҳимдир.

## ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИДА ҲИССИЁТЛАРНИ БОШҚАРИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Ҳуқуқшунослик фаолияти ходимлари ўз фаолиятларида кўпинча асабий таранглик ҳолатларини бошдан кечирадилаф Шунинг учун бу соҳа ходимлари ўзларини жисмоний ва руҳий жиҳатдан асраши, қобилиятларини йўқотмаслик учун ҳар қандай шароитда ҳис-туйғуларини жиловлаши, бошқара билиши зарур.

Ҳиссиёт (эмоция – лотинча ҳаяжонланиш, қўзғалиш демакдир) кишининг реал борликқа нисбатан шахсий муносабатига оид кечинмаларидир. Ҳиссиёт тушунчаси бошдан кечирилаётган ҳис-туйғуларнинг аниқ, нисбатан қадий шаклини англатади ва фаолиятни бошқаришда етакчи жараён сифатида намоён бўлиши мумкин.

Ҳис-туйғулар ижобий ва салбий маъно-мазмунига эга бўлади.

Ижобий ҳис-туйғулар қониқиши, қувонч, ҳайрат, шодлик, фуурланиш, ўзига ишонч, ёқтириш, назокат, муҳаббат, миннатдорлик, хотиржамлик, енгил тортиш ва ҳоказоларни билдиради.

Салбий ҳис-туйғулар сирасига ғам-қайфу, қониқмаслик, зерикиши, ғам-ғусса, ночорлик, хафалик,

хавфсираш, құрқув, даҳшатта тушиш, афсус, қайғуриш, ҳафсаланинг пир булиши, разаб, нафрат, раشك, шубҳа, уят ва ҳоказолар киради.

Ижобий ҳис-туйғулар асаб тизимига ўз навбатида ижобий таъсир күрсатиб, организмнинг соғломлашувига сабаб бұлса, салбий ҳис-туйғулар эса унинг ёмонлашувига, хасталанишига олиб келади.

Киши ҳәётида ҳис-туйғуларнинг кайфият, әхтирос ва аффект сингари күринишлари мавжуд.

Кайфият – энг муҳим аҳамиятта эга эмоционал ҳолатлардан булып, кечинмаларнинг маълум вақт мобайнида давомийлиги ва ихтиёrsизлигини белгилайди. Ҳуқуқшунос кайфиятини бошқара олиши, зарурат туғилғанда эса таъсир үтказилаётган, мулоқотда булинаётган объект (киши)да муайян кайфиятни үйғота билиши лозим.

Кайфият туғдирувчи сабаб ва шарт-шароитлар түрт гуруұға бұлинади:

1. Организмдаги жараёнлар (беморлик, чарчоқ кайфиятни туширади, аксинча тансихатлик, тұлақонли уйқу кайфиятни яхшилады).

2. Ташқы мұхит (ифлослик, шовқин-сурон, димиққан ҳаво, асабни бузадиган товушлар, хонанинг ёқимсиз бүёғи кайфиятга ёмон таъсир қиласы. Оздалик, сокинлик, тоза ҳаво, ёқимли мусиқа, хонанинг ёрқин бүёқлари кайфиятни күтаради).

3. Кишилар үrtасидаги мұносабатлар (атрофдаги кишиларнинг хушмуомалалығи, ишончи ва одоби, құллаб-қувватлаши инсонни тетиклаштиради ва ҳәётта мұхаббатни оширади, құпоплик, бефарқлик, ишончсизлик, беодоблик эса киши кайфиятини бузади).

4. Фикрлаш жараёни (образли тасаввурларда акс этган ижобий ҳис-туйғулар күтаринки кайфиятни белгилайди, салбий ҳис-туйғулар үйғотувчи образлар, тасаввурлар кайфиятта салбий таъсир қиласы).

Әхтирос муайян фаолият турига кучли интилиш билан боғлиқ давомли ва барқарор эмоционал ҳолатдир.

Фаолият эса ижобий ёки салбий мазмун касб этиши мумкин.

Аффект (*лотинча affektus - руҳий ҳаяжон*) - кучли, жүшқин ва нисбатан қисқа муддатлы эмоционал кечинмалар тариқасыда рўй берадиган психологик ҳолат ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос ҳар қандай эҳтиросларга, шартшароитларга боғлиқ равишда кайфиятни мослаштириши ва аффект даражасига тушмасликка ҳаракат қилиши лозим.

Ҳуқуқшунос фаолиятида эстетик ҳис-туйғулар катта аҳамият касб этади. Улар муомалада янада яққол намоён бўлиб, сухбатдошининг эстетик кечинмаларини ҳис этган ва уларга лозим даражада муносабат билдира олган киши одатда, обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлади.

Вазиятнинг таъсироти одам организмида кучли ҳаяжонланиш ҳолатини вужудга келтириши за бу ҳуқуқшунос ишчанлигини ошириши ёки беморлик ҳолатига тушириб қўйиши мумкин. Кўпинча кучли ҳаяжонланиш оқибатида кишининг касалликка дучор бўлиб қолиши эҳтимоли бўлади.

Ҳиссиётларни жиловлай оладиган ҳуқуқшунос хавф-хатар босқичини енгиб ўтиб, стресс омиллари билан фаол кураша олади ва ўзини қўлга ола билади. Ҳиссиётга берилувчи ҳуқуқшуносда хавф-хатар ҳисси қўрқувга айланади ва охир-оқибатда кишини ваҳимага, ҳолсизликка дучор қиласди. Кишиларнинг стресс ҳолатларига бардошлилиги икки йўл билан, яъни ҳиссиётларини жиловлашни машқ қилиш ва ўқиб-ўрганиш билан таъминланиши мумкин. Умуман олганда ҳар қандай нокулай вазият, нохуш ҳолатнинг ўткинчилигини доимо ҳисобга олиш инсоннинг қийинчиликлар олдида довдирмаслиги, хотиржамлигини сақлаши, кайфиятининг кутаринки бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида иш унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади, жамоа ва оиласда соғлом психологик мухитнинг барқарор

бўлишини таъминлайди.

Инсон ҳис-туйгуларини тарбиялаш фақат фаолият орқалигина амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун маҳсус ишлаб чиқилган тренинг – «ҳис-туйгулар гимнастикаси»дан фойдаланилади. Шунингдек, аутотренинг машқлари ҳам қўлланилиб, муайян самараларга эришиши мумкин. Бу машқнинг асосий қуроли – ўзига айтилган сўз бўлиб, киши ўзини ўзи ишонтириш орқали катта натижаларга эришиши тажрибаларда исботланган.

Мунтазам ва сабот билан ўтказилган машғулотлар орқали асабларни бўшаштириб олса бўлади. Аутотренинг кўникмаларини ҳосил қилган юрист турли вазиятларда ўз истагига кўра нафас олишини секинлаштириши, юрак уришини бир маромга солиши, қон томирларини кенгайтириши ёки торайтириши, жиддий вазият, ҳолатларда совуққонлигича қолиши мумкин. Амалиётчи юрист аутоген машғулотлар ёрдамида ортирган кўникмалари туфайли ўз кучига ишончи мустаҳкамланади, бу эса унинг иродавий барқарордигини таъминлайди ҳамда доимий ўзгариб турувчи шарт-шароитларга дарҳол мослашиш имконини беради.

## ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФНОМАСИ

Дастлабки тергов – терговчи топган излар бўйича содир этилган жиноятни қайта тиклашдан иборат бўлиб, у муайян мақсадни кўзлайдиган жараён. Дастлабки терговда идрок этиш жараёни, келиб тушаётган маълумотларнинг мазмун – мундарижаси терговчи истагига тўғри келмаслиги, битта тизимга мос тушавермаслиги мумкин. Маълумотлар ҳажми, уларни қидириб топиш вақти кўп жиҳатдан идрок этилаётган шарт-шароитларга боғлиқдир.

Дастлабки тергов умуман олганда фақат назарий

идрок жараёни бўлмай, аввало амалий фаолиятдир. Қонунчиликда тергов ҳаракатларининг айримлари белгиланибгина қолмасдан, терговнинг бошдан-оёқ тартиби тасдиқлаб қўйилган.

Тергов фаолияти зиммасидаги вазифаларнинг турли-туманлиги жиҳатидан ўзига хос бўлиб, уларни ҳал этиш ҳар хил фазилатлар, қўнимлар, билимларни тақозо этади. Медицина ва педагогика, товаршунослик ва бухгалтерия, транспорт ва психология каби хилмачил соҳаларга оид маҳсус билимлар тергов ҳаракатлари муваффақиятини таъминлайди.

Терговчи тактикага оид усуllibарни, шу жумладан психологик реагентларни қўллашга доир усуllibардан фойдаланиши мумкин. Психологик реагентлар улардан фойдаланишининг асл мақсадига кўра муайян тарзда тизимлаштирилади (мисол учун терговчининг «бехослик» омилини ишга солиши гумонланаётган шахсда худди унинг шериги фош этилгандай таассурот туғдириши мумкин). Айбланувчининг ҳар бир кўргазмасини дикқат билан текшириб кўриш, ўз фаолиятини қонун ва ахлоқ нормалари доирасида юритиш терговчига қўйиладиган асосий талаблардандир.

Терговчи тергов бошланишида қарийб ҳеч қандай зарур маълумотларга эга бўлмагани туфайли, муайян даражада чалкаш вазиятларда қарор қабул қилишига тўғри келади. Иш мобайнида терговчининг тафаккури фақат ўз фаолиятини акс эттириб ва йўналтирибгина қолмай, ишнинг барча иштирокчилари ва ишга дахлдор шахсларнинг ақлий (интеллектуал) фаолияти билан қиёсланиб, мувофиқлаштириб борилиши лозим. У ўзи ва ўзгалар учун фикр юритиши, қарор ва хатти-ҳаракатларни олдиндан кўра олиши, уларни йўналтириб туриши ҳамда ана шу барча омиллардан келиб чиқиб ўз хулқ-авторини идора этиши зарур. Ушбу жараёнда манфаатлари турли-туман, бир-бирига мос тушмайдиган, баъзан бутунлай қарама-қарши бўлган шахслар: терговчи ва айбланувчи, сўроқ қилувчи ва сўроқ бераётган ҳамда ҳоказолар тўқнаш келадилар.

Тергов жараёнида турли-туман манфаатлараро зиддиятлар ҳамда уларнинг тўқнашуви тергов тактикасига эҳтиёж тутғидиради. У психологик жиҳатдан маълум даражада терговчи ва ишда иштирок этаётганлар ақл-идрок, ирода, характер, ахлоқий тамойилларининг ўзаро кураши тарзида намоён бўлади.

Терговчи хилма-хил мутахассисликларда ишловчи одамлардан маълумот олишига тўғри келади, кишилар кўпинча жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар ҳақида шундай тушунча ва атамаларни кўллайдиларки, уларни идрок этиш ана шу ихтисосликлар бўйича муайян билимни талаб этади.

Жамланаёттан маълумотлар мантиқий таҳлилида хатога йўл қўймаслик учун терговчи мантиқий тафаккур қонуниятлари ва шакл-шамойилларини яхши билиши ва уларга риоя қилиши, маълум фактлар асосида маълумотларга ёндашиши, у ёки бу хуносани чиқараётib, далил-исботларнинг тўлақонлигини доимо назорат қилиб бориши зарур. Муайян хуносага келишда хаёлан жиноят содир этилиш жараёнида ўзини айбланувчи ўрнига қўйиб кўриш, айбланувчининг моддий ва маънавий манфаатдорлиги нуктаи назаридан фикр юритиш тергов учун айниқса қимматли натижаларни бериши мумкин.

Терговга киришилган иш бўйича бир нечта жиноий ишлар очиш ва зудлик билан тергов ҳаракатларини бошлиш талаб қилинадиган вазият терговчи учун психологик жиҳатдан ўта мураккаб ҳисобланади. Жиноий ишлар бўйича тергов ҳаракатлари ҳамда шахсларни ҳибсда ушлаб туриш муддатлари тугаган вазиятни энг қийин деб ҳисоблаш мумкин. Бундай вазиятларда тўғри қарорлар чиқариш бир қатор фазилатлар ва кўникмалар: ишлар бўйича самарали режа тузиш, ҳис-туйфуларни жиловлаш, ўзгача қилиб айтганда ҳиссий барқарорлик, ўзини уюштира билиш каби сифатларни талаб этади. Терговчининг белгиланган муддатда айбдор шахсларни аниқлаш учун жиноят устида иш олиб бораётган гуруҳга бош бўлиши ва

8. Тинтуб үтказища қандай техникавий ва бошқа воситаларни олиш керак?

9. Тинтубни қай пайтда үтказмок зарур?

10. У қанча муддатга чўзилиши мумкин?

Ташкилий нуқтаи назардан тинтуб кўп табақали фаолият бўлиб, унда иштирок этаётган ходимлараро ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиш, умуман ҳар томонлама тайёргарлик ва ишларни режалаштиришни талаб этади. Шунинг учун тинтуб қилинажак объектнинг ҳамда тинтуб тартибининг лойиҳасини тушиб олиш, унда ҳар бир мансабдор шахснинг вазифаларини белгилаб қўйиш, тергов бўлинмаси билан алоқа йўсинини кўзда тутиш, холислар танлашни аввалдан ўйлаш керак.

Ташкилий ишлар одатда терговчи зиммасига юкландади. У ўз ҳаракатлари ва бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари аниқлиги, бир-бирини тўлдириши, узлуксизлиги ва самараדורлигини таъминлаши лозим.

Жумладан, терговчи тинтуб вактини тайинлади, тергов ҳаракати иштирокчиларини жамлайди, зарур техникавий воситаларни тайёрлайди, зарурат туғилганда мутахассисларни жалб этади, тинтуб қилинажак жой эгаларининг шахсларини ўрганишни уюштиради, тинтубнинг энг мақбул тактикасини белгилайди.

Тинтуб пайтида маълумот олишнинг асосий усуllibаридан бири кузатиш ва унинг натижаларини дарҳол таҳдил қилиш ҳисобланади. Айниқса, тинтуб қилинаётган шахс хулқ-автори жуда кўп нарсаларни айтиб бериши мумкин. Бундай кузатишдан имкони борича тўлароқ ва ҳаққонийроқ натижага эришиш учун бевосита тинтуб вазиятида тинтуб қилинаётган шахс хулқ-авторининг психологияк қонуниятларидан ҳар томонлама бохабар бўлиш зарур.

Нарса ва объектларни кўздан кечириш билан бирга ўй ҳайвонлари ва қушларга эътибор қаратиш ҳам муайян натижага бериши мумкин, баъзан уларнинг безовталаниши яширинган одам ёки нарсаларнинг

жойини курсатиб беради. Уй ҳайвонларининг кўпчилиги мурда яширган жой яқинида тургандарида қаттиқ безовталанадилар, итлар бегона одам бўлса, ҳурий бошлайди ва ҳоказо.

Тинтуб жараёнида супервайзер (мувофиқлаштириб турувчи киши, мутахассис)нинг иштироки мақсадга мувофиқ бўлади, у изқуварнинг камчилигини тузатиши, сездирмай нимага эътибор бериш зарурлигини курсатиши, мисол учун унинг ёнига бориб аввалдан келишиб олинган усуlda зарур предметга диққатни жалб этиши (яшикни буриши, эшикчани очиши ва ҳоказо) мумкин.

Кидириш ишининг бир хил мароми, диққатни чалғитувчи омиллар аста-секин чарчоқни кучайтириб, диққат-эътиборнинг сусайишига сабаб бўлади. Шуни ва бошқа айрим жиҳатларни эътиборга олиб, тинтуб қатнашчиларининг тинтуб ҳолатини ўзгартириб туришлари (мисол учун терговчи гумондорнинг шахсий хатларини кўздан кечиришдан, предметлар ва мебель орасидаги махфий жойларни тинтишга ўтиши мумкин) мақсадга мувофиқдир. Тинтуб ўтказаётган ходимлар жиноятчилар турли яширин жойларни ҳозирлаётганларида бир қатор психологик омилларни ҳам эътиборга олишларини назардан соқит қиласликлари керак:

1) Чарчоқ ва автоматизм туфайли текширувчилар диққатининг сусайишини ҳисобга олиш. Шуни ҳисобга олиб, маълум бир ҳужжатни кўпинча китоб жавонининг ўртасидаги китобнинг ичига яшириб қўядилар;

2) жирканишга умид боғлаш (предметни гўнг орасига ёки ҳожатхона тагига кўмиб қўядилар);

3) терговчи томонидан одамгарчилик ва бошқа инсоний туйғуларнинг намоён қилинишини ҳисобга олиш (далилий ашё бўлиши мумкин бўлган нарсани оғир бемор ётган тушак остига, чақалоқнинг каравотчасига, яқин қариндошларнинг қабрига яшириш);

4) предметни атайлаб кўзга ташланиб турадиган

жойга ташлаб қўйиш;

5) иккита бир хил яширин туйнук ясаш (бунда жиноятчилар битта бўш туйнук топилганидан кейин, шунаقا бошқа туйнукни терговчилар ахтариб кўрмайдилар, деб ҳисоблашади);

6) тинтув пайтида можаро қўзғаш ва можаро пайтида қидирилаётган нарсани яширишга улгуришга уриниш мумкин.

Юқорида тилга олинган жами шароитлар чуқур таҳлил қилинганда терговчи тинтув вазифасининг биринчи босқичини тўғри ҳал қилган, фикран тинтув қилинаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини башпорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Тинтув ўтказиш учун турли керакли соҳа мутахассисларини ҳам жалб этиш керак, улар ҳар бир нарсанинг моҳиятини, қўлланиш соҳасини, ундаги нуқсонларни, ўзига хос аломатларини илғаб олишга қодирдирлар.

Тинтув ўтказиш учун хоналарни хонадон эгаси фойдаланиладиган чироқ нуридан ортиқроқ даражада ёритиш, теварак-атрофни яхшироқ идрок қилиш шароитини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу тинтув қилинаётган шахс оддий ёруғликда кўрмай, пайқамай қолган, йўқотишга ултурмаган белги ва изларни топиб олиш имконини яратади.

Кўпчилик пайтларда тинтув қалтис вазиятларда – асабий таранглик, мураккаб психологик муҳит, нафрат, қаҳр-ғазаб қўзғалиб, ҳақоратлашга уриниш ҳоллари кучайган вақтларда ўтади. Тинтув жараёнида можароли вазият туғиладиган бўлса таъсир кўрсатиш методларидан бири – буйруқча бўйсундириш ҳам қўлланиши мумкин. Бу ўша заҳоти тинтув қилинаётганинг хулқи ўзгаришига, организмнинг асаб-гуморал регуляция жараёни ўзгаришига олиб келади.

Терговчининг иккинчи муҳим вазифаси – тинтув жараёнида тинтув ўтказилаётган шахс билан оғзаки мумомала (контакт) ўрнатишдан иборат. Тинтув пайтида

тингув қилинаётган шахсни имкони борича сұхбатга тортиш, у ёки бу предметларнинг зарурати ҳақида саволлар бериш ҳам мұхим ақамиятта зға. Унинг сұзлари ички ҳолатини, терговчининг айрим ҳаракатларига ёки сұз бораёттан нарасага муносабатини сездириб құяды. Сұз оғанғи, гапириш услуби кишининг ҳақиқий кечинмалари, муносабати тұғрисида нисбатан күпроқ маълумотларни бериши мүмкін.

Тингув қилинаётган шахснинг турли хатти-харакатлари: тингув иштирокчилари диққатини айрим жойлар ва предметлардан чалғитиши, тингувга халақит бериши ва уни тұхтаттиришга уриниши, баъзи нарсаларни олиб қўйиш ёки уларга кишиларни яқинлаштирмасликка интилиши, тингувнинг бесамаралиги, айрим объектларнинг ҳеч қандай ақамияти йүқлигига ишонтириши гумонланувчига нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Терговчи тингув мобайнида ахлоқий-этик меъёрлар доирасидан четга чиқмаслиги, бошдан-охиригача хушмуомалалик билан иш қўриши, қўполлик, ҳақорат, қўрқитишишга йўл қўймаслиги зарур. Терговчи уйи тингув қилинаётган шахсга нисбатан нафрат, fazab, жирканиш ҳисларини яшира олиши, ўзини тута билиши, айниқса хатти-харакатлари билан оиласынг бошқа аъзолари иззат-нафсига тегмаслиги даркор. Тингув пайтида ҳужжатларни, тингув қилинаётган шахснинг шахсий ҳаётига оид гувоҳномаларни, ёзишмалар, суратлар, кундаликларни кўздан кечираётганда айниқса, терговчилик одобига риоя қилиш талаб қилинади.

Психологик характерга зға бўлган муаммолар тингув бошиданоқ пайдо бўлиши мүмкін, шунинг учун айбланувчи ёки гумонланувчининг уйига киришда шундай усулни қўллаш керакки, қаршилик қўрсатиш, жиноят қуролларини, қимматбаҳо буюмларни, мұхим далилий ашёларни яшириш ёки йўқ қилишга имкон қолмасин. Мисол учун, эшик остонасида атайн тұполон чиқарыб, уни эшикни очишига қизиқтириш,

айбланувчининг олдига таниши келишидан фойдаланиш, оила аъзолари кун тартибини билган ҳолда улардан бири ишдан қайтиши чофини мўлжаллаб уйга кириб олиш каби усуллар қўл келиши мумкин. Тинтув қилинадиган шахс, унинг оила аъзолари ва яқинлари, шериклари, бегона кишилар тинтув ўтказилишидан мутлако бехабар бўлишлири керак.

Тинтув ўтказилаёттанды айбланаётган шахснинг маълумоти, маданияти, касби, билимлари, ақл-идроқи қобилиятларини эътиборга олиш мухимдир, бу далилий ашёларни яшириш жойи ва усулини чамалаб олишда катта ёрдам беради. Шуни таъкидлаш керакки, қуролни олиб қўйиш мақсадида ўтказиладиган тинтувда тинтув ўтказаётган кишилар ҳамда шу ердаги бошқа одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг асосий шартлардан биридир, шунинг учун тергов ҳаракати бошланиши билан шахсий тинтув ўтказилмоғи талаб қилинади. Айбланувчи ва оила аъзоларидан жиноий ишда аҳамият касб этиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни топиш мақсадида уларни бошдан-оёқ тинтиб кўришни эса тинтув жараённинг охирида ўтказган маъқул.

Тинтув мобайнида айбланувчини фош этадиган предметларнинг топилиши уни оғир психологик ахволга солиб қўяди, кўпгина психологик жараёнларни издан чиқариб, содир этилган жиноятга дахлсизлигини тасдиқлашга уринищдан иборат иродавий ҳаракатларини сустлаштиради. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда тинтув пайти топилмаган маълумотларни янги ҳолатлар билан мустаҳкамлаб олиш мақсадида тинтувдан кейин дарҳол сўрок ва юзлаштиришни ўтказмоқ катта самара беради.

Тинтув жойида қатъий интизом ўрнатилиши, асосий ишдан дикқатни чалғитувчи ортиқча гап-сўзларга йўл қўйилиши, бекордан-бекорга хонама-хона юриш тақиқланиши зарур.

Тинтув ва ҳибсга олиш бир қатор фарқларига қарамай психологик нуктаи назардан ўхшаш

жиҳатларга эга.

Уларнинг ўхшашликларидан бири шундаки, ҳар иккала ҳолда ҳам гумонланувчининг шахси ўрганилади, ҳибсга олиш эҳтимоли кўзда тутилган шароит таҳдил қилинади. Ушбу маълумотлар ҳибсга олиш вақти, жойи ва усулини ҳал этиш учун зарур. Шуни унутмаслик керакки, гарчи гумонланувчи ҳар томонлама ижобий хислатлар билан таърифланган бўлса-да, қаршилик, шу жумладан қуролли қаршилик кўрсатиши эҳтимолини назардан соқит қилиб бўлмайди. Ҳибсга олиш чоғида унда қатнашаётган ҳар бир ходимнинг шахсий хавфсизлигига оид чоралар ана шу заруратдан келиб чиқиб таъминланиши зарур.

Ҳибсга олиш чоғида қаршиликка дуч келиш эҳтимоли айниқса, жамиятга, ҳуқуқ-тартибот ходимларига нисбатан душманлик кайфияти зоҳир бўлган рецидивистлар (такрор жиноят содир этувчи хавфли жиноятчилар), ғазабнок, тажовузкор, зўравонликка мойил, психологик номутачосиб, ўта худбин шахсларни қўлга олаётганда кўпроқ учрайди.

Рухий зуриқиш (стресс) ҳолатларида гумонланувчини ҳибсга олиш муайян даражада унинг ҳиссий-иродавий хусусиятлари эътиборга олингач, режалаштирилади ва амалга оширилади. Гумонланувчининг тажовузкорлиги, ўзини қулга ололмаслиги, тап тортмаслиги, жазавага тушиши, аффектив тутақишларга мойиллиги каби ҳолатлар унинг қаршилик кўрсатиш эҳтимолини кучайтиради.

Жиноятчи барча имкониятидан маҳрумлиги, атрофдагиларга зиён етказа олмайдиган вазиятдалиги аниқ бўлса, у кўркув, умидсизлик, нафрат, алкоголь ёки наркотик модда таъсирида ўзини идора эта олмайдиган ахволда ҳисобланса ҳибсга олишга шошилмаслик керак. Жиноятчи ҳушини йиғиб олишига имконият туғдирган афзалроқ.

Жиноятчини таслим булишга кўндириш психологик восита таъсирининг самарали натижасидир. Бироқ бундай ҳолларда фақат жиноятчи шахсиятига хос

психологик хусусиятларини пухта билиш ва улардан оқилона фойдаланишигина музокара чоғида бирон-бир натижа келтириш мумкин. Бундай музокарага унинг кўнглига яқин, у хурмат қиласиган, фикрлари билан ҳисоблашадиган кишиларни: ота-онаси, фарзаандлари, қариндошлари, дўстларини таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.

## ЮЗЛАШТИРИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Юзлаштириш – муқаддам алоҳида-алоҳида сўроқ қилинган шахсларни, уларнинг кўргазмаларидағи зиддиятлар, ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида биргалиқда сўроқ қилишдан иборат тергов ҳаракати бўлиб, сўроқ қилинувчилардан тўғри кўрсатма олиш мақсадида ўтказиладиган психологик алоқанинг таркибий қисмидир.

Кўпинча ёлғон кўргазма бераётган шахсни фош этиш учун муайян тарзда таъсир ўтказиш зарурияти түғилади, юзлаштиришнинг мақсади ҳам ана шу жараёнда ҳақиқатни исботлашдир.

Юзлаштиришда терговчининг роли жудаям мураккаб ва муҳим аҳамият касб этади. У юзлаштиришни ўтказишга шундай тайёргарлик куриши ва ўтказиши керакки, охир-оқибатда ҳақиқат ёлғон устидан тантана қилсин.

Юзлаштиришда икки гурӯҳ омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Биринчидан, юзлаштирилаётган шахслар ижтимоий-психологик хусусиятлари эътиборга олингандা, кўргазмаларидағи зиддиятларнинг сабабларидан бири – янгиш тасаввурлар бўлиши мумкин, бу ҳолда терговчининг асосий вазифаси уларни кучайтириш эмас, балки бартараф этишдир. Иккинчидан, бундай зиддиятларда юзлаштиришга келтирилганлардан бирининг ёки иккаласининг кўргазмалари аввал-бошдан ўйдирма бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда терговчи ёлғон кўргазмаларнинг

мотивини билмоғи зарур, улар эса хилма-хил бўлиши мумкин: жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш ёки енгилроқ жазо олишга интилиш, шерикларни айтиб қўйишни истамаслик, қариндошлиқ ҳислари, уч олишларидан қўрқиш, пулға сотилиш, уят, сохта садоқат туйғуси кабилар шулар жумласидандир.

Юзлаштирища қатнашаётган шахсларнинг бир-бирларини кўргани кўзлари бўлмаган ҳолатлар кўпинча юзлаштириш мобайнида зиддиятларнинг бош сабабчисига айланади. Бундай ҳолатларда юзлаштиришдаги келишмовчилик умумий муросасиз вазиятнинг давоми бўлиб ҳисобланади. Баъзан юзлаштиришдаги зиддиятлар қатнашчилар эгаллаган мавқелари туфайли юзага келадики, бу вазият кўп жиҳатдан у ёки бу шахс касби, мавқеи, ҳолатига нисбатан муносабат нуқтаи назаридан изоҳланади (милиция ходими ва уй ўғриси, ЙПХ нозири ва ҳайдовчи, илгари ихтилофга борган кишилар ўртасидаги юзлаштириш бунга мисол бўла олади).

Юзлаштириш ўтказиладиган вақтни танлашнинг аҳамияти катта. Уни ўтказиша шошқалоқлик қилиб қўйиш ёки ҳаддан зиёд кечикиш тергов самарасига салбий таъсир кўрсатади. Юзлаштириш ўтказиша тайёргарлик савияси алоҳида аҳамиятга эга. Тайёргарликка терговчи ҳамда барча қатнашчиларнинг ташкилий-техникавий ва психологик ҳозирлиги, деб қарамоқ лозим. Терговчи заруратга кўра, юзлаштирища виждан амири билан қатнашаётган шахснинг кўнглини хотиржам қилиши, жиноятчи томонидан хавф-хатар ёки бошқа қонунга зид ҳаракатларнинг содир этилмаслигига кафолат бериши даркор. Кўргазма бераётган киши сўроқ қилинаётган иккинчи шахсга бирон-бир тарзда психологик тарзда таъсир кўрсатишга уринмаслиги, ёлғон кўргазма бермаслиги, бунга қонун йўли билан чора кўрилиши терговчи томонидан огоҳлантиради.

Юзлаштириш қатнашчилари шартли равищда рост ҳамда ёлғон кўргазма берувчиларга ажратиласди.

Юзлаштириш ўтказилгунига қадар одатда терговчи ҳали ҳамма далилларни түплашга улгурмагани туфайли, унинг зиддиятли кўргазма бераётган қатнашчилардан бири рост, иккинчиси ёлғон кўргазма бераётгани ҳақидаги фикри тахминий бўлиб ҳисобланади.

Тергов амалиётининг таҳдили шундан далолат берадики, кўп эпизодли жиноий ишлар бўйича юзлаштиришни ўтказишдан аввал барча материалларни: ҳисоб-китоб ҳужжатлари, суратлар, баённомалардан (протоколлардан) кўчирмалар, далилий ашёлар ва ҳоказоларни таҳт қилиб қўйиш катта аҳамиятга эга. Бу материаллар шундай ҳолатга келтирилиб қўйилиши керакки, зарур пайтда терговчи уларни излашга кўп вақт сарфламай, юзлаштириш қатнашчиларига исталган маълумотни тақдим эта олсин.

Юзлаштиришдан аввал терговчининг фикрлари тиник, кайфияти яхши, тергов ҳаракатининг ижобий натижасига ишончи комил бўлиши лозим.

Терговчи юзлаштиришда қатнашаётган ҳар бир шахсга унинг шахсиятини ҳар томонлама таҳдил қилиб, қарашларини пухта ўрганиб, жиноий иш таркибидаги барча иш материаларидан келиб чиқсан ҳолда юзлаштирилаётган шахс нуқтаи назари сабабларини таҳдил қилишдан ҳосил бўлган тасаввурга таяниб алоҳида индивидуал муносабатда бўлмоғи зарур.

Бирваракайига ёлғон кўргазма бераётган икки жиноятчи (гумондор) ўртасида юзлаштиришни ўтказиш терговчи учун айниқса мураккаб бўлиб, катта масъулиятни талаб қиласди. Бироқ бундай юзлаштириш қанчалик таваккалчиликдай бўлиб туюлмасин, уни ўтказишдан воз кечиб бўлмайди, қолаверса, агар терговчи ушбу мураккаб вазиятдан жиноятни очиш учун фойдаланмаса, эртами-кечми гумондор ёки жиноятчиларнинг терговчидан холи гаплашиб, тил бириктириб олишларига имконият туғилиб қолиши мумкин.

Юзлаштириш ҳақиқатни атайлаб, қасдан бузиб кўрсатишга уринган, кўргазмалари ёлғон-яшиқдан

иборат шахсларга нисбатан катта таъсир кучига эга. Юзлаштириш күпинча уларнинг терговдаги хулк-авторини кескин ўзгартириб юборадиган ҳал қилувчи босқич ролини ўтайди.

Юзлаштириш одатда терговчининг хизмат хонасида ўтказилади. Суроқ қилинаётганлар доимо терговчи кўз ўнгидаги бўлиши, шу тарзда жойлаштирилиши даркор.

Юзлаштиришнинг самараси шундаки, унда «кўзнинг кўзга тушиши» таъсир кучи яширган бўлади. Юзлаштириш чоғида фақат терговчи қаршисида эмас, балки суроқ қилинаётган шахс танийдиган яна бир киши қаршисида кўргазма берилади. Бу юзлаштиришнинг натижасини белгилаб, ишнинг одилона баҳоланишига олиб келади.

## ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш алоҳида тергов ҳаракати бўлиб, жиноят изларини, бошқа далилий ашёларни излаб топиш, воқеа тафсилотини ҳамда ушбу жиноий ишга алоқадор бошқа тафсилотларни аниқлашга қаратилган бўлади. Айни чоғда кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатлари: ҳибсга олиш, далилий ашёни топиш, тергов эксперименти, кўргазмани воқеа жойида текшириш каби жараёнларнинг таркибий қисми ҳамdir.

Воқеа жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг энг муҳим, асосий шартларидан бири бўлиб, ана шу чоғда олинадиган таассуротлар, маълумотларнинг ўрнини бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида тўлдириб бўлмайди. Жиноятчи қўл ва оёқ излари, фойдаланилган қуроли ҳақидаги маълумотлар бунга бир мисолдир.

Воқеа жойидаги таассуротлар терговчиларга тафсилотларни тасаввур қилиш имконини беради. На чизма (схема)лар, на протоколлар, на ҳужжатлар, на суратларнинг таҳлили ўз кўзи билан кўрганидаги

тасаввурнинг ўрнини қоплай олади. Воқеа жойини кўздан кечириш зудлик билан ўтказилмоғи керак. Ҳар қандай ортга суриш шарт-шароитнинг ўзгариши, излар ва далилий ашёларнинг фойиб бўлиши, ҳодисани кўрган ва гувоҳларнинг муҳим ҳолатларни унугиб қўйишларига олиб келиш эҳтимолини туғдиради. Терговчи кўздан кечиришга киришишдан аввал ташкилий иш: тезкор гурӯҳ тузиш, техник воситаларни тайёрлаш ва текшириш, мутахассисларни жалб этиш, воқеа жойини қўриқлаш ва ҳоказолар билан шуғулланади. Тезкор гурӯҳлар ваколат доирасининг кенглиги, ҳамжиҳатлиги катта аҳамиятга эга. Тезкор гурӯҳни тузаётган чоғда унинг таркибида шахслар профессионал ва ҳаётий тажриба, психологик барқарорлик жиҳатидан мутаносиблиги (бирга ишлаш истаги, ҳар қандай вазиятда саботлилик, ҳамжиҳатлик, ўзини идора қила билиш, ўзаро ҳурмат, можароли вазиятларни тез бартараф эта олиш) эътиборга олиниши лозим.

Кўздан кечириш фаолиятининг қидириш элементи – жиноятчининг ҳаракати туфайли воқеа содир бўлган жойдаги ўзгаришларни аниқлаш, қолдирилган излар, далилий ашёларни топишдан иборат. Ташкилий элемент кўздан кечириш пайтида гурӯҳга раҳбарликни, ходимларга йўл-йўриқ кўrsatiшни билдиради. Даиллаш элементи кўздан кечириш пайтида аниқланган излар, далилий ашёлар, фактларни ҳужжатлаштириш, қайд этиш ва тасдиқлаш демакдир. Терговчи воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини, чизмаларини, схемаларини тузади, ўзи ёки мутахассислар сурат, кино ва видеолавҳаларни тасвирга туширади.

Тезкор гурӯҳ қатнашчилари ўртасида олиб бориладиган фаолиятларнинг характеристидан келиб чиқсан ҳолда бажариладиган ишлар (функциялар) аниқ тақсимлаб қўйилиши лозим. Агар терговчи воқеа жойини бевосита кўздан кечириб, далилий ашёларни топиб, натижасини протоколга қайд этса, тезкор ходим

терговчи амри билан жиноятни очишга қаратилган тезкор-қидирув ишлари билан шуғулланади, мутахассис ёки эксперт ва терговчига изларни топиш, акс эттириш ва нусха күчиришда ёрдам беради.

Бу тадбирлар кўздан кечириш билан бир пайтнинг ўзида ўтказилиши, кейинроқ аслига тўғрилигини текшириб кўриш имкони сақланиши лозим.

Кўздан кечириш мобайнида, маълумотларнинг танқислиги шароитида қийин масалаларни фикран ҳал этишга тўғри келади, терговчи бундай вазиятда қўлга киритилган фактлар, айрим тафсилотларга таянади, ўз билимлари, профессионал ва ҳаётий тажрибасидан кўпинча ҳиссий (интуив) эҳтимоллик ва тахминлар даражасида фойдаланади. Айниқса, кўпинча гувоҳларсиз содир этилган қотиллик жиноятларини очишда терговчининг иши жараёнида ижодий тасаввур ва интуициянинг фойдаси каттадир.

Тергов интуицияси маълумотлар қарийб йўқ бўлган бир вазиятда ижодий вазифани тез ва бевосита ҳал этишга оид тажриба ва билимлардан орттирилган ақлидрок қобилиятидир. Версиянинг (такхиннинг) текшириб кўрилиши жараёнида дастлабки фараз пуч бўлиб чиқиши мумкин. Бу психологик нуқтаи назардан иккита оқибатни келтириб чиқаради. Аввало етишмайтган маълумотларни қидиришга киришилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, янги маълумотлар топилмайди, айни чоғда масаланинг ечими мавжуд фактлар ичida яширган, деб ўйлашларига асос бўлади. Бундай ҳолларда илгари яратилган тафсилотлар тизимини алоҳида қисмларга ажратиш ҳамда уларнинг ҳар бирини илгари эътиборга олинмаган алоқадорликда қайтадан мушоҳада қилиб кўриш зарур. Иккинчидан, ана шу ҳолатда, объектни янги алоқадорлик занжирида кўриб чиқиш, унинг янги белгиларини очишда тафаккурнинг асосий ҳиссаси кўзга ташланади. Янгича алоқадорликда ўша предметларнинг ўзи янги мазмун касб этади. Бу таҳлил асосида янги тафсилотлар тизими пайдо бўлади, шунингдек бошқа тахминлар туғилади.

Воқеа содир этилган жойни күздан кечириш самарадорлиги вазифани қуйидаги тартибда ҳал қилинишига күп жиҳатдан боғлиқ.

Биринчидан, тергов бошланаётган воқеага оид барча маълумотларни йиғиш керак. Бу босқичда фақат битта тахмин таъсири остидагина маълумот тўплаш билан чекланиб қолмаслик зарур.

Иккинчидан, жамланган ахборотларни таҳдил қилиш ва шу асосда бўлиб ўтган воқеани изоҳлаб берадиган фаразни яратишга уриниш лозим. Учинчи вазифа шуки, илгари сурилган ҳар бир тахмин воқеа юз берган жойдаги барча тафсилотлар билан солишириш мобайнида ўрганилиши, барча қарама-қаршиликлар холисона инобатга олиниши лозим.

Агар иккинчи босқични ҳал қилиш, яъни биронта ҳам асосланган тахминни илгари суриш имконияти бўлмаса, терговчи шошилганини тан олиши ҳамда биринчи босқич вазифаларини охирига етказиши, маълумотлар тўплаши керак.

Дастлаб илгари сурилган бир неча тахминларда қарама-қаршиликлар юзага чиқса, аввал биринчи, кейин иккинчи босқични ҳал этишга қайтадан киришиш зарур.

Воқеа жойини күздан кечириш фақат жиноят тафсилотлари ҳақида маълумотлар олишгина эмас, жиноятчи шахсининг кўпгина хусусиятларини (жисмоний, биологик, психологик) билиб олиш имконини беради. Жиноятнинг қай йўсинда содир этилгани, жиноятчининг қай жинсга мансублигини ҳам воқеа жойини күздан кечириш пайтида тусмоллаб билиш мумкин. Воқеа жойида жиноятчининг ёши, жиноятчиларнинг касб-кори, профессионал малакаси, билим ва кўникмалари кўзгудагидай акс этади (мисол учун слесар сейфни бузишга, электромонтёр огоҳлантирувчи сигнализацияни ўчириб қўйишга устаси фаранг бўлади).

Воқеа жойини күздан кечириш жараёнида ўтказиладиган психологик таҳдил содир этилган жиноят

мотиви хусусида хулоса чиқариш имконини туғдиради. Жиноят характер чизгилари (очкүзлик, шафқатсизлик), иродавий хусусиятлар (жангарилик, құрқоқлик)ни акс эттириши мүмкин. Воңеа жойидаги тафсилотлар баъзан субъект томонидан жиноят содир этилаётган пайтдаги унинг айрим психологик, хусусан ҳиссий (эмоционал) ҳолатини ҳам намоён этади.

## ГУВОҲЛАР ВА ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилишга тайёргарликнинг психологик жиҳатлари қўйидаги асосий қисмлардан таркиб топади:

- 1) режа тузиш, иш материалларини ўрганиш ва аниқлик киритилиш лозим бўлган масалалар таҳдили;
- 2) сўроқ қилинадиган шахсни ўрганиш;
- 3) муваффакиятли сўроқ учун зарур шароитларни таъминлаш;
- 4) терговчининг хулқ-атвори ва ғизини ҳозирлаши.

Режа сўроқнинг асоси бўлиб ҳисобланади, унда аниқлик киритилиши учун зарур саволлар, уларнинг мазмуни ва тартиби белгилаб қўйилади. Сўроқдан аввал иш материалларини ўрганиш, гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида аниқланиши керак бўлган саволлар доираси билан боғлик далилларни таҳдил қилиш зарур.

Сўроқка киришишдан аввал гувоҳлар ва жабрланувчилар шахсиятини ўрганиш талаб этилади. Уларнинг таржимаи ҳоли, шахсий-типик ёшлари билан боғлик хусусиятлар, психологик ривожланганлик даражаси, касб-кори, қизиқиши доираси, жиноий хатти-ҳаракатга алоқадорлиги ва ҳоказо маълумотлар шулар жумласидандир. Расмий сўроқ олдидан, бевосита танишув чоғида терговчи гумондор, гувоҳ ёки жабрланувчининг ташқи қиёфаси, маданияти, нутқининг аломатлари, психофизиологик таъсирот ва ҳолатлари (ҳайронлик, лоқайдлик, ҳаяжон, қўрқув,

хотиржамлик, душманлик ва ҳоказо)ни кузатиш орқали уларнинг терговга ёрдам бериш истаги ёки аксинча иложи борича камрок, аҳамиятсиз, ёлғон маълумотлар бериш билан чекланишга интилиши ҳақида муайян тушунча ҳосил қиласди. Гувоҳ ёки жабрланувчи шахсиятига оид маълумотлар психолигик муомала (контакт) ўрнатиш, сўроқнинг энг мақбул йўсинини (тактикасини) танлашда қўл келади. Гувоҳ ва жабрланувчиларни чақиртириш вақти ва усули, шунингдек тергов ҳаракати ўтказилаётган шароит ва жой алоҳида психолигик аҳамиятга эга. Умумий қоидага кўра гувоҳ ва жабрланувчилар имкони борича зудлик билан сўроқ қилинмоғи керак. Бирок бу ерда ҳам истиснолар мавжуд. Агар жабрланувчи, баъзан эса гувоҳ кўз ўнгида содир этилган жиноят туфайли руҳий ҳаяжонга тушган, асаблари қақшаган, ўзини йўқотиб қўйган бўлса сўроқни кечиктирган маъқул.

Безорилик, босқинчилик, номусга тегиш каби жиноий ишларнинг терговида зудлик билан сўроқ қилиш билан бирга жиноятчини қидириб топиш ва ҳибсга олиш учун зарур маълумотлар жамланганидан кейин, гувоҳ ва жабрланувчиларни қайтадан, батафсил сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Психолигик нуқтаи назардан гувоҳ ёки жабрланувчини сўроққа чақириш вақтини белгилаётиб, иш манфаатлари билан чақирилаётганларнинг имкониятлари ва манфаатларини уйғунлаштиришга интилиш лозим.

Агар чақирилаётган шахсларнинг кўргазмалари иш учун жуда ҳам аҳамиятли бўлса, уларни чақириш учун телефондан фойдаланиш афзалроқдир. Телефон орқали сўзлашув психолигик муомала (контакт) ўрнатилишига имкон беради, бундан ташқари сўроққа маҳсус чақирув қофози билан ҳам чақиртириш мумкин, улар гувоҳ, жабрланувчининг уйига албатта конвертта солиб жўнатилади.

Жабрланувчи, гувоҳни сўроқ қилишнинг жойини белгилаш ҳам психологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга

эга. Мисол учун, жабрланувчи ёки гувоҳлар жиноятга оид муҳим тафсилотларни унугтан бўлсалар, уларни воқеа юз берган жойда сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Сўроқ жойини танлаётган пайтда одоб-ахлоққа оид мулоҳазаларни ҳам эътибордан соқит қиласлик керак. Ёши утиб қолган ёки бемор кишиларни терговчи ҳузурига чақиртириш тавсия этилмайди. Терговчининг ўзи уларнинг олдига бориши ва ўша жойнинг ўзида сўроқ қилиши керак. Агар бунинг имконияти бўлмаса, ушбу иш бўйича суриштирув олиб борилаётган жойдаги тегишли терговчига шахсни яшаш жойида сўроқ қилишга оид алоҳида топшириқ юбориш лозим. Бемор жабрланувчи ёки гувоҳни фақат врачнинг рухсати билан, у ётган жойда (уйида ёки касалхонада) сўроқ қилиш мумкин.

Сўроқ кутилган натижани бериши кўп жиҳатдан ўтказилаётган шароитига боғлик. Битта иш бўйича чақирилган гувоҳлар алоҳида-алоҳида, бошқа гувоҳларсиз сўроқ қилинади. Айни чоғда терговчи битта иш бўйича гувоҳлар биг-бирлари билан келишиб олмаслиқлари учун тегишли чораларини кўриши зарур. Бутун сўроқ мобайнида терговчи, айбланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчини ҳеч нарса чалғитмаслиги, телефон қўнғироқлари, кириб-чиқаётган ходимларнинг гап-сўзлари терговчига халақит бермаслиги муҳимдир. Эътиқодли (принципиал), адолатпарвар, ҳалол, ва одобли терговчи сўроқ қилаётган кишининг ҳурматини қозонади, унда ростмана кўргазмалар билан терговчига ёрдам бериш истагини уйғотади. Сўроқ қилинаётган шахснинг кўнглига индивидуал-психологик нуқтаи назардан йўл топиш терговчининг энг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Бунинг учун терговчи сўроқ қилинаётган кишининг ёши, манфаатлари, жинси, маълумоти, турмуш тажрибаси, маданиятилилк даражаси, эътиқодлари, сўроқ пайтидаги психик кечинмаларини эътиборга олиб, узаро ишонч вазиятини туғдиришга интилиши лозим. Терговчининг ташқи

қўриниши, яхши хулқ-атвори, саришталиги, киришимлилиги, одамгарчилиги, дикқат-эътиборлилиги, хушмуомалалилиги ҳамоҳанг равища сўрок қилинаётган шахсда ишонч ва муомалага ҳозирлик кайфиятини уйғотади.

Сўроқнинг дастлабки, кириш қисмида терговчи сўрок қилинаётгандан асосан таржимаи ҳоли, яшаш ва ишлаш жойи каби маълумотларни (анкета маълумотларини) олади. Моҳият-эътиборига кўра бу савол-жавоблар суҳбатдошларнинг бир-бирига нисбатан бундан кейинги муносабатларини белгилаб беради.

Сўроқнинг иккинчи босқичи психологик муомала (контакт) ўрнатишни тақозо этади, бунда сўроқ қилинаётганинг ҳозиржавоблиги, росмана кўргазма беришга шайлантани тушунилади. Бу босқичда сўроқ суҳбатнинг мароми, оҳангি, эмоционал даражаси, суҳбатдошларнинг кечинмалари ва бир-бирларини ишонтириш учун келтириладиган, ўзларининг ҳақликларини таъкидлайдиган далил-исботлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Жабрланувчи ва гувоҳларнинг ижтимоий-психологик фазилатларига таъсир ўтказиш орқали психологик мулоқот (контакт) ўрнатилиши мумкин. Баъзан терговчи ўзига ишонч уйғотиш, жабрланувчи ва гувоҳларда суҳбатлашишга иштиёқ туғдириш, ўзи билан уларнинг майл-эҳтиёjlари, қизиқиш доиралари ўртасида умумийликни намоён қилиш орқали психологик контакт ўрнатишга эришади.

Терговчи гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўргазмаларига хайриҳоҳлик, ва ишонч билан муносабатда бўлиши шарт. У томондан қўполлик, истеҳзо, назар-писанд қиласмаслик, ишончсизлик, шошқалоқлик, эътиборсизлик каби муомала кўринишларига йўл қўйилиши тергов самарасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сўроқ қилинаётган киши воқеа тафсилотларини ўз билганича сўзлаб берганидан кейин, терговчи унинг

терговни қизиқтираётган ҳолатларни тилга олмаётгани ёки мавзудан четга чиқиб кетаётганини пайқаса, қўшимча, аниқлик киритувчи саволларни беради.

Жиноий ишлар тергов қилинаётганда кўпинча жабрланувчи, гувоҳларни тергов қилаётib улар айтиб бераётган воқеа содир бўлган аниқ вақтни тасдиқлаб олиш зарурияти туғилади. Терговчи сўроқ қилинаётган кишининг эсига туширувчи мулоҳазаси билан унга ёрдамлашиши мумкин. Ана шу мақсадда хронометраж усули ҳам қўлланади. Муқаддима тарзида гувоҳ ёки жабрланувчи учун хотирасидан учмайдиган биронта сана, воқеа эслатилади, сўнгра терговчи ўша куни унинг яна нималар билан шугуллангани, фаолиятининг мароми, муддатлари билан қизиқиб, шу орқали ўша кунни терговни қизиқтираётган дақиқаларгача вақт жадвалига солади.

Сўроқнинг якуний босқичида терговчи турлича воситалар: қўлёзма, машинка ёки компьютер ёзуви, аудио, видео ёзув билан сўроқ жараёнидә олинган маълумотларни қайд этиб, сўроқ қилинаётган кишига ёзма равишда топширади, у танишиб чиқиб, ўз имзоси билан баённома (протокол)даги маълумотларнинг аслига тўғрилигини тасдиқлайди.

Сўроқ мобайнида сўроқ қилинаётган кишининг кечинмаларини аниқлаб олиш мақсадида уни дикқат билан кузатиш лозим, негаки унинг ички кечинмалари ташқи қиёфасида, хулқ-атворида, эшитган маълумотларни қандай қабул қилишида, нутқининг хусусиятлари (маромида, мазмунига кўра боғлиқлиги, такрорлар, узуқ-юлуқлиги ва ҳоказо)да яққол кўзга ташланади. Мисол учун, рангнинг оқариши ёки қизариши, нутқ тезлиги ва маромининг ўзгариши, аудукланиш, қалтираш, тұхтамай гапириш, чала-чулпа сўзлаш, овозни баландлатиш ёки хаҳолай бошлиш, нафас олишининг тезлашиши ёки секинлашиши қаттиқ ҳаяжонланишдан далолат беради. Бундай психологик кечинмаларни қайд этиш сўроқ бераётган киши қай пайтда рост, қай пайтда ёлғон аралаштириб ёки

фактларни бүрттириб гапираётганини аниқлаб олишга күмаклашади.

## ГУМОНДОР ВА АЙБЛАНУВЧИНИ СҮРОҚ ҚИЛИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Суд ҳукми билан айби тасдиқлангунига қадар (айбсизлик презумпциясига күра) гумондор ва айбланувчи жиноятчи бўлиб ҳисобланмайди. Бирон бир жиноятда айбланаётган ёки гумонланаётган одам жиноятчи бўлиб чиқмаслиги ҳам мумкин. Гумондорга нисбатан айбланувчи одатда, жиноий иш ҳолати, тергов эга бўлган далил ва исботлар мазмунидан кўпроқ огоҳ бўлади. Бироқ дастлабки тергов пайтида гумондорда ҳам айбланувчидан ҳам ўхшаш психологик жараёнлар, ҳолатлар, ҳаяжон кузатилади, бунинг оқибатида ўзига хос хулқ-атвор намоён бўлади. Кўркув ҳисси одатда жиноий жавобгарликка жалб этилгунга қадар ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этган шахсада юзага қалқиб чиқади.

Жамоатчилик назорати, теварак-атрофдагиларнинг муносабати, эътирофлари ва мулоҳазаларига ҳатто жамиятта эътиқоди зид, бекарор кимсалар ҳам бефарқ қарамайди. Эл-юрт назаридан қолиш кучли мотив бўлиб, кўп жиҳатдан айбланувчининг хулқи-атворини идора қиласи. Сўроқда айбланувчи дилини руҳий тушкунлик ҳисси қамраб олган булиши, бўлган воқеани қариндошлари, яқин кишилари, дўстлари, ҳамкаслари, қўни-қўшнилари эшлишини ўйлаб изтироб чекиши мумкин. Бундай мотивни пайқаган терговчи сўроқ қилинаётган шахсга росмана ва тўлиқ кўргазма бериши зарурлигини уқтира олиши лозим. Факат мана шу ҳолатгина яқин кишилари уни маълум маънода тушунишлари мумкинлигига ишонтириши зарур.

Терговчи баъзан бошқа одамларнинг фикри билан мутлақо ҳисоблашмайдиган айбланувчилар (кўпроқ рецидивистлар) билан юзма-юз келишига тўғри келади. Улар айбсизлик презумпцияси тушунчасига қаттиқ

ёпишиб олиб, «құлға тушмаган үфри эмас» «ҳали айбни исботлаш керак» ва ҳоказо қоидаларни пеш қиладилар.

Айбланувчи хулқ-авторини озодликдан маҳрум бұлиш, одатдаги турмуш тарзидан айрилиб қолиш, жиноятчи маҳкумлар орасига тушиб қолишдан құрқув ҳисси туғдирадиган кучли психологик тушкунлик натижасыда шакланадиган мотив ҳам идора қилиши мүмкін. Бундай ҳиссиётлар айниңса, биринчи марта жиноят содир эттан шахсларга хосдир, улар жиноий жавобгарлик мазмунидан бехабар бұлғанлари туфайли үта тушкун кайфият гирдобида қоладилар. Баъзи бундай вазиятларда айбланувчи айбига иқрор бұлмаса, ёлғон күргазма берса, ҳибсга олиниш, қамоққа тушиш, озодликдан маҳрум этилиш ҳукмидан қутулиб қолишига умид боғлады. Шунга мувофиқ туғиладиган психологик ҳолат, нұқтай назарни терговчи бартараф этиши талаб қилинади. Бунинг учун айбланувчига унинг иқрорлигига ҳожат йүқлиги, далил-исботлар йифиндиси айбни бўйинга қўйищда ҳал қилувчи аҳамиятта эталиги, шунингдек айбига тўлиқ иқрар бұлиш, жиноятни с ишга кўмаклашиш суд учун айъни юмшатадиган ҳолат эканлигини тушунтириш зарур.

Юшган жиноий гурух таркибида содир этилган жиноятда айбланаётган шахс шерикларига ҳар хил муносабатда бўлади. Ўзига ҳомийлик қилиб, қўллаб-қувватлаб юрган шахснинг тагин ёрдам бериши, қўллаб-қувватлашидан умидвор бўлиб, унинг жиноятга тааллуқлилигини яширишга уринади. Тергов жараёнида, бир-биридан ажратиб қўйилган жиноий гурух аъзолари ўртасидаги юқорида қайд этилган ҳолатга асосланувчи муносабатлар аҳамиятини йўқотиб боради. Айбланувчидан ўзини жиноий гурухга қўшиб олган кимсаларга нисбатан нафрат уйғониб, кучайиб боради. Терговчи айбланувчининг ана шундай психологик ҳолатидан оқилона фойдаланиши даркор, унга жиноий гурухда ҳукм сурган муносабатларнинг асл моҳиятини, жиноятчилар ўртасидаги «садоқатлилик» ҳисси уйдирмадан бошқа нарса эмаслигини мантиқан далиллаб

бериши керак.

Кўпинча гумондор терговчи қандай далилларга эгалиги, унга нисбатан қандай эҳтиёт чораси қўлланиши, тергов ҳаракатлари қай тартибда ўтказилишдан бехабар бўлади. Бундай мавҳумлик, муаллақлик далилий ва психологик методларни қўллашнинг шарт-шароитларидан бўлиб ҳисобланади. Бироқ бунда ахлоқий ва маънавий меъёrlар ҳамда тамойилларнинг бузилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Одамнинг хулқ-атвори кўп жиҳатдан маълум бир пайтда бош миянинг катта ярим шарлари қобигидаги ҳар қандай таъсиротга ўта қўзғалувчан бўлган ҳамда бошқа асаб марказлари фаолиятига тормозлантирувчи таъсир кўрсата оладиган ҳукмрон қўзғатиш учори (доминанта)нинг кучига боғлиқ бўлади. Инсонда одатда доминанта ҳаётининг муайян дараражадаги жиддий палласида юз берған воқеа учун қайғуриши, қаттиқ ҳаяжонланиши, кўркув, умидсизлик ҳисларига берилиш туфайли туғилади.

Доминанта таъсири остида жиноятчи гўё унинг хавфсизлигини таъминлайдиган, фош этилишидан сақлайдиган ҳамда кейинги жазодан асраб қоладиган (кўпинча пала-партиш) ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга киришади. Унинг фаолияти ўзига хос ҳимояланиш тусини олади. Бироқ унинг айнан ана шу ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг эътиборини тортади, уни содир этилган жиноятга алоқадор, деб тахмин қилишлари учун асос бўлади. Бундай ҳатти-ҳаракатлар «хулқ-атвор далили» деб номланади.

Хулқ-атвор далиллари хилма-хил кўринишда бўлади. Улар орасида энг кўп учрайдиганлари чалғитувчи саҳналар, ёлғон (алиби) тасдиқ яратиш ва сохта мантиқий жавобларни тайёрлаб қўйишидир. Терговчини жиноят қидирув жараёнининг эътиборини тортадиган сохта изга солиб юборишга уриниш, жиноятчи шахси, жиноят мотиви тўғрисида уйдирма миш-мишлар тарқатиш, теварак-атрофдагиларни

жиноятта алоқаси йўқлигига ишонтириш мақсадида намойишкорона хулқ-атвор йўлига кириш, исбот талаб қилмайдиган далилларни келтириш («кўрмадим», «эшитмадим» ва ҳоказо) хулқ-атвор далилларига мисол бўла олади.

Жиноятчиларнинг жиноят содир этилгандан кейин хулқ-атворлари одатдагидан ўзгариб кетади: терговчи билан келишишга, уни гапга кўндиришга уринадилар, жабрланувчи ёки гувоҳларни сотиб олмоқчи бўладилар, ёлғон кўргазма беришдан қайтмайдиган шахсларни излай бошлайдилар, жиноят содир этилган жойга баъзан бир неча марта борадилар. Фақат айбдор билиши мумкин бўлган икир-чикирлардан бохабарлик уларга нисбатан шубҳа уйғотиши лозим.

Сўроқ қилинаётган кишининг шахсиятини тадқиқ этища, у билан мулоқотта киришишда терговчи ижобий фазилатларга, бошқача қилиб айтганда ушбу шахснинг ижтимоий аҳамиятга молик мавқеига алоҳида ўғу бериши керак. Терговчи сўроқ қилинаётган киши шахсиятининг қусурлари, камчиликларини яхши билса-да, уларни таъкидаш мақсадга мувофиқ эмас, зеро ўзаро психологияк контакт ўрнатиш ва ахлоқ (этика) ҳамда тактика нуқтаи назаридан бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Юқорида биз сўроқ жараёнида юз бериши мумкин бўлган муросасиз вазиятларни кўриб чиқдик. Энди ушбу жараённинг холисона аниқланган фактларни тан олиш, рост кўргазмалар беришга ҳозирлик билан ажralиб турадиган муросали вазиятларини таҳлил қиласиз.

Амалиётда кўпинча айбланувчи ўзига қарши ёлғон кўргазма берган ҳолатларда тергов боши берк кўчага кириб қолиши ёки нотўғри хulosса чиқаришга олиб келиши мумкин. Агар айбланувчи гашқи таассурот ва таъсиротларга бериладиган, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишдан ожиз, иродасиз, психик ҳаяжонланишга бардошсизлиги билан ажralиб турса, ўзига қарши кўргазмалар бериш эҳтимоли ортади. Бунинг энг

тарқалған мотиви ҳақиқий айбдорни күргазма берішдан халос қилишга уринищдир (яқин қариндошлиқ таъсирида ёки бошқа ҳиссиятлар остида). Айни чорда муайян гурұх манфаатларини күзлаб ёхуд құркүв натижасида ҳамда үзи ипсиз боғланиб қолған бирон-бир манфаатдор шахснинг таъсири остида қисман ёки ҳамма айбни үзининг бўйнига олиш мумкин.

Агар сўроқ қилинувчи иш бўйича аниқ-равshan маълумстларни атайлаб яшираётган ёки очиқдан-очиқ ёлғон сўзлаётган бўлса, терговчи унга нисбатан фош этиш методини қўллаши мумкин. Сўроқ қилинувчининг бирон бир фактни яшираётгани ёки очиқдан-очиқ ёлғон сўзлаётганини фош этиш тасдиқлаётган гаплари пучлиги, иш бўйича аниқланган фактларга тамоман зидлиги, ёлғонлигини исботлаб бериш демакдир.

Бунга далилларни намойиш этиш, зиддиятларни кўрсатиш, мантиқий далилларни қўллаш орқали эришилади. Терговчининг қўлида мавжуд бўлган айланувчига таъсир ўтказишининг барча қонуний методлари ва имкониятларини санаб чиқишининг имкони йўқ. Фақат шуни қайд этиш керакки, терговчининг қўрқитиш, жисмоний тазийқ ўтказиш, инсоний фурурни поймол қилиш, асоссиз ваъдалар бериш, алдаш ва шу каби «усуллар»ни қўллаши (собиқ СССР Бош прокурори Вишинский назариясига мос ҳолда иш олиб бориши) тақиқланади. Юридик психологиянинг фан сифагидаги вазифаси терговчиларнинг ижодий изланишлари самараларини назарий асослаб берішдан иборатдир.

## ТЕРГОВ ЭКСПЕРИМЕНТИ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ

Тергов эксперименти алоҳида процессуал ҳаракат бўлиб, мавжуд фактларни текшириш ва янги далиллар олиш мақсадида ўтказилади. Унинг мазмуни муайян шароитда ва маълум вазиятларда бирон-бир воқеа-

ҳодисанинг тафсилотларини аниқлаш мақсадида турли тажрибалар ўтказишдан иборатdir. Тергов эксперименти унинг қатнашчиларига психологик таъсир ўтказишнинг кучли воситаси бўлиб ҳисобланади. Унинг натижалари муайян ҳодисанинг юз бериши мумкинлиги ёки мумкин эмаслигидан далолат беради.

Эксперимент қатнашчилари, яъни уни ўтказувчиларни тўғри танлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Уларни ўтказища одатда кенг доирадаги шахслар жалб этилади. Экспериментда терговчи ва холислардан ташқари айбланувчи, жабрланувчи, турли соҳалар бўйича илм-фан мутахассислари, шунингдек, у ёки бу тажрибани ўтказишни таъминлайдиган техник ходимлар иштирок этишлари мумкин.

Эксперимент жараёнида жиноят куриниши, саҳнасининг айнан қайтарилиши тайёргарлик ва ўтказиш пайтида қатнашчилардан биронтасининг инсонийлик шаънига, гурурига таъсир этувчи ва поймол стувчи, шунингдек ҳаётлари ва соғликларига хавф солувчи хатти-ҳаракатларга олиб келмаслиги зарур. Масалан, номусга тегишга оид жиноий иш бўйича жабрланувчи иштирокидаги тергов эксперименти ўтказилмайди.

Тергов экспериментини ўтказиш учун бир қатор шарт-шароитларни ҳисобга олиш ва уларни яратиш талаб этилади. Хусусан текшириб кўрилаётган хатти-ҳаракатлар ёки воқеа-ҳодисаларга имкони борича ўхшаш моддий шарт-шароитнинг мавжуд бўлиши, субъектив психофизиологик омиллар такрорланиши, моделлаштирилган тажриба ҳолатларининг қайтарилиши мақсадга мувофиқдир.

Айрим ҳолларда айбланувчи, баъзан эса жабрланувчи ҳам муайян томондан манфаатдор бўлганларни учун тергов экспериментида қатнашишга розилик билдирадилар-у, воқеа-ҳодиса тўғрисида нотўғри қўрсатма беришга ёки чалғитишга ҳаракат қиласидилар. Бундай пайтларда тергов эксперименти натижалари ўта ҳушёрик билан баҳоланиши лозим.

Экперимент пайтида қатнашчилар мураккаб психологик ҳолатда бўладилар, бу уларнинг хатти-ҳаракатлари, нутқлари, ўзларини тутишларига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Эксперимент жараёнинг шарт-шароитлари, вазият, атрофда ийғилганлар таъсири натижасида баъзан эксперимент иштирокчилари воқеа содир бўлган пайтдаги ҳиссиётларни бошдан кечиришади ёки аксинча талмовсираб, довдираб қолишади.

Тергов экспериментининг бош мақсади - тажриба ўтказиш ва олинган натижаларни ҳаққоний баҳолашдан иборат. Эксперимент жараёнида терговчининг зиммасига тажриба ўтказишни уюштириш, назорат қилиб туриш, унинг қандай ўтаётганини қайд этиб бориш, олинадиган натижаларни баҳолаш юклатилади. Терговчи тажрибаларнинг сонини, такрорийлигини белгилайди. Тажрибаларнинг кўп маротабалиги тергов экспериментининг асосий талаблариданadir. Иккинчи талаб - тажриба шаклининг янгиланиши, яъни такрорланаётган кейинги ҳар бир тажриба биринчисидан бирмунча ўзгартирилган шароитларда ўтказилиши. Ўзгартирилган тарздаги тажрибалар ўрганилаётган объект ёки субъект ҳақида тўлароқ маълумот бериб боради.

Қонунга кўра қўйидаги ҳолатларда суд экспертизалари тайинланади:

- 1) ўлимнинг сабаблари ва тан жароҳатларининг характеристини аниқлаш учун;
- 2) гумондор ёки айбланувчиларнинг жиноят содир этилган пайтда ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера олиш-олмаслиги ёки идора қила олиш-олмаслигига, аникроғи руҳий согломлигига шубҳа туғилган кезларда уларнинг психик ҳолатларини аниқлаш учун;
- 3) гувоҳ ёки жабрланувчининг ишга алоқадор шарт-шароитларни адекват идрок қилиш ҳамда түғри кўргазма бериш қобилияtlарига шубҳа туғилган

пайтларда, уларнинг психик ва жисмоний соғломлигини аниқлаш учун;

4) иш учун аҳамиятли бўлган, лекин тегишли ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда айбланувчи, гумондор ва жабрланувчининг неча ёшга кирганини аниқлаш учун.

Қонунда суд-медицина, суд-психиатрик, суд-психологик ёки комплекс турдаги экспертизаларни тегишли мутахассислар- врач, психолог, психиатрлар таклиф қилиниб, улар иштироқида ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Кўлчилик ҳолларда экспертиза ўтказиш зарурияти терговчининг ихтиёри билан ҳал этилади. Бунга сабаб мазкур масалани ҳал қилиш унинг ваколатига киришидир.

Суд экспертизаларини тайинлаш ва уни ўтказиш чоғида терговчи ва эксперт ўргасидаги субъектив, психологик муносабат экспертиза натижасига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли уларнинг муносабатлари ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ишонч асосида қурилмоғи лозим. Агар давлат экспертиза муассасаси ҳудудиде зарур бўлган экспертизани ўтказиш имкони бўлмаса, бундай пайтда терговчининг ўзи ана шундай муассаса ва экспертни танлашда унинг савияси, холислиги, иш натижасидан манфаатдор эмаслиги ҳолатларини ҳисобга олиши лозим.

Суд экспертизалари амалиётининг кўрсатишича, экспертиза натижасига қуйидаги ҳолатлар таъсир ўтказиши мумкин:

1. Экспертга четдан кимдир нуқтаи назарини ўтказиши;
2. Хизмат лавозимидан фойдаланиб, психологик тазийқ ўтказиш;
3. Экспертга моддий манфаатдорликни таклиф этиш орқали таъсир ўтказиш;
4. Экспертиза тадқиқотлари муддатини қисқартиришни, тадқиқотнинг соддароқ метод ва турини қўллашни талаб қилиш ва ҳоказо.

Тергов амалиётининг кўрсатишича, асосан

шахснинг ҳаёти, эрки, шаънига нисбатан, мулкка, жамоат тартибига, жамоат хавфсизлигига, аҳоли соғлигига қарши, шунингдек, вояга етмаганлар содир этган жиноятлар бўйича суд-экспертизалари ўтказиш зарурати туғилади.

Диагностикага оид экспериментларни психолог иштироки ва унинг маслаҳатлари ёрдамида ўтказган маъқул, у тажрибаларнинг натижасига сезиларли таъсир кўрсатувчи хилма-хил психик ҳолатларни ҳисобга олишда терговчига катта ёрдам беради.

## СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЎТКАЗИШ

Суд-психологик экспертизаси Узбекистон ЖПКнинг тегишли моддасига биноан терговчи томонидан чиқарилган қарорга кўра тайинланади. Судда эса кўрилаётган ишда психологоқ мазмундаги вазиятларнинг мавжудлиги ҳақида ва уларнинг тергов жараёнида ўз ечимини топмаганлигига шубҳа туғилган ҳолатларда судья томонидан чиқарилган қарорга биноан суд-психологик экспертизаси тайинланади. Бу хилдаги процессуал ҳужжатларда экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган шахс, унинг содир этган жиноий хатти-ҳаракати ҳақидаги қисқача баённома ҳамда ушбу содир этилган жиноий хатти-ҳаракатда психологоқ мазмундаги ҳолатларнинг мавжудлигига асосланиб, суд-психологик экспертизасини тайинлаш зарурлиги түғриқидаги фикр акс этган бўлиши лозим. Шунингдек, ушбу ҳужжатда эксперт аниқланиб, унинг олдига ҳал қилиниши лозим бўлган саволлар қўйилиши керак.

Жиноят процессуал қонун талабларига кўра терговчи тайинланган барча экспертизаларда, жумладан суд-психологик экспертизаси ўтказиш жараёнида ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга. Бироқ қонунни инкор қилмаган ҳолда, бизнинг назаримизда, терговчининг суд-психологик экспертизасида қатнашшини ҳар доим ҳам

мақсадға мувофиқ деб бұлмайды. Чунки, айрим ҳолларда психологияк эксперимент үтказиш жараёнида терговчининг қатнашиши синаувчи учун тескари таъсир қилиши, яъни унинг күнглидаги фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин айта олмаслигига олиб келиши мумкин. Шунингдек, айбланувчи үз жиноятини тергов жараёнида тан олмаган бұлса, психологик экспертиза жараёнида жиноятни содир этганлигини бўйнига олиши мумкин. Бундай вазиятда эксперт айбланувчининг жиноятни содир этганлигини тан олганлигини таъкид یаб, жиноятнинг содир этилиш ҳолатларини экспертиза хулосасида кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Бизнинг назаримизда, психологик экспертизанинг бундай вазиятларни ёритиб бериши кўрилаётган ишнинг муваффақиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, унутмаслик керакки, психологик эксперт ушбу хулосаларни фақат ўрганилаётган айбланувчига нисбатангина бериши зарур. Агарда экспертиза учун қўшимча маълумотлар олиниши лозим бўлса, эксперт-психолог бошқа мутахассисларни ҳам экспертизага таклиф қилиш ҳуқуқига эгадир.

Суд фаолиятида суд-психологик экспертизасини тайинлаш ва уни үтказиш дастлабки тергов жараёнига нисбатан бир мунча фарқли хусусиятларга эгадир.

Шу үринда таъкидлаш жоизки, Жиноят процессуал кодексида эксперторларни судга чақириш тартиби бўйича муайян аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Айрим судьялар эксперторлар ишлаётган ташкилот ёки муассаса раҳбарига чақирув қофозини жўнатиш билан чекланадилар. Бизнинг назаримизда, эксперторларни суд ишига жалб қилиш бўйича ҳуқукий кўрсатмалар ишлаб чиқилиши ва эксперторларнинг хизмат ҳақи сифатидаги моддий манфаатдорлиги белгиланиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

Кузатувларимизга қараганда, эксперторларнинг хизмат ҳақи белгиланмаганлиги, моддий манфаатдорлиги кўрсатилмаганлиги учун уларни экспертиза үтказишга

жалб қилиш күпинча бироз қийинчилик билан амалга оширилмоқда.

Юқорида таъқидланганидек, судда суд-психологик экспертизасини үтказиш дастлабки тергов жараёнида үтказиладиган психологик экспертизага қараганда бир қатор үзига хосликтарга эгадир. Хусусан судда экспертизист психолог жиноят ишига тааллукли бўлган ҳолатлар бўйича, айбланувчининг жиноятни содир этганлигини исботлаш жараёнида, уни суроқ қилишда ва ҳоказоларда бевосита иштирокчи сифатида қатнашади.

У психологик тадқиқот жараёнига зарур бошқа кишиларни таклиф этиши ва иш юзасидан янги далилий кўрсатмаларни талаб қилиши ҳам мумкин.

Суд жараёнидаги психологик экспертизанинг үзига хос қийинчилик туғдирадиган томонларидан бири судда вақтнинг чегараланганилигидир. Психологик экспертиза үтказиш, маълумки, методика танлаш, уни үтказиш, қайта ишлаш ва хуносалар қилинцек бир қатор жараёнларни уз ичига олади. Бу эса уз навбатида маълум вақтни талаб қиласди. Шунинг учун эксперт-психолог суддан бироз танаффус (бир неча соат) сўраши мумкин. Суд-психологик экспертизасини тайинлашдаги муҳим жиҳатлардан бири эксперт танлашдир. Шунинг учун биз қуйида психолог эксперталар танлаш масаласи бўйича батафсил фикр юритиб ўтмоқчимиз.

1. Эксперт комиссияси таркиби камидан учта мутахассисдан иборат бўлиши лозим. Чунки, мутахассислар ҳамкор ва ҳамфир бўлиб биргалиқда ишлашади, бунинг натижасида экспертизадаги хатоликларнинг олди олинади.

2. Психологик экспертиза үтказишга 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган психологлар, шунингдек, олий укув юртларининг психология кафедрасида ишлаётган ходимлар ёки илмий тадқиқот институтларининг психолог илмий ходимлари жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

3. Эксперт комиссияси таркибида ҳукуқшунослик психологияси бўйича мутахассис ходим ҳамда ҳукуқшунос бўлиши шарт. Чунки, олий ўқув юртлари психология факультетларини тутатган психологлар кўпинча экспертизанинг ҳукуқий асосларига, процессуал моҳиятига таалуқди бўлган ҳукуқий тушунчаларни етарлича билмасликлари мумкин.

4. Катта ёшдаги шахсни суд-психологик экспертизасидан ўтказишга умумий ва ҳукуқшунослик психологияси мутахассисларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Вояга етмаган ёшларни суд-психолог мутахассиси билан биргалиқда болалар психологияси мутахассиси, кекса ёшдаги кишиларни эса геронтопсихология йўналишидаги мутахассислар иштирокида суд-психология экспертизасидан ўтказиш лозим.

Психологик-психиатрик комплекс экспертизасини ўтказиша комиссия таркибига умумий психология, тиббиёт психологияси, суд патопсихологияси мутахассислари ва 1-2 та психиатр киргани маъқул.

Тиббий-психологик экспертиза комиссияси таркибига эса юқоридаги мутахассислардан ташқари синаалувчининг касаллиги бўйича (агар у мавжуд бўлса) невропатолог, логопед, сексопатолог, окулист ва бошқа мутахассисларнинг қатнашиши айни муддаодир.

Психологик-техник экспертизалар инженерлик, меҳнат психологияси мутахассислари ва албатта техник мутахассис иштирокида ўтказилиши шарт.

Суд-психологик экспертизаси бир қатор босқичлардан иборат бўлади:

1. Экспертларнинг жиноятни исботлаш мақсадида ўтказилган жараёнидаги иштироки;

2. Тадқиқотни ўтказиш;

3. Хulosса учун аҳамиятли бўлган вазиятларни ойдинлаштириши;

4. Тадқиқот натижалари асосида хulosса қилиш ва хulosани баён этиши;

5. Экспертларни сўроқ қилиш.

Эксперт психолор вазифаси нүқтаи назаридан экспертизани ишга доир материални ўрганишдан бошланади. Шунингдек тақдим қилинган иш бўйича маҳсус адабиётлар билан танишиш ва методика танлаш жараёни ҳам амалга оширилади. Сўнгра дастлабки асосий эксперимент ўтказилади. Эксперимент натижаларини қайта ишлаш ва уни асослаш, хулоса қилиш ҳамда уни суд ёки терговга тақдим қилиш ҳам психолог-экспертнинг вазифасига киради.

Психологик экспертиза хуносасининг асослилиги, уни ташкил этиш, ўтказиш, тўғри методика танлаш мутахассисларнинг малакасига, назарий ва амалий билимiga боғлиқдир.

Кузатишларимизга қараганда, комплекс экспертиза ўтказишида психолог мутахассис иккинчи даражали экспертга айланиб қолади. Бунинг сабаби, биринчидан, психиатр врачларнинг психолог вазифасига ҳам билиб-бильмай аралашуви бўлса, иккинчидан экспертизанинг суд-психиатрия бўлимларида ўтказилиши табиий равишида психолог иштироки самарасининг тушишига олиб келади. Шу нүқтаи назардан таъкидлаш лозимки, экспертиза тайинланаётганда психологнинг вазифаси ва унинг олдига қўйилаётган савол алоҳида кўрсатилиши лозим. Шунингдек, юқоридаги ҳолатнинг келиб чиқмаслиги учун комплекс экспертиза комиссияси таркибига суд-психиатрия бўими ходимларини эмас, балки, муайян шифохоналарнинг психиатрларини тақлиф қилиб экспертизани ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай экспертиза комиссиясида экспертиза раҳбари бўлмайди, натижада барча аъзолар teng ҳуқуқлилик асосида фаолият юритадилар. Бу эса экспертиза юзасидан одилона, илмий асосли хулоса қилинишига олиб келади.

Экспертиза хуносасида психолог-эксперт олдига қўйилган саволлар кўрсатилиб, уларга аниқ жавоблар берилиши керак. Шунингдек, хуносада қандай методикалар қўлланилганини, у ким томонидан ишлаб чиқилганлигини ҳамда олинган натижалар қандай

хулоса қилинганлиги ҳақидаги фикр очиқ-оидин баён этилиши лозим.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиной жавобгарлик ишларида суд-психологик экспертизасини қўллаш бугунги қуннинг талаби бўлиб, у фақат кўрилаётган ишнинг одилона баҳоланишига, фуқаролар ҳақ-хуқуқларининг ҳимояланишига олиб келади.

## СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

Хуқуқшунослик амалиётининг кўрсатишича, жиной хатти-ҳаракатни қонуний жиҳатдан асослаш, айлов эълон қилиш қўшимча маълумотлар олишни талаб қилиб, кўплаб илм-фан соҳаларининг ҳамкорлиқда фаслият юритишини тақозо этади. Суриштирув, тергов ва судлов жараёнларида турли хил мутахассисларнинг иштирок этиши кўрилаётган ишнинг ўз гақтида якуnlанишига, унинг объектив ва қонуний тарзда баҳоланишига имконият яратади. Хуқуқшунослик амалиётида муҳим аҳамият касб этадиган ана шу шундай илм соҳаларидан бири психологик экспертизадир.

Психологик экспертиза жиноятнинг содир этилиш пайтида айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчиларнинг психологик ҳолати, шахс хусусиятлари, хулқидаги ўзгаришлар, ақлий ривожланиш даражаси, психик ривожланишнинг ёшига нисбатан мос ёки адекват эмаслигини, файриқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатларини англай олиш лаёқатини, ўз-ўзини бошқариш қобилиятининг издан чиқиш ва унинг сабабларини аниқлаш мақсадида ҳамда шу каби бир қатор ҳолатларда тайинланади ва керакли маълумотлар олинади.

Суд-психологик экспертизанинг предмети айбланувчи, судланувчи, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўргазмалари ҳаққонийлигини

тасдиқдаш эмас, балки суроқ қилинаётган шахснинг исботланиши зарур фактларни идрок қилиш, хотирасида сақлаш ҳамда баён этиш қобилияти бошдан кечираётган психолигик жараёнларга айнан мувофиқлигини аниклашдан иборатdir.

Суд-психологик экспертизасини тайинлашга таалуқли бўлган ҳолатларни янада яққолроқ баён этадиган бўлсак, айбланувчиларга нисбатан қуийдаги ҳолатларда психолигик экспертиза тавсия этилиши назарда тутилади:

1. Шахснинг ёш даврига кўра психик ривожланишдан орта қолишини, яъни психик ва ақлий ривожланиш даражаси ёшига нисбатан мос ёки мос эмаслигини аниклаш зарурияти туғилган ҳолларда;

2. Касалликни бошдан кечирган ёки айни пайтда руҳий хасталикка чалингган ҳолатларида;

3. Бошидан кечирган ёки айни чоғда соматик касалликларга, айниқса, инфекцион, сурункали ва даволаш қийин бўлган касалликларга дучор бўлган ҳолатларида;

4. Жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлувчи, жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ меъёrlарига зид хулқ, намоён бўлган ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлувчи айrim омиллар кўзга ташланиш ҳолатларида;

5. Ўз хатти-ҳаракатининг аҳамияти ва ахлоқий моҳиятини тушуниб етмаслик ҳолатининг мавжудлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлган пайтда;

6. Айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчининг бераётган кўрсатмаси унинг характер хусусиятига тўғри келмаётганлигига шубҳа пайдо бўлган ҳолатларда;

7. Ёзилган матн муаллифини аниклаш зарурияти туғилган пайтда;

8. Айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг шахс ва индивидуал-психологик, ёш ва ақлий ривожланиш даражасига кўра содир этилган жиноий ҳаракатнинг моҳиятини, оқибатини тушуниш ва аниқ баҳолай олиш

ҳамда тұғри күрсатма бера олиш лаёқатига эга әканлигини ойдиналаشتырышда;

9. Жабрланувчининг жинсий муносабатларга боғлиқ жиноят мазмун ва моҳиятини тұғри идрок қила олиш қобилиятини аниқлашда;

10. Вояга етмаган ёшдаги айбланувчининг ружий хасталикка боғлиқ бұлмаган ҳолдаги ақлий қолоқлик (психик ривожланишдан орта қолиш) хусусиятига күра үз хатти-харакатларига жавоб бера олиш қобилиятини аниқлаш заруриятида;

11. Касбий фаолиятни бажаришга тұсқинлик қилувчи турли хил психик ҳодисаларнинг юзага келиш әхтимолини аниқлашда (масалан, авиация, автоматика ва темир йүл транспортида, автоматик бөшқарувни ишлаб чиқариш оператори фаолиятида ишнинг меъёрий давом этишига тұсқинлик қилувчи психик ҳолатлар ёки ҳодисаларни үрганишда);

12. Жиноят содир этилиш пайтида айбланувчи онгига таъсир этувчи физиологик аффект ёки бошқа ҳиссий ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида;

13. Кишининг үз жснига қасд қилиш (суицид) пайтидаги психик ҳолатини тадқиқ этиш мақсадида.

Шунингдек, суд-психологик экспертиза жиноятнинг содир этилиш вактида шахснинг психологик хусусиятларини, жиной хатти-харакатнинг психологик мазмунини, содир этилган жиной ҳаракатта нисбатан айбланувчи ёки жабрланувчининг хатти-харакат, мақсад ва мотивини аниқлашда ҳам құлланилиши мумкин.

Бирок, суд-психологик экспертизаси жиноятнинг ёки мазкур ҳаракатнинг ҳуқуқий, тиббий, педагогик, фалсафий, эстетик томонларини ёритиш ва баҳолаш ваколатига эга әмасдир.

Қуйида суд-психологик экспертизаси асосий йұналишларидан айримларини таҳдил қилишга ҳаракат қиласым.

Содир этилган жиной хатти-харакат моҳиятини тұғри баҳолай олиш ва ушбу жиноят юзасидан тұғри

кўрсатма бера олиш лаёқатини аниқлаш.

Экспертиза жараёнида ушбу ҳолатларни аниқлаш учун айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчининг жиноятга дахлор бўлган маълумотлар, воқеа-ҳодисаларни эсда олиб қолиш, эсга тушириш ҳамда воқеани тўғри идрок этишнинг субъектив жиҳатларини тадқиқ этиш ишлари амалга оширилади. Кўпчилик ҳолларда суд ёки тергов жараёнида айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг бу хусусиятларини аниқлаш ва ойдинлаштириш зарурияти келиб чиқмаслиги мумкин. Аммо аксинча бўлган пайтларда жиноий иш жараёнига психолог мутахассиснинг иштироки зарур бўлиб қолади.

Терговчи ёки судьянинг жиноий хатти-ҳаракат ҳақидаги қарашлари айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг жиноий ҳаракат юзасидан берган кўрсатмаларига асосланади. Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, жиноий ҳаракатнинг тўлақонли баҳоланиши учун мавжуд далиллар етарли бўлмайди. Суд-психологик экспертиза жиноий ҳаракатга дахлор бўлган воқеа-ҳодисаларни айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар қандай баён этаяпти, воқеалар уларнинг хотирасида сақланиб қолган бўлса, қандай эслаяпти ёки эслай олмаяпти каби психик ҳолатлар юзасидан келиб чиқадиган саволларга психологик усуllар орқали жавоб топади.

Суд-психологик экспертизаси айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар томонидан берилётган кўрсатмалар шакланиши ҳар бир босқичининг моҳиятини, унинг якутий натижага қай даражада таъсир этишини аниқлаши мумкин. Алоҳида ҳолларда айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг у ёки бу ҳолларни тўғри идрок қилиши кўрсатма бера олиши ёки бера олмаслиги лаёқатини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Мисол тариқасида талаба М.нинг иши буйича ўтказилган психологик экспертиза мазмуни билан танишиб чиқамиз. Талабалар ётоқхонаси коридорида А.

ва М. ўртасида жанжал келиб чиқади. Жанжал ва муштлашишни биринчи бўлиб А. бошлайди. Ўша ерда ҳозир бўлганлар уларни ажратадилар. Шу орада М. хонасига кириб, ошхона пичорини олиб чиқади ва ўша жойда А. танасининг юқори қисмига беш маротаба пичноқ уради. Кейинчалик айбланувчи терговчига бир марта пичноқ урганидан кейин ҳеч нарсани эслай олмаслигини айтади. Бироқ, жиноят содир этилган пайтда воқеа жойига етиб келган милиция инспекторига воқеани бошдан -охиригача аниқ ва мантиқан асосли ҳолда баён этиб беради.

Эксперт комиссияси низоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаб, мотивлари ҳамда айбланувчининг шахс хусусиятларини ўрганиш натижасида унинг хотирасида воқеа ҳақидаги таассуротлар содда боғланишлар асосида сакланиб қолганлигини ва М. эсга туширишнинг суст темпи асосида воқеа-ҳодисаларни эслай олиши ҳақидаги холосага келади.

Эксперт комиссияси етказилган тан жароҳати туфайли травматик амнезия (хотира касаллигининг ўзига хос кўриниши)нинг юзага келганлигини инкор қиласди. Яъни айбланувчи хотирасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди ва у бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни тўлалигича эслаш, эсга тушириш қобилиятига эгадир, деган холоса берилди.

Одатда эслаб қолинаётган ахборотнинг тўлиқлиги, воқеликни тушуниш, воқеанинг содир этилган вақтини, жойини идрок қилиш ҳиссий реакция ва шахснинг соғлиғига ҳам боғлиқ бўлади. Шунингдек, шахснинг маданияти, дунёқараши, ижтимоий аҳволи, ривожланганлик даражасини эсда олиб қолишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Вояга етмаганлар ва кичик ёшдаги гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг иш юзасидан берадиган кўрсатмалари алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар хаёлот, фантазияга мойилликлари, бўрттириш, кўрганларини сўз орқали тўғри ва аниқ ифодалай олмасликлари туфайли кўрсатма беришда кўпинча реал воқеаликдан

йироклашадилар. Айнан шу ҳолатда уларнинг бераётган кўрсатмалари қанчалик түғри ёки нотўрилигини, ҳақиқатга яқинлигини аниқлаш учун психолог мутахассиснинг хулосаси зарурдир.

Жиноий ҳаракат содир этилаётган пайтда физиологик аффект ва бошқа эмоционал ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд бўлмаганлигини аниқлаш.

Хукуқшунослик фанида кучли руҳий ҳаяжонланиш тушунчаси мавжуд бўлиб, у психологиядаги физиологик аффект тушунчасининг синонимидир.

Кишини тезда чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтиб кетадиган жараёнлар аффект (ҳиссий портлашлар) деб аталади. Улар онгнинг анчагина даражада ўзгарганлиги, хатти-ҳаракатларни назорат қилишнинг бузилганлиги, одамнинг ўзини идрок қила олмаслиги билан ажралиб туради. Аффектлар кишидан бирданига катта куч талаб қилиши учун ҳам қисқа муддатли бўлади. Улар кишининг бамисоли бирдан лов этиб ёниб кетиши билан характерланиб, ҳис-туйғуларнинг портлашига, бир зумда ҳамма ёқни тўс-тўполон қилган бўронга ўхшайди.

Аффект ривожланиш жиҳатидан бирин-кетин алмашиниб турадиган турли босқичларга эгадир. Ҳаддан ташқари дарфазаб бўлган, ваҳима босган, ўзини йўқотиб қўйган, умидсизликка берилган киши айrim пайтларда оламни ҳар хил акс эттиради, кечинмаларини турлича ифодалайди, ўзини турлича идора қиласди ва ҳаракатларини бошқаради.

Киши аффектив ҳолатининг бошланишида барча арзимас ва шу билан бирга амалий жиҳатдан муҳим нарсалар истаса-истамаса бир четта суриб қўйилади. Одамдаги ифодали, мулоҳазали саъй-ҳаракатлар тобора bemuloҳаза тус ола бошлайди. Кучли зўриқиш натижасида киши хатти-ҳаракатларини бошқариш қобилиятини йўқота бошлайди. Индуктив тормозланиш бош мия ярим шарлар қобигини кўпроқ даражада эгаллай бошлайди. Бу тафаккурнинг издан чиқишига олиб келади. Натижада хатти-ҳаракатларни англаш

фаолияти издан чиқиши мумкин. Қобиқ ости йўларида қўзғалиш кучая бошлайди. Киши кечирилаётган ҳистайғуларга - ваҳима, ғазабланиш, умидсизлик ва шу кабиларга берилишга кучли истак сеза бошлайди. Бундай босқичда ақли расо киши ўзини тийиши, ўзини ўзи идора қила олиши мумкин.

Ҳиссий портлаш рўй берган тақдирда, унинг кейинги босқичларида киши ўзини тута олмай қолади. Қилаётган ишининг оқибатини ўйламайди ва ақл-ҳушини йўқотиб қўяди. Тормозланиш мия қобигини эталлаб олади ва кишининг тажрибаси, унинг маданий ва маънавий негизлари мустаҳкамланган, муваққат боғланишлар таркиб топган тизимни ишлатмай қўяди. Аффектив вазиятдан кейин кишида ҳолдан тойиш, мажолисизлик, барча нарсаларга бефарқлик билан муносабатда бўлиш, ҳаракатсизлик ҳолатлари кузатилади.

Психологик таърифга кўра, аффектив ҳолатга яқин турадиган, лекин давомийлигига кўра кайфиятларга яқин бўлган ҳис-туйғулар бошдан кечирилишининг алоҳида шакли-кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолати ҳам мавжуд (инглизча stress-зўриқиши). Кучли ҳаяжонланиш хавф-хатар туғилган, киши хафа бўлган, уялан, таҳлика остида қолиб кетган ва шу каби вазиятларда юзага келади. Кишининг кучли ҳаяжонланиш вақтидаги ҳолати хатти-ҳаракати, нутқининг бетартиб тарздаги фаоллигида намоён бўлади. Бошқа бир пайтларда эса стресс қатъият билан ҳаракат қилиниши керак бўлган ҳолатларда сусткашликка йўл қўйиладиган вазиятлар билан белгиланади. Кучли ҳаяжонланиш ҳолатида индивиднинг хатти-ҳаракати хусусиятлари киши нерв тизимининг кучига боғлиқ бўлади.

Психология ва психиатрияда аффект физиологик ва патологик аффект сифатида алоҳида-алоҳида ҳолда ўрганилади.

Патологик аффект -эмоционал портлаш тариқасида намоён бўлиб, унда инсон ўз хатти-ҳаракатларини

бошқаролмайди за қилмишлари учун жавоб ҳам беролмайди. Бундай пайтда кишининг онгидаги қандайдир битта етакчи фикр ҳукмрон бўлади. Тузатилмас ғамташвиш, аччик алам, гина патологик аффектни келтириб чиқариши мумкин. Патологик аффект бутун хатти-ҳаракатни бошқариб боради.

Физиологик аффект ҳам эмоционал характерга эга бўлиб, у ҳар хил хиссий хавотирлар, ташвишлар натижасида юзага келади. Бундай ҳолатда кишида онгнинг бузилиши ва кейинчалик амнезия келиб чиқиш эҳтимоли бўлади. Физиологик аффект учун иродада сусайиши, ақл ва онгнинг торайиши хосдир. Физиологик аффектни психологик ва психиатрик комплекс экспертиза аниқлайди.

Қуида физиологик аффект ҳолатининг юзага келиши асосида содир этилган жиноий ҳаракат ва унга нисбатан ўтказилган психологик экспертиза хулосасини келтириб ўтамиз.

Воқеа шундай бўлган эди. Айбланувчи фуқаро Н. ўз турмуш ўртоғини пичоқ билан бир неча маротаба уриб ўлдиради. Тергов материалларидан маълум бўлишича, қотиллик содир бўлган куни айбланувчи фуқаро Н. нинг турмуш ўртоғи, яъни жабрланувчи фуқаро Р. ишдан сўнг уйига келавермайди. Бундан хавотирланган Н. хотинининг ишхонасига боради. Рафиқасини топа олмагач, хотини билан олдиндан таниш бўлган фуқаро Б. нинг ишхонасига телефон қилиб, унинг шу кечаси навбатчиликда эканлигини аниқлайди. Хотини билан фуқаро Б. нинг ишқий муносабатлар ўрнатиб юриши ҳақида миш-мишларнинг рост ёки ёлғонлигини аниқлаш мақсадида Н. ўша кечаси фуқаро Б. нинг ишхонасига боради. Фуқаро Н. у ерда хотинини фуқаро Б. билан ярим ялангоч ҳолда майшат қилиб ўтиришган пайтда ушлаб олади. Қўққисдан пайдо бўлган эрини кўриб Р. хонанинг деразасидан тушиб қочади. Айбланувчи Н. хотинининг орқасидан қувиб етгач, танасига бир неча маротаба пичоқ санчиб, уни ўлдиради.

Ушбу содир этилган жиноий хатти-ҳаракат психологик жиҳатдан таҳлил қилиб кўрилганда, айбланувчининг жиноят содир этилиш пайтидаги ҳолатни, атрофдаги кишиларни, айнан воқеа содир этилган жойни, пичоқ ураётган пайтда хотини қандай кийимда бўлганлигини, пичоқнинг кўринишини ва шу каби деталларни эслай олмаслиги маълум бўлди. Бу эса унинг жиноят содир этилган пайтда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганлигини кўрсатади. Хотини ва фуқаро Б. ўртасидаги ишқий муносабатларнинг бир неча йиллардан бўён давом этиб келаётганлиги тўғрисидаги гумоннинг ўз тасдифини топгани натижасида жиноят содир этилиш пайтида Н. кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини бошдан кечирган.

Айбланувчи билан хотини ўртасидаги психологик муносабат, муомала сурункали равишда таранглашиб келган ва айтиш мумкинки, юқоридаги жиноятнинг келиб-чиқишига муайян шароит яратган.

Айбланувчи хотинининг ноахлоқий хатти-ҳаракатлари борасидаги миш-мишлар юзасидан у билан бир неча маротаба ўзаро сухбат ўтказган. Агар эл орасида юрган гаплар рост бўлса, бу ишни ташлашга ундалган. Р. ўзининг ҳалол-покиза аёл эканлигини таъкидлаган ва шунга қарамасдан Б. билан дон олишиб юришини давом эттираверган. Гап-сўзлар, миш-мишлар айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида низоли вазиятнинг кескинлашувига, руҳий таъсир даражасининг ортишига олиб келган. Оқибатда хиёнатга гувоҳ бўлгандан кейин ушбу ҳолат айбланувчи томонидан кечириб бўлмас даражада қабул қилинади, Н. хатти-ҳаракатларини бошқариш қобилиятининг издан чиқишига олиб келади ва шу асосда жиноят содир этилади.

Айбланувчининг шахс хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалардан маълум бўлишича, у интероверт (ички) хусусиятли, нерв тизими кучсиз, психик темпи суст ва шу каби сифатларга эга шахс бўлган. Унда ҳадиксираш, хавотирланиш, безовталаниш ҳолатлари даражаси анча юқори бўлиб, совукқонлик,

бамайлихотирлик ҳолатлари кузатилмайди. Бундай хусусиятларнинг намоён бўлиши айбланувчида низоли вазият таъсир даражасининг ҳаддан ташқари ортиб кетганинидан далолат беради. Эр сифатида шахс фурурининг, номусининг топталиши эса айбланувчида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг юзага келишида бош сабаб ролини ўйнаган.

Эксперт хulosасига кўра айбланувчи фуқаро Н. жиноий хатти-ҳаракатни содир этаётган пайтда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлғанлиги туфайли хатти-ҳаракатларини бошқара олиш қобилияти издан чиққан ва шу асосда жиноят содир этган. Табиийки, бундай вазиятда агарда айбланувчи манфаатини инкор этувчи бошқа ҳолатларга дуч келинмаса, жазо чораси енгиллаштирилган тарзда белгиланади.

Хуқуқшунослик амалиётида кўрилаётган жиноят, фуқаролик ишларининг кўпчилигида қуйидаги психологик мазмундаги омиллар ва кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига таалукли вазиятлар учрамоқда.

Фуқаро А. ва Б. ўргасида юзага келган тортишув, жанжал натижасида фуқаро Б. оғир тан жароҳати олади. Ушбу ғайриқонуний хатти-ҳаракат юзасидан табиийки, жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракати олиб борилади. Тергов ва суд жараёнида айбланувчи, жабрланувчи ҳамда гувоҳларнинг жиноий ҳаракат ҳақида берган кўргазмалари, маълумотлари терговчи ва судья томонидан ўрганиб чиқилади. Ўрганиш жараёнида айбланувчи фуқаро А. жиноий ҳаракатни амалга ошираётган пайтда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган бўлса, бу унинг ўз хатти-ҳаракатини бошқара олиш қобилияти издан чиқишига олиб келган ёки олиб келмаганлиги ойдинлаштирилади. Бу масалага аниқлик киритилиши албатта терговчи ёки судьядан талаб қилинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жиноий ва фуқаролик судлов ишларида психологик мазмунга эга бўлган омилларни англаб етиш учун терговчи ва судьяда катта тажриба, назарий билим бўлиши зарур. Шу боисдан бўлса керак, ҳуқуқшунослик амалиётида

тажрибасиз мутахассислар олиб борган баъзи ишларда гарчанд ишнинг моҳиятида психолигик мазмундаги муаммолар бўлса-да, суд-психолигик экспертизаси тайинланмайди.

Табиийки, психологиянинг ёрдамисиз терговчи ёки судья вояга етмаган шахс ёхуд ўсмирнинг жиноий аҳамият касб этувчи фаолиятига ёшига хос аломатларнинг нечоғли таъсир кўрсатганини аниқлаб ололмайдилар. Аффектив ҳолат жабрланувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жиноятнинг айрим қисмларини квалификация (малака)лашда айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқлаш эксперт психолог ваколатига киради. Аффектив ҳолатнинг давомийлиги, интенсивлиги ва механизмини суд-психолигик экспертиза методлари билан тадқиқ этиш дастлабки тергов хуносаларининг илмий асосланганлиги ва далилланишини таъминлади.

Жиноят содир этилган пайтда киши хулқатворининг алоҳида хусусият касб этишига сабаб бўлган бошқа ҳолатларни таҳдил қилиш ҳам суд-психолигик экспертиза ваколатига киради. Аффектдан ташқари уларнинг қаторига чарчоқ, қаттиқ қўрқув, оғир мусибат ва ноҳушликлар натижасида келиб чиқадиган тушкунлик (депрессия) ва ҳоказо ҳолатларни киритиш мумкин.

Тергов ва суд амалиётида туғиладиган психолигик муаммоларни ҳал қилиш эксперт психолог олдига бир қатор қўшимча талабларни қўяди. Чунончи, у процессуал қонуннинг эксперт тадқиқотларига оид қисмини, дастлабки тергов суриштирувининг маҳсус шартларини билиши лозим.

## СУД-ПСИХОЛОГИК ВА СУД-ПСИХИАТРИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРИ.

Хұқықшунослик амалиётида экспертиза хизматини йүлга қўйиш, холосаларни олиш психология, психиатрия ва ҳұқықшунослик фанларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишини тақозо этади. Худди шунингдек, суд-психиатрик экспертизаси ҳам бу илм соҳаларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари орқали амалга оширилади.

Кузатишлиаримизга қараганда тергов ва суд жараёнларида суд-психологик ва суд-психиатрик экспертизаларини тайинлашща баъзан англашилмовчиликларга дуч келинади. Яъни айrim ҳолларда масаланинг моҳиятини тушунмасдан туриб психологик ёки психиатрик экспертиза тайинлаш ҳоллари кузатилади. Табиийки, бундай ҳолат тергов ва суд жараёнларининг объектив олиб борилишига ва баҳоланишига ҳамда ўз муддатларида яқунланишига салбий таъсир кўрсатмасдан колмайди. Шу мақсадда биз суд-психологик, суд-психиатрик экспертизаларининг вазифалари, уларни тайинлаш ҳолатлари, бир-биридан фарқи ҳақида қўйида фикр юритишини мақсадга мувофиқ деб топдик.

Суд-психологик экспертизасининг вазифаси тадқиқотчи М.М.Коченовнинг таъкидлашчича, руҳий жиҳатдан соғлом бўлган айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчиларнинг жиноят содир этиш пайтидаги ва тергов жараёнидаги психик фаолиятини, психологик ҳолатини, шахс индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишдан иборатdir. Психолог эксперт экспертиза ўтказиш жараёнида фақат ушбу жиҳатларни тадқиқ этади. Бироқ, айrim ҳолатларда судья ёки терговчининг сўровига асосан эксперт психолог айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчиларнинг психик фаолиятлари ҳақида қўшимча маълумот бериши ҳам мумкин.

Суд-психологик экспертизасини тайинлаш

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг тегишли моддасига асосан, яъни иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан-техника, санъат ёки касб соҳаси буйича мутахассис ўтказадиган маҳсус текширишлар орқали олиши мумкин бўлган ҳолатларда амалга оширилади. Терговчи, судья ёки холисларнинг бундай билимларга эга булиши психолигик экспертиза тайинлаш заруриятидан озод этмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг экспертиза тайинлаш ва уни ўтказишининг шартлиги тўғрисидаги моддасининг тегишли бандида таъкидланганидек, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатни содир этаётган пайтда ўз хатти-ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиной жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят жараёнида кўрсатмалар бериш ҳамда ўз ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини ўрганиш зарурияти туғилган ҳолларда суд-психологик экспертизаси тайинланиши ва ўтказилиш лозимdir.

Олиб борилаётган тергов ва суд ишларининг мазмунида психолигик характердаги жиҳатлар кўзга ташланган пайтда Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг экспертиза тайинлаш ва экспертиза хулосаларининг ҳукуқий талабларини ифодаловчи муайян моддаларига асосланиб, психолигик экспертиза тайинлангандан сўнг эксперт фақат ўз олдига қўйилган саволларгагина жавоб беради. Ҳукуқий, ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий мазмундаги саволларга эксперт психолог жавоб бериш ваколатига эга эмас. Аммо айрим пайтларда, яъни судлов ишларининг объектив баҳоланишига ёрдам берадиган ҳолатларда эксперт психолог айбланувчи, жабрланувчи ёки суд жараёнидаги иштирокчи томонларнинг шахси (психолигик қиёфасига)га умумий психологик тавсифнома бериш мумкин. Шунингдек, эксперт психолог суд жараёнида иштирок этиб,

томонлардан тушган саволларга жавоб бериш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Жиноят иши жараёнига алоқадор бұлған шахсларнинг психик аномаллик (рухий носоғломлик) хусусиятларини үрганиш, тәдқиқ этиш суд-психиатрик экспертизаси вазифасига киради. Бирок, айрим ҳолатларда аномаллик хусусиятларига зерттеуден шундай муаммолар юзага келиши мүмкінки, бундай саволларга жавоб берішде криминал патопсихология соҳаси мутахассисларига мурожаат этишге туғри келади. Бундай пайтда суд-психологик ва суд-психиатрик комплекс экспертизаси тайинланади. Баъзан шахснинг руҳий жиҳатдан соғломлик ва носоғломлик даражаларини аниклаш шу даражада қийинчилик туғдирауды, бундай вазиятни биргина психолог ёки психиатр тушунтира олмайды. Табиийки, айни ҳолатларда ҳам суд-психологик ва суд-психиатрик комплекс экспертизаси тайинланилади.

Комплекс суд-психологик ва психиатрик экспертизаси зиямасига жавоб топиш учун қуйидаги мазмундаги саволлар қўйилиши мумкин:

- кучли руҳий ҳаяжонланиш (физиологик аффект) ҳолатини аниклаш;
- ақлий жиҳатдан орқада қолиш хусусиятини тәдқиқ қилиш;
- шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш ва идора қилиш қобилиятини үрганиш;
- жиноят содир этилиш пайтида айбланувчи, жабрланувчи шахси хусусиятларидаги ўзгаришларни, хулқ оғиш нормаларини таҳдил қилиш;
- жиноятни амалга оширишга ундовчи психологик омилларни, мотивларни аниклаш;
- ўлимдан кейинги шахс хусусиятларини патопсихологик омиллар асосида тавсифлаш;
- жиноят иши материаллари ҳамда ижтимоий-психологик омиллар асосида жиноятчи шахснинг патопсихологик қиёфасини тузиш ва ҳ.к.

**Психиатрик мазмундаги саволлар:**

- жиноятчининг ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини англаб этиш ва унга жавоб бера олиш хусусиятини, яъни руҳий жиҳатдан соғлом ёки носоғломлигини аниқлаш;

- ақлий ривожланишдан орқада қолишнинг руҳий жиҳатдан носоғломликка боғлиқлигини тадқиқ этиш ҳ.к.

Суд-психологик ва суд-психиатрик экспертизасининг бир-биридан фарқи улар ўрганаётган объектнинг мазмун ва моҳияти, тадқиқот предмети билан белгиланади. Яъни руҳий жиҳатдан соғлом бўлган шахсларнинг жиноий хатти-ҳаракатни содир этиш пайтидаги психологик ҳолати (физиологик аффект)ни, шахс хусусиятлари, шахсдаги ўзгаришлар, хулқ оғиш нормалари, жиноятни содир этишга ундовчи ички психологик мотивлар, ўз-ўзини бошқара олиш ва идора қилиш қобилиятини ўрганиш психологик экспертиза предметига киради.

Суд-психиатрик экспертизаси эса аномал яъни, руҳий жиҳатдан носоғлом бўлган шахсларнинг жиноятни содир этиш вақтидаги ҳолатини ўрганиш ҳамда жиноятни амалга оширган шахс руҳий соғломлик даражасига кўра ғайриқонуний ҳаракати учун жавоб бера оладими ёки йўқми? деган саволларга жавоб топиш мақсадида тайинланади.

Психологик экспертиза хуносаларининг ишончлилиги ва илмий жиҳатдан асосланганligини таъмин этиш учун экспертиза ўтказиш жараёнида бир қатор психологик методлардан фойдаланилади. Шахс хусусиятларини ўрганишда проектив методлардан сұхбат, анкета, тест методлари кўлланилади. Ушбу методларни қўллаш орқали айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчиларнинг жиноят содир этилган пайтидаги психологик ҳолатларини ҳамда улар томонидан яширишга ҳаракат қилинган жиноятта даҳлдор маълумотларни олиш имконияти яратилади. Шунингдек, жиноятчининг шахс хусусиятларини, физиологик аффектга мойиллилик даражасини, генетик

хусусиятларини ўрганишда ҳам психологик методлардан фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин. Масалан, америка олимлари томонидан яратилган MMPI тести орқали айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчилар хатти-ҳаракатларининг ноадекватлигини (мос эмаслигини), депрессивлигини, истерик ва шизоидлигини (рухий жиҳатдан нософломикка мойиллигини) аниқлаш мумкин. Роршах тести орқали эса ақлий ривожланиш даражасининг ёшга мос ёки мос эмаслиги, шахснинг аффектга мойиллиги ва характер хислатлари аниқланади. Ханин ва Спилберг тестлари орқали жиноятчининг шахс хусусиятлари, импульсив (қўзғалувчанлик)лиги, хавотирланиш, безовталаниш ҳолатлари ўрганилади.

Хукуқшунослик амалиётида ушбу тестлардан бугунги кунда кўплаб хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатлари, жумладан Америка, Франция, Англия, Япония, Россия, Эстония, Украина ва бошқа давлатларда жиноий жавобгарлик ишлари ва фуқаролик ишларида кенг миқёсда фойдаланилиб келинмоқда. Республикамизда эса бу соҳада дастлабки қадамлар қўйиляпти. Республикамиз хукуқшунослик амалиётида суд-психологик экспертиза хизматини йўлга қўйиш, эксперт хулосаларини олишда психологик методлардан фойдаланишини жорий этиш демократик, хукукий тамойилларга асосланган мустақил республикамизда қонун устуворлигининг таъминланишига, инсон ҳақ-хукуқларининг ҳимояланиши ва судлов ишларининг одилона баҳоланишига олиб келиши шубҳасизdir.

## СУДЛОВ ИШЛАРИДА СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Суд психологияси билиш, амалий ва тарбиявий фаолиятлардан иборат бўлади. Дастлабки терговда билиш асосий фаолият бўлиб ҳисобланса, судда амалий фаолият асосий бўлиб, у ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Маълумки, суднинг асосий мақсади амалий, зарурий маълумотларни олиш ва шу асосда хукм чиқаришдир. Судда билиш фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, дастлабки терговнинг маълумотлари муайян вақт ўрганилади ва муҳим воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар тергов якунида акс эттирилади. Ушбу ҳолат суд ишининг дастлабки идрок қилиш жараёнини ҳамда тўпланган маълумотларни осонлик билан англаш имкониятини беради.

Судда вақтнинг чекланганлиги маълумотларни идрок ва таҳлил қилишда алоҳида диққат-эътибор, фаолликни талаб қиласди. Идрок этилаётган зарур маълумотларни қатъий назоратда тутиш орқали бунга эришилади. Тегишли назорат усули қўлланилмаса керакли ва кераксиз маълумотлар оқими кучайиб, оқибатда судьялар уларни таҳлил қилишга улгурмай қоладилар. Бу эса ишга алоқадор бўлган айрим фактларнинг умуман идрок қилинмаслиги ёки чала идрок қилинишига олиб келади. Бу ҳолат айниқса судьялар жиноий ишларни маслаҳатчилар иштирокида кўриб чиқаётганларида яққол намоён бўлади. Шунинг учун судья ва суд маслаҳатчилари ўртасида билиш, идрок этиш ва фаолият учун зарур психик ва жисмоний куч-ғайрат баравар тақсимланиши лозим.

Судда жиноий иш кўрилишида суд таркибидан ташқари прокурор, адвокат, фуқаролик даъвогари, фуқаролик жавобгари, эксперtlар, судланувчи ва ҳоказолар томонидан жиноий хатти-ҳаракат тафсилотларини англаш, ҳис этиш, идрок қилиш жараёnlари амалга ошади. Қатнашувчиларнинг ҳар бири процессуал мавқе нуқтаи назаридан, ўз субъектив ҳуқуқларидан келиб чиқиб фактларни турлича, ўз билганларича изоҳлаб таҳлил қиласдилар.

Суд фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, аввалига ҳар бир судья, иштирокчилар томонидан субъектив идрок жараёнида конструктив фаолият амалга оширилади. Сунгра бу коллегиал хукм чиқарилиши билан якунланади. Суд ўз фаолиятини

айбдорга жазо тури ва муддатини белгилаш ҳамда жазони ўташ билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан тутгаллаши лозим.

Суд жараёни ўзига хос тарбиявий таъсирга ҳам эга бўлиб, унинг натижаси шунда кўринадики, қатнашувчилар алоҳида олинган бир фактни у ижобий ёки салбий ҳис-туйгулар уйғотишидан қатъи назар, очиқ, равшан ва конкрет идрок қиласидар, кишиларда турли вазият, ҳолатга нисбатан муносабат шаклланиши ёки ўзгариши мумкин.

Ҳар бир судья муайян гурух одамларнинг билвосита тарбиячисидир. Судья доимо суд мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида туради, унинг ҳар бир сўзини, ҳатто имо-ишораларигача йифилганлар эътибор билан баҳолаб борадилар. Шунинг учун судья адолатпарвар, объектив, совуққон ва вазминлиги билан ажралиб турмоғи лозим.

Бир қарашда суд-психологик экспертизаси хизмати фуқаролик ишларида унчалик зарур эмасдек туюлади. Чунки кўпчиликнинг назарида суд-психологик экспертизаси фақатгина айбланувчи ва жабрланувчининг жиноят содир этилиш пайтидаги физиологик аффект, яъни руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини аниқлаш мақсадида тайинланади. Лекин суд-психологик экспертизасини амалиётта кенгроқ татбиқ этиш хусусидаги фикр-мулоҳазалар, тавсияларни ўрганадиган бўлсак, психологик экспертизадан нафақат жиноий жавобгарлик ишларида балки, фуқаролик судлов ишларида ҳам кенг миқёсда фойдаланиш мумкинлигига амин бўламиз.

Фуқаролик судлов жараёнида судланувчи ва гувоҳлик берувчиларнинг эмоционал ҳолати, суд жараёнига нисбатан муносабати, вазиятни англаб ета олиш лаёқати ва шу кабиларни аниқлаш психологик экспертиза хулосаси асосида амалга оширилади. Масалан, фуқаролар ўртасида тузилган шартномани оладиган бўлсак, бунда икки томон ҳам бу шартнома моҳиятини, унинг кучга кириши натижасида келиб

чиқадиган оқибатларни тұла аңграб еттан ҳолда тузылмаган бұлса, бундай шартнома суд қарорига күра ноқонуний деб топилиши мүмкін. Чунки, шартнома тузувчилардан бири шартномани тұзаётган пайтда рұхий ҳаяжонланиш ҳолатида бұлғанлиги туфайли шартноманың мөхияти, оқибати, фойда ва заарларини тушуниб етмаган бұлиши мүмкін. Бундай ҳолатда албатта ушбу жараёнга ойдинлик киритишда суд томонидан тайинланған психологияк экспертиза хulosасига асосланилади.

Маълумки, суд жараёнида күрилаёттан ишни муваффақиятли якунлаш ва одил ҳукмни чиқаришда судья асосан меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ҳужжатлар ва ахлоқий тамойилларга суюниб иш тутади. Суд жараёнида шундай вазиятларга дуч келинади, бундай ҳолатларда нафақат ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, балки инсонийлик, меҳр-муруватлилық тамойилига суюниб иш тутиш зарур бұлади.

Психологияк экспертиза инсонийлик ва меҳр-муруватлилық ёндашуви асосида иш тугишининг ажralmas қисми сифатида намоён бұладиган соҳалардан бири бұлиб ҳисобланади. Чунки, психологик экспертиза айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчиларнинг ички рұхий оламини, маънавий дунёсини, шахс хусусиятларини, жиноятчиликка мойиллик жиҳатларининг ижтимоий-психологияк омилларини очиб беришда судга катта ёрдам беради.

Кузатишлиаримизга қараганда республикамиз вилюятлари судлов ишларида, айниқса фуқаролик судлов ишларида психологик экспертиза хизматидан фойдаланишни бутунги күн талаби даражасида деб бұлмайди. Бунинг натижасида чиқарилаёттан айрим суд ҳукмлари ортида инсон ҳәёти, тақдирі, келажаги барбод бұлмоқда. Бундай ҳолат фаолияти қонун устуворлигига асосланған республикамиз ҳуқуқтарынан мұассасаларига нисбатан фуқароларда ишончсизликнинг пайдо бұлишига, қонунга итоат этмаслик ҳолатларининг юзага келишига сабаб бұлиши

мумкин. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун энг аввало жиноий жавобгарлик ишлари билан бир қаторда фуқаролик судлов ишларида ҳам суд-психологик экспертизасидан фойдаланишини кенг йўлга қўйиш лозим, деб ўйлаймиз.

## ХОТИМА

Психология фани нафақат назарий, балки амалий соҳаларни ҳам қамраб олувчи кўп тармоқли билимлар мажмуудан иборат. Бу борада қўлга киритилган ютуқлар ҳуқуқшунослик психологияси йўналишида ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боришга имконият яратмоқда. Қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича турли профилактик тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг психологияк жиҳатларини таҳдил қилиш, жиноий, асоциал хулқатворни психология фани нуқтаи назаридан ўрганиш, ҳуқуқшунослик фаолиятининг психологик хусусиятлари юзасидан муайян маълумотлар бериш психологияда ҳуқуқшунослик фани билан ҳамкорлиқда ўтказиладиган кенг қамровли тадқиқотлар мавзуси ҳисобланади. Ана шундай тадқиқотларнинг натижаси ва холосалари психологиянинг умумназарий ва методологик масалалари юзасидан кенгроқ мушоҳада юритишга ундамоқда.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимнинг муваффақиятига боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, миллий ҳуқуқий анъаналарни ва давлатчиликни тиклаш, маънавиятни юксалтириш, мустақил Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократик асосларини мустаҳкамлашга асосан республика ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълимни юксак даражада ташкил этиш орқали эришилади.

Давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонунбузарликнинг олдини олиш ва унга

қарши кураш самарадорлигини оширишда хуқуқшунослик психологияси фан сифатида катта аҳамият касб этади.

Психологик билимларни ҳар томонлама чукур эгаллаш, касбга доир күнікмалар ҳосил қилиш хуқуқшунослик фаолияти самарадорлиги ва таъминлашга ёрдам беради, касбий маданиятини ошириб, инсонпарварлық, адолатпарварлық сифатларини шакллантиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, турмушимизнинг кўпгина соҳаларида, айниқса хуқуқшунослик фаолиятида психологик билимларнинг етишмаслиги, бу борада жаҳондаги етакчи давлатлар даражасида эмаслигимиз, тажрибасизлигимиз сезилиб қолмоқда. Айрим ҳолларда тергов ва суд ишлари мазмунида гарчанд психологик характердаги саволлар бўлса-да, суд-психологик экспертизасининг тайинланмаслиги давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг конституцион хуқуқ ва имтиёзларини таъминлаш, хуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, суд ишларининг адолатли олиб борилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Ушбу жиҳатларни кўзда туттан ҳолда мазкур қўлланма яратилди. Ўйлаймизки, эътиборга ҳавола этилган маълумотлар нафақат хуқуқшунослик фаолияти ва психологик амалиёт билан шугулланувчи мутахассислар, балки шу соҳага қизиқувчиларга назарий ва амалий жиҳатдан маълум даражада ёрдам бериши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидағи маъруза. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январь.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997, 9-сон.
4. Абульханова-Славская К.А. Развитие личности в процессе жизнедеятельности (Психология развития формирования личности, М.: Наука, 1981.)
5. Андреева Г.М. Социальная психология. М.: Аспект пресс, 2000.
6. Асмолов А.Г. Личность как предмет психологического исследования. М.: МГУ, 1984.
7. Васильев В.Л. Юридическая психология. СПб .:«Питер», 2000.
8. Годфруа Ж.А. Что такое психология .Т 1,2. М.: Мир, 1992.
9. Гозман Л.Я. Психология эмоциональных отношений. М.:МГУ, 1987.
10. Глазирин Ф.В. Психология следственных действий. Волгоград, 1993.
11. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. М.: Политиздат, 1989.
12. Диленский Г.Г. Социально-политическая психология. М.: Наука, 1994.
13. Доспупов Г.Г. Психология допроса на предварительном следствии. М.: Юридическая литература, 1996.
14. Доспупов Г.Г., Мажидов Ш.М. Психология показаний свидетелей и потерпевших. Алма-Ата, 1995.
15. Дулов А.В. Судебная психология. Минск, 1995.

- 16.Дулов А.В. Основы психологического анализа на предварительном следствии. М.: Юридическая литература, 1983.
17. Еникеев М.И. Основы судебной психологии. М.: 1992.
18. Зинченко В.П., Гордон В.М. Методологические проблемы психологического анализа деятельности (Системные исследования. Ежегодник, М.: Наука, 1975. -С 86-93).
- 19.Ильченко Ю.И. Эмоции и чувства в деятельности следователя. Краснодар, 1998.
20. Кон И.С. Дружба: этико-психологический очерк. М.: Политиздат, 1980.
21. Кон И.С. Ребенок и общество. М.: Наука, 1988.
- 22.Коновалова В.Е. Психология в расследовании преступлений. Харьков, 1998.
23. Котов Д.П., Шиханцев Г.П. Психология следователя. Воронеж, 1987.
24. Коченов М.М. Введение в судебно психологическую экспертизу. М.: изд-во МГУ, 1992.
- 25.Найденов В.В., Олейник П.А. Руководство для следователей. М.: 1994.
26. Нор В.Т., Костецкий М.В. Судебно-психологическая экспертиза в уголовном процессе. Киев, 1985.
- 27.Пантелеев И.Ф. Некоторые вопросы психологии расследования преступлений. М.: 1998.
- 28.Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. М.:1992.
- 29.Ратинов А.Р. Личность преступника как объект психологического исследования. М.: 1989.
30. Рухиева X.А., Фозиев Э.Ф, Мухторов А.. Суд-психологик экспертизаси. Тошкент, 2001.
- 31.Ситковская О.Д. Судебно-психологическая экспертиза аффекта. М.1993.
32. Столяренко А.М. Прикладная юридическая психология. М.: 2001.
- 33.Умаров Б.М. Ҳуқуқшунослик фаолиятида суд-психологик экспертизасидан фойдаланиш. Тошкент, 1998.

## МУНДАРИЖА:

Кириш

Суд-психологик экспертизасининг тарихи ва бугунги куни  
Хукуқшунослик фаолиятининг ижтимоий-психологик  
тавсифномаси

Ҳозирги замон психология фани ва унинг имкониятлари

Ҳукуқшунослик касбining профессиограммаси.

Тергов фаолиятининг психологик тавсифномаси

Ҳукуқшунослик      фаолиятида      ҳиссиётларни      бошқариш  
психологияси

Тинтуб ва ҳибсга олиш психологияси

Юзлаштириш психологияси

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш      психологияси

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш      психологияси

Гумондор ва айбланувчини сўроқ қилиш психологияси

Тергов эксперименти ва суд экспертизаларини тайинлаш

Суд-психологик экспертизасини ташкиллаштириш ва ўтказиш

Суд-психологик экспертизаси ва уни тайинлаш

Суд-психологик ва суд-психиатрик экспертизалари

Судлов ишларида суд-психологик экспертизасидан фойдаланиш

Хотима

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

Мундарижа

## Ижтимоий-услубий нашр

Баҳридин Менгбоевич Умаров  
Умарали Дўстқобилович Қодиров

Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси

Мұхаррир: Ҳ.Ҳакимов  
Техник мұхаррир: У.Насимов  
Компьютерда сағифаловчи: Ў. Эгамов  
Мусаҳҳих; Т. Турғунов

ИБ № 4016

Теришга берилди 7.03.2005. Босишига рухсат этилди 20.04.2005. Қоғоз  
бичими 84x108 1-32. Офсет қоғози.80 гр. Босма т.7  
Адади 1000, шартнома №28. Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриётининг матбаа маркази. 700113, Тошкент,  
Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

«Қағолат-нашр» МЧЖ босмахонаси, 700090, Тошкент шаҳри,  
Яққасарой тумани, Маҳмуд Торобий кӯчаси 31-А уй.